Фэнни Херст Нью-Йоркка адабийет соҳасида бойиб кетиш ниятида келган эди. Омад унга томон кўп шопилмади, лекин, хар қалай, бўйин элди. Дастлабки тўрт йил тақдир уни яхшигина синади. Ҳатто нашриётлардан бири (“Сатэрдэй Ивнинг Пост” газетаси нашриёти) ўттиз олти марта инкор маъносидали хат билан сийлади. Лекин кўпчилик каторида миссис Ф. Херст таслим бўлмади. Унинг ғалабага бўлган сўнмас ишончи ниҳоят иш берди. Сармоя ҳам йиғилди. Матбуот ҳам унга тинчлик бермай кўйди. Бу, бегумон, катъиятlilik меваси эди.

ХАР БИР КИШИ САБОТЛИ БЎЛИШИ МУМКИН

Катъиятlilik — бу сизнинг онглигининг ҳолати бўлиб, уни тарбияласа бўлади. Онглинг хар кандай ҳолати каби, тиришқоклик ҳам маълум принципларга асосланади, масалан:

1. Мақсаднинг аниқлиги. Хохлайдиган нарсангнинг аҳамияти — тиришқокликни тарбиялашда энг муҳим ва биринчи босқичидир. Ҳаётинг аҳамиятга эга ҳолатлар хар кандай қийинчиликни енгиб ўтишга ундайди.
2. Истақ. Агар сизни кандайдир жўшқинлик эгаллаган бўлса, унда тиришқоклик сизнинг йўлдошингиз бўлиши керак.
3. Ўзига ишониш. Ўйлаган нарсангизни охиригача етказишингизга ишонишингиз ўз режангизга катъий роя қилишингизга ёрдам беради.
4. Режанинг аниқлиги. Ишлаб чиқилган режа, бажарилши қийин бўлсада, сиздаги катъиятlilikкини кўллаб-қувватлайди.
5. Синчиклаб қилинган таҳлил. Режангизнинг ишончилигини, амалийлигини, ҳамда тажриба ва кузатув натижаларига таяниб тузилганлигини билиш катъиятlilikкини мустаҳкамлайди. Ва аксинча, таҳлил ўрнига таҳмин қилиш катъиятlilikқдан асар ҳам қолдирмайди.
6. Ҳамкорлик. Бир-бирини ёқтириш, тушунлиш ва ўзаро манфаатларга монанд ҳамкорлик ҳамиша катъиятlilikка ёрдам беради.
7. Ирода кучи. Катъиятlilik шунингдек барча фикрни режа тузишга жамлаш одатига кўшилиб кетади.
8. Одатлар. Катъиятlilik одат натижаси сифатида феъл-атворнинг хислатига айланиб кетади. Онг ҳамиша хар кунги тажрибанинг бир қисмини ўзига сингдиради. Кўркувни енгишинг энг яши даввоси — бу кўп мартаглаб ва мажбурий жасорат кўрсатиш-

дир. Ким жангда, айниқса олдинги сафларда бўлган бўлса, буни жуда яхши тушунади.

“ЎТКИР КАТЪИЯТЛИЛИК” – САККИЗ ЎЗГАРИШДА

Катъиятликдан бошқа мавзуга ўтишдан аввал бошқа одамлардан нима билан фарқ қилишингизни, шунингдек, муҳим сифат эгаси бўлиш учун сизда нима етишмаслигини аниқланг. Бундай таҳлил ўзиндан ўртангизда ҳам ёрдам беради. Куйида омад билан ўртангизда турган “душманларингиз” рўйхати келтирилган:

1. Ўз истақларингизни тушунмаслик.
2. Пайсалга солиш.
3. Махсус билимларни кўлга киритишга қизиқмаслик.
4. Хар қандай масаладаги иккиланниш ва катъиятсизлик, қийин вазиятдан ўзингиз чиқиб кетишингиз ўрнига жавобгарликни бошқаларга ағдарिश.
5. Муаммони хал қилишининг аниқ режасини тузиш ўрнига вазиятни баҳона қилиш.
6. Ўзига бино қўйиш. Бу нуқсоннинг давоси йўқ. Худди унинг эгаларининг умиди каби.
7. Бефарқлик. Кўпинча пайдо бўлган муаммоли масалалар билан мурося қилишга тайёрлик билан ифодаланади.
8. Ўз хатоларида бошқаларни айблаш ва ноқулай вазиятларни муқаррар деб қабул қилиш.
9. Хамма нарсани ҳаракатга келтирувчи завқнинг йўқлиги.
10. Озгина муваффақиятсизлик туфайли барча ишларга нуқта қўйишга тайёрлик.
11. Аниқ тузилган ва қоғозга туширилган режа. Унинг қоғозга туширилиши зарур пайтда таҳлил қилиш учун муҳим.
12. Ҳақ эки дастлабки режанинг ўзгаришини ҳисобга ола билмаслик. Ва шундай вазият пайдо бўлиб қолса, ундан фойдалана билмаслик.

13. Бошлаш ўрнига сабр қилиш.

14. Бойликка интилиш ўрнига кашшокликка кўникиш.

15. Арзимаган ишлар билан машғул бўлиб қолиш, олиб-сотар ва бошқа майда-чуйдалар билан ҳамкорлик қилиш. Ҳеч нарса бермасдан ёки ҳаққига яраша бермасдан хамма нарсага бирданга эришиш.

16. Танқид ва бошқаларнинг фикридан кўрқиб.

ТАНКИД – ҚИЙИН ИШ ЭМАС

Аломатларни кўриб чиқамиз. Кўпчилик одамлар танқиддан кўржаканлиги туфайли қариндошлари, дўстлари ва жамият таъсири остида яшайдилар. Улар ўзларининг фикри ва ҳаёти билан яшай олмайдилар.

Кўпчилик турмуш ўртоғини танлашда хато қилдилар ва хатосини тўғирлашга уринса уларни айбашларидан кўрқиб, бир умрга бахтсиз яшашга маҳкум бўладилар. Худди шундай кайфиятда кўпчилик кўшимча маълумот учун ўқидан ўзларини тўхтатадилар.

Бир сўз билан айтганда, танқиддан кўрқиб муваффақиятга эришиш истаги ҳам йўқолиб боради.

КАТЪИЯТЛИКНИ ТАРБИЯЛАШДАГИ ТҮРТ КАДАМ

Мана у тўрт кадам:

1. Натихага эришининг кучли истагидаги аниқ мақсад ёки интилиш.
2. Ҳаракатнинг кетма-кетлигини тасвирловчи аниқ режа.
3. Емирувчи таъсирлардан, жумладан қариндош, дўст ва яқинлар таъсирларидан ҳоли эркин онг.
4. Дўстона иттифоқ, сизнинг аниқ режа асосида мақсад сари интилишингизни кўллаб-қувватловчи бир ёки бир неча кишилар билан ҳамкорлик.

Ушбу тўрт кадам хар кандай фаолият турида, айниқса бизнинг философиямизнинг ўн уч принципига амал қилмоқчи бўлганлар учун аҳамиятлидир.

Булар сизнинг эркин ва мустақил фикр юритишини таъминлайди.

Булар сизга жуда катта бойлик келтиради.

Бу тўрт кадам сизга қудратли бўлишга, шон-шухратга ва жаҳонга танилишга йўл очади.

Булар сизга имконият ёки, ҳатто тасодифни ҳам кафолатлайди.

Булар тушни ўнга, орузни ҳақиқатга айлантиради. Бу тўрт кадам кўрқув, умидсизлик ва бефарқлик устидан ғалабага йўл очади.

Бу тўрт кадамни кўйишга ўрганганларни катта мукофот кутади. Сиз бу билан ўзингиз исталган келажак паттасини қўлга киритасиз.

КАЙДЛАШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ФИКРЛАР

Катъиятлилик, худди кўмир рудани қимматбаҳо пулатга айлантиргани каби, инсонни кайта шакл-билан фикрлашнингизни муқаммаллик даражасига ривожлантиради.

Ўзингизда катъиятликни тарбиялашни ҳикоя қилиб берадиган саккизта бандни қайтаринг. Улар ёзилган варақни кўринадиган жойга илиб қўйинг. Фэнни Херст, Кэйт Смит ва Л.М. Филдс каби инсонлар катъиятликнинг буткул муҳимлиги тўғрисида бебаҳо дарс бериб келаттилар.

Оддий тўрт кадам эса катъиятли бўлиш одатига олиб келади. Улар, шунингдек сизнинг онглингизни ноҳўя таъсирлардан ҳимоя қилади.

10. БОЙЛИК САРИ ТЎҚҚИЗИНЧИ КАДАМ: “АҚЛ МАРКАЗИ”

Ақл-идрокнинг кучи сизга бойлигингизни оширишга ёрдам беради. У ютуққа эришишнинг муҳим носитаси. Агар режаларни бирон-бир куч жойидан силжитмаса, улар маъносиз бўлиб қолади.

Билим манбаларини таҳлил қилиб кўрамиз:

1. Олий идрок. Ушбу манба билан сиз юқорида таъсирланган усул билан алоқага чиқасиз.

2. Йиғилган тажриба. Инсониятнинг йиғилган тажрибасини китобдан ҳам ўқиса бўлади.

3. Тажриба ва тадқиқот. Фанда, ва ҳатто кундалик ҳаётда одамлар янги фактларни йиғишади, таснифлайди ва умумлаштиради. Агар сиз “йиғилган тажриба”дан унумли фойдалана олмасангиз, унда ушбу манбаларга беписандлик билан қарамаслик керак. Аксинча, уларга ижодий ёндашиш керак.

Хар кандай манабадан олинган билим, агар у ҳаракат режасида йиғилган бўлса, кучга айланиши мумкин. Пировард натижада эса — ҳаракатга. Агар иш режангиз кенг миқёси бўлса, бунда ҳамкорларсиз ишингиз юришмаслигини унутманг.

ЭНДРЮ КАРНЕГИ СИРИ

“Ақл маркази” нима, ва у нима учун керак? Бу — маълум мақсад сари интилувчи икки ёки ундан ортиқ қишлар билим ва кучларининг ўйғунлиқдаги мувофиқлашуви. Агар сиз одамларни тўғри танлай олсангиз ярим иш битти деяверинг. Агар марказга маслаҳат, кўмак ва ҳамкорлиги билан ёндошувчи одамларни тўпласангиз, бундай муносабатдан иқтисодий фойда кўриш аниқ.

Бундан эллик йил аввал Эндрю Карнеги менинг эътиборимни “ақл маркази”нинг иқтисодда кандай ҳаракатланишига жалб қилганди.

Мистер Карнегининг ўзининг “ақл маркази” 50 килдан иборат бўлиб, уларнинг яқдил мақсади пўлат ишлаб чиқариш ва сотиш эди. Мистер Карнеги у киллар ёрдамида интеллектуал бойлик тўғрлай олган.

КАЙДИЛИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ФИКРЛАР

Эндрю Карнегининг “ақл маркази” унинг шахсий ва ишга доир муваффақиятларининг тамал тошидир. Энди ундан сиз ҳам фойдаланинг. У ташкиллаган тирилтан интеллектни ҳукмронликка айланттириш услуби. Инсон ақли ҳам — қувват. Ҳамкорликда интеллектлар “қувват банки” ни шакллантирадилар.

Бойлик — режа ва ташкиллаган тирриш натижасидир. Қашшоқ бўлиш жуда осон. Қашшоқ нимани режалаштиради?

Сизга ёрдамга интеллектуал кучининг учта асосий манбаси келишга тайёр. Фақат сизнинг иродангиз керак. Бахт қўллай билишда эмас, эғалик қилишда.

12. БОЙЛИК САРИ ЎН БИРИНЧИ ҚАДАМ: ОНГ ОСТИ

Таассуротлар ва фикрлар ўз табиатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда тўпланадилар ва онг остида қабул қилинадилар. Лекин онг ости энг аввал ишонч билан қопланган устун истақларга реакция беради.

Онг ости кечяо-кундуз меҳнат қилади. Номаялум услублар ёрдамида у олий идрокдан истақни ҳақиқий-та айланттирадиган куч олади. Инсон онг остини бошқара олмайди, лекин уни керакли моддалар билан таъминлаб туради.

Инсон томонидан яратилган барча нарсалар фикр учқунидан, яъни тасаввурдан бошланади. Ишонч билан бириккан режа айнан тасаввур орқали онг остига ўтади.

Онг ости ақл фикрига қараганда кўпроқ хиссийёт фикрига таъсирчанроқ бўлади. Бежизга айттишмай-

дику: одамларни хиссийёт бошқаради, — деб. Инсониятга еттига салбий ва шунча ижобий хиссийётлар мавлум. Базан хислар фикрининг пассив ҳолатидан фаол ҳолатига ўтишига имкон тўғдиради.

Шундай қилиб, еттига асосий ижобий хислар: Истақ, ишонч, севги, файрат, тез таъсирланувчанлик, умид.

Сиз эҳтиёт бўлишингиз керак бўлган еттига асосий салбий хислар: Кўркув, ҳасад, нафрат, қасос, очкўзлик, иримчилик, ғазаб.

Онг бир вақтнинг ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий хислар билан тўлдирила олмайди. Улардан бирортаси устунлик қилади. Онгингизга улардан қайси кўпроқ таъсир қилиши сизга боғлиқ. Бунда сизга одат ёрдам беради. Демак, одатингизни фақат ижобий хис-туйғуларни қабул қилиш ва фойдаланишга йўналтиринг. Аста-секин улар сизнинг онгингизда шундай ҳукмронлик қила бошлайдики, салбий хис-туйғуларга у ерда жой қолмайди. Яна шунга таъкидлаш лозимки, бир нарсадан эҳтиёт бўлиш керак. Базан онгдаги биргина салбий фикр онг остидати барча ижобий ўзгаришларни вайрон қилишга етарли бўлади.

КАЙД ҚИЛИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ФИКРЛАР

Онг остига ғалаба ёки мағлубиятга ишлаганинг фарқи йўқ. Сизга боғлиқ. Сизнинг ўзингиз ёки даволайсиз, ёки куйдирасиз. Сизга еттига ижобий ва салбий хислар мавлум. Онгингизда салбий фикрларга жой қолдирмасликка ҳаракат қилинг.

15. КЎРҚУВНИНГ ЕТТИ БЕЛГИСИ

Келинг, биз кутулишимиз керак бўлган учта душманни — қатъийатсизлик, гумон ва кўркувни ўрганиб чиқамиз, тахлил қиламиз ва тушунишга ҳаракат қиламиз. Улардан бирортаси онгингизда қолса, сизга ҳеч нарса ёрдам бера олмайди. Улар бир-бири билан жипс бўлишади ва бир-бирини чорлайдилар.

Кўрқув катъиятсизликдан униб чиқади. Бунни унутманг! Ушбу бообнинг максади — эътиборни бир жойга — кўрқувнинг олтига турининг пайдо бўлиш сабаблари ва уни йўқ қилиш усуллари атрофига тўтлаш. Душманни енгилш учун биз унинг исмини, одатларини ва яшаш жойини билишимиз керак. Сизнинг кўнглингизда қайси кўрқувнинг жой олганлигини таҳлил қилиб кўринг. Улар баъзан онг остида яширинишадди. Айнан шу ерда уларни топилш ва енгилш қийинрок.

КЎРҚУВ — БУ ФАКАТ ҲОЛАТ

Шундай қилиб, энг кўп тарқалган олтига кўрқув мавжуд. Бу: кашшокликдан кўрқиш, танкиддан кўрқиш, касалликдан кўрқиш, севгидан кўнгли қолтишдан кўрқиш, қарилликдан кўрқиш, ўлимдан кўрқиш.

Улардан биринчи учтаси хар кандай хавотирликнинг тагида ётади. Санаб ўтилганлардан бошқа барча кўрқувлар ёки унчалик муҳим эмас, ёки уларга бири-бирига қарамай ҳар кандай ҳолатда ҳам унутманг: кўрқув — бу сизнинг онглигининг ҳолати. Демак, уни назорат қилса ва бошқарса бўлади.

Тасаввур шакллантиришдан аввал келади: биринчи бўлиб фикр уйғонади. Демак, фикр пайдо бўлгандан дарров юзага чиқади. Ундан шу нарса келиб чиқадики, баъзан беҳосдан кириб келган бегона фикрлар ҳам худди ўз қаллангизда шаклланган фикрлар каби шахснинг молиявий, ишчанлик, касбий ҳолатини ёки жамиятдаги ўрнини белгилаши мумкин.

Шу ўринда шунки таъкидлаш жоизки, бировга омад кулиб боқади, бировга эса йўқ. Нима учун? Ўзингиз ўйланг: хар бир инсон онгини бошқара олади. Демак ақл маркази”дан унумли фойдаланиш ёки ташқаридаги фикрлардан ўзини четаралаш унингн ўзига боғлиқ экан.

Бир сўз билан айтганда, инсон фикрдан бошқа ҳамма нарсани назорат қила олади экан. Демак кўрқув

ни кашшоклик ҳақидаги фикрни жасорат ёки молиявий омадга айланттириш мумкинми?

КЎРҚУВ КАЕРДАН КЕЛАДИ

Кашшокликдан кўрқиш — онгининг ҳолатидан бошқа нарса эмас! Лекин у сизнинг муваффақиятга бўлган имкониятнингизни йўққа чиқариши мумкин.

Кўрқувнинг бу тури ақлни фалаж ҳолатига келтириб қўяди, тасаввурни заифлаштиради, ўзига ишончини ўлдиради, ғайратга путур еткази, ташаббусни сўндиради, максадни оқизиб кетади, ўзини бошқариш имконини қолдирмайди. У катъиятликдан, кучдан маҳрум қилади, иззаг-нафси йўқ қилади, хотирани сусайтиради, омадсизлик чақиради, севгини ва қалбнинг энг яхши хисларини бўёди. Уйқусизлик, сикилиш ва ғам-ғусса чақиради.

Кўрқувлар ичида кашшоклик кўрқуви энг кўп таълофатли саналади. Ҳеч нарса кашшоклик каби катта кулфат ва хўрланиш олиб келмайди.

Шунинг учун бўлса керак, одам бойликка шунчалик ружу қўйган бўладикки, уни хар кандай йўл билан топилшга интилади: Хоҳ пок, хоҳ нопок йўл билан.

КАШШОКЛИКДАН КЎРҚИШНИНГ ОЛТИ АЛОМАТИ

1. Бефарқлик — бу иззаг-нафсининг йўқлиги, кашшокликка қарши курашни истамаслик, интеллектуал ва жисмоний дангасалик, ташаббуснинг, тасаввурнинг, ғайратнинг ва ўзини-ўзи назорат қилишнинг йўқлиги.

2. Катъиятсизлик — бошқаларга ўзи учун ўйлашга қўйиб бериш одати, ўзи эса куттишни лозим топилши.

3. Гумонсираш — одатда ўзининг муваффақиятсизлигини бекитишга қаратилган тушунтириш, кечирим сўраш шаклида пайдо бўлади; баъзан эса бошқаларнинг ютуғига хасад ёки уларни танқид қилиш билан қўшилиб кетади.

4.

Хаволир — хатони бошқалардан излашга интилиш; ўзининг ташқи кўринишига эътиборсизлик, ковок-тум-шўғи осилган ва хўмрайган ташқи кўриниш; спиртли ичимлик ичишдан ўзини тия билмаслик, баъзан эси наркотикага берилиш; тажантилик ва ўзига ишонмаслик.

5. Хаддан ташқари эҳтиёткорлик — масаланинг факаг ёмон томонини кўриш; онгни ютукни кўлга киритиш йўлида бир жойга тўллаш ўрнига омадсизлик эҳтимоли хакида фикр юритиш ва сўзлашишлар; ва ниҳоят, ошқозоннинг ишдан чиқишига, организмдан шлактлар чиқарилишининг ва нафас олишининг бузилишига, ҳамда умуман касалликка мойилликка олиб келадиган пессимизм.

6. Сусткашлик — Ҳамма ишни кейинга қолдириш одағи, иш ўрнига ҳамма кучни беқорчиликдан ўзини оқлашга сарф қилиш. Хаддан ташқари эҳтиёткорлик туфайли ишни чўзиш масъулиятидан қочинга олиб келади; хаёт қийинчиликларини ентиб ўтиш ўрнига уларга кўникиб қолиш; хаётдан тўллаб-яшнашни, бойликни, тўқинликни, бахтни талаб қилиш ўрнига у билан ҳар бир сарик чакани савдолашиш; кези келганда таваққал ўрнига ҳар бир ишни бағафсил режа-лаштириш; заифлик, кўпинча ўзига буткул ишонмаслик, мақсаднинг аниқлигининг ва ўзини назорат қилишнинг, ташаббуснинг, ғайратнинг, иззат-нафсининг, оқилона фикр юритишнинг йўқолиши; бойлар билан дўстлашиш ўрнига кашшоқликка кўникашлар билан муносабатда бўлиш.

ТАНКИДДАН КЎРКАСИЗМИ?

Танкиддан кўрқиш ташаббусга путтур етказади, тасаввурнинг кучини заифлаштиради, индивидуалликни чегаралайди, одамда ўзига бўлган ишончни йўқотади ва бошқа кўпгина ҳолатларда унга зарар келтиради. Танкид бизда керагидан ошиб ётган хизматнинг бир тури. Фарзандини танкид остида ўстирган ота-о-

на ўзини инсондаги хислатлар мажмуасини бўғиб ташлаган жиноятчи сифатида тан олиши керак. Инсон табиатини яхши тушунадиган менеждерлар кўл остидагиларни танкид йўли билан эмас, ўзаро асосли келишув орқали тўғри йўлга солишга интилади-лар. Ота-оналар ҳам шундай қилса бўлади. Танкид юракда яқинлик, севги ўрнига кемтик пайдо қилади.

ТАНКИДДАН КЎРКИШНИНГ ЕТТИ АЛОМАТИ

1. Тортинчоқлик — одагга нотаниш кишилар билан учрашганда ва улар билан суҳбатда асабийлашиш, кўркув, бесўнакай ҳаракат ва кўзларнинг алантлаши билан ифодаланади.
2. Вазминликнинг йўқлиги — ўз овозини назорат қила билмаслик, бошқаларнинг олдида асабийлашиш, хотиранинг сустлиги ва қоматни тўғри тута олмаслик.
3. Кўнгли бўшлик — қарор қабул қилишда иккиланиш, жозибадорликнинг йўқлиги, очик гаплаша олмаслик;
4. Ижобий хислатларнинг етишмаслиги — ўзини тил билан намён қилиш, таассурот хосил қилиш учун баландпарвоз сўзлар билан сўзлашиш; кийиниш ва сўзлашишда, ва умуман ҳаракат тарзиде бировга тақлид қилиш, тўқиб гапириш, айниқса ўзининг ютуклари тўғрисида. Бундай одамлар кўпинча ўзига ишонган бўлиб кўринади.
5. Ғайриоддийлик — “Ҳамма қатори” бўлишга интилиш. Лекин буни маблағ билан ўлчаб бўлмайди.
6. Ташаббуссизлик — ўсиш учун ўзидаги бор имкониятдан фойдаланмаслик; ўзининг нуқтаи-назарини сўзлашдан кўрқиш; кўзига қараб хулумад қилиш ва орқадан гап-сўз қилишга ишқибозлик; омадсизликларга қарши тура олмаслик, озгина қарама-қаршиликка дуч келса ҳар қандай бошлаган ишнинг тўхта-тиш, асоссиз гумонсираш; кўпол сўзлашиш; ўзининг камчиликларини тан олмаслик.

КАСАЛЛИК ДАН КЎРКИШНИНГ ЕТТИ АЛОМАТИ

1. Ҳзини Ҳзи ишонтириши — Ҳзида хаёлга келган барча касалликлар аломатларини топишга интилиши ва борлиги хақида тахмин қилиши.
2. Ваҳима касали — касаллик турлари хақида сўзлашиш, улар атрофида фикрини жамлаш, хатто уларнинг бошланишини кутиш, натижада нерв стрессига чалиниш; ушбу касаллик хаёллар орқали кириб келади ва уларни фақат яхши хаёллар билан даволаш мумкин.
3. Ланжлик. Касалланишдан кўрқиш кўп холларда жисмоний машқ қилишга монелик қилади: бу эса одатда ортиқча вазнининг ошишига олиб келади.
4. Таъсирчанлик. Касалликдан кўрқиш организмнинг курашчанлигини сусайтиради ва ҳар қандай хасталикни орттириб олишга замин ярағайди. Касаллик кўркуви қашшоқлик кўркуви билан кўшилиши мумкин. Ҳндай одамларни касаллик туфайли кўп пул сарф қилиши ҳам безовта қилади.
5. Ҳзини ардоқламак — тасаввурдаги касаллик ёрдамида атрофдагиларнинг эътибор ва тасаллиларини қозониш; одатда ишдан қочиб учун буни кўп қўлайдилар.
6. Бадафслик — бош оғриғи ва шунга Ҳхпаш касалликларнинг сабабини топиб, улардан қутулиш Ҳрини га алкоголь ёки наркотик моддалардан нажот излаш.
7. Хаботирлик — ҳар хил дориларни реклама қилувчи тиббиётга оид адабиёт ва брошюраларни Ҳқишга ишқибозлик натижасида Ҳзида касаллик хақида хаботир ва безовталиқнинг пайдо бўлиши.

ҲЛИМ ДАН КЎРКИШНИНГ ҲЧ АЛОМАТИ

1. Ҳлим хақида фикрлар. Бу одат ёши Ҳтганлар орасида кенг тарқалган, лекин кўпинча ёшлар ҳам хаётдан завқланиб яшаш Ҳрнига у хақда кўп Ҳйлайдилар.

Бу кўпинча кўлида касб-ҳунари Ҳққлар билан содир бўлади. Ҳнинг давоси — бирон нарсани кўлга кириши истаги, бошқа биров учун яшаш. Банд одам Ҳлим хақида Ҳйламайди.

2. Қашшоқлик кўркуви билан алоқа. Бирон кишининг Ҳлими туфайли қашшоқлик ёки Ҳзининг қашшоқлиги келиб чиқишидан кўрқиш.

3. Касаллик ёки ховлиқмаллик билан алоқа. Бу касаллик депрессияга олиб келиши мумкин.

ХАВОТИРЛИК ХАМ КАСАЛЛИК

Инсон ҳамма нарсани, хатто Ҳз фикрини ҳам назорат қилиш имконига эга. Агар сиз Ҳз онгини Ҳзини назорат қилмасангиз, демак ҳеч нарсани назорат қилмайсиз. Онг — бу сизнинг маънавий бисотингиз!

Лекин, афсуски, орамизда бошқаларнинг онгини захарловчилар кўлаб топилиб турадилар. Шундайлардан бири Томас Эдисонни инсон овозини ёзиб оладиган ва чиқарадиган машинани яратиб фикрдан қайтармоқчи бўлган. Лекин мистер Эдисон унга ишонмаган. У ақлнинг нимани тасаввур қила олса Ҳшани ижод қилишига ишонган. Ва Эдисоннинг бу билими оломон узра юксақка кўтарилди.

Худди шундай, Ф.У. Вульвортни бешдан Ҳн фоизгача четирма билан савдо қилса инкирозга учрашига ишонтиришга уриндилар. Уларнинг таъсирига берилмаган мистер Вульворт 100 миллион долларлик сармомга эга бўлди. Бостон кўчаларида Генри Форднинг биринчи кўпог автомобилли чиққанида ёмон ниятлилар бу хазил амалиётга жорий қилинмаслигига муаллифни ишонтирмоқчи бўлдилар. Генри Форд эса Ҳзи айтганидек “ер шарини бошқариладиган автомобиллар белбоғи билан Ҳради”. У бунга Ҳз онгини назорат қила олиши билан эришди.

Назоратнинг бундай турига Ҳзини тутта билиш ва одат натижасида эришиш мумкин. Хулоса: ёки сиз он-


гни бошқарасиз, ёки у сизни, бошқача бўлиши мумкин эмас. Онгни назорат қилишнинг энг самарали усули — бу уни аниқ бир мақсад сари харакатлантириш керак.

КАЙД ҚИЛИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ФИКРЛАР

Кўрқув ҳаммада бор, ва улардан баъзилари ўринлидир. Лекин катъиятсизлик ва гумондан келиб чиқадиган кўрқувлар ҳам мавжуд. Мана уларга мисол: “Сен менга алибингни айт, мен сенинг кимлигингни айтаман” ўйлайдиган одамга алиби керак эмас. Демак у бойийди ҳам.


Бахт пулда эмасми? Айнан пул бахтни, узок умрни, роҳат ва руҳий сокинликни кўлга киритишга ёрдам беради.

Соғлиқ — энг катта бойлик. Кўрқувни енглинг — вазиз у чакирадиган касалликлардан фориг бўласиз. Мардлик тўфайли шахарлар ишғол этилади.



МИЛЛИОНЕРАР ВА МИЛЛИОНРАДЕРЛАР

СИРААРИ



Бойишнинг яширин илми

ИНСОН МУТАФАККИР СИФАТИДА

СЎЗБОШИ

Ушбу китоб тажриба ва мулоҳазалар мевасидир ва фикр кудрати тўғрисида ёзилган барчасини қайтарувчи зерикарли трактат эмас. У жавоб беришдан кўра кўпроқ савол қўйишга йўналтирилган. Унинг максадлари — китобхонларга ўзлари ўзларининг яратувчиси етишга эришди, ва улар бунга ўзлари танлайдиган ва ривожлантирадиган ҳаёллар орқали амалга оширадиган. Онг — бу одам характерининг ички “кийими” ни ва вазиятларнинг ташқи “кўринишини” яратувчи буюк ва мохир тўқувчиси, шундан келиб чиқадими, китобхонлар шу кунгача ташвиш ва беҳабарлик ҳолатида тўқилган, китобни ўқиб бўлгач эса қувонч билан ва нима қилаётганларини билиб тўқилганга қилишишлари мумкин.

Жеймс Аллен

НИЯТЛАР ВА ФЕЪЛ-АТВОР

“Инсон асли қалб тубида ўйлагани кабилдир” сўзларига асосланган қадимги донишмандлик нафақат инсон борлигини бутунлигича камраб олади, балки унинг ҳаётининг барча ақлга сиғувчи вазиятлари ва коллизиясини тасвирлайди. Инсон айнан ўзи ўйлаётгани кабилдир, унинг феъл-атвори эса — унинг барча ниётлари йиғиндисиди.

Ўсимлик урувдан ўсиб чиққани, уруғсиз у пайдо бўлмайди ҳам. Шу каби инсоннинг ҳар қандай хатти-ҳаракати ниётларнинг кўринмас уруғларидан ети-

Миллионерлар ва миллионерлар сирлари

Шиб чиққани ва усиз вужудга кела олмайди. Бу “стихили”, “қасддан қилинмаган” деб аталувчи ва оқидандан рекалатиригиб амалга оширилган хатти-ҳаракатларга ҳам генг равишда тааллуқли.

Содир бўлган ҳаракат — фикрнинг ранги, унинг менаси эса — қувонч ва ташвиш; мана одам нимани ўзига қабул қилади — шахсий экиннинг ширин ва аччиқ меваларини.

Бизни тафаккуримизда пайдо бўлган фикримиз яратди. Айнан фикрдан биз ўзимизни яратдик ва қурдик. Агар инсоннинг онги ғазабнок фикрларни тарбиялаган бўлса, ҳўқиз ортидан плўг келганидек унга ҳам ташвиш келади... Агар инсон яхши ҳаёллар қилса, қувонч ортидан соя каби эрлашиб юради ва бу ҳар доим шундай бўлади.

Одам мантқисизлик билан эмас, қонуниятлар асосида яратилган, ва ҳаёлларнинг сирли қироллигида сабаб ва оқибат кўринарли ва материал оламдаги каби абсолют ва муқаррадир. Олижаноб ва пок феъл-атвор — кўр-кўрона вазиятнинг натижаси эмас, балки тўғри фикрлашни доимий машқ қилдириб борилишининг табиий оқибати, узок вақт давомида пок ҳаёллар билан бўлишининг якунидир. Шу йўл билан ноолижаноб, хайвонсифат феъл-атвор — доимий тарзда тубан ҳаёлларга берилишининг натижасидир. Инсон ўзини ўзи яратади ва вайрон қилади, ўзининг ниётлари устахонасида ўзини ҳалок қилувчи қуролни яратади. Ва унинг ўзи, ўзи учун улкан бахт, куч ва тинчлик қасрларини қуриш учун асбобларни кашф қилади. Ниётларни тўғри танлаб ва уларни тўғри амалга ошириб, инсон Илоҳий Баркамолликка етишсади; ниётларни суиистеъмом қилиб ва ундан нотўғри фойдаланиб эса у хайвондан ҳам дастга тушиб кетади. Ушбу чегаралар орасида феъл-атворнинг барча белгилари мавжуд, инсон — уларнинг яратувчиси ва ҳўқмдори.

Бизнинг асримизда қилинган рухнинг табияти тўғрисидаги барча ажойиб кашфиётларнинг орасида рухиятга сокинлик бахш этувчи инсон ўз ниятлари устидан ҳужмдорлиги, унинг ўзи ўз феъл-атвори ни шакллантириши ва ўзи яшаётган шароитни ўзи яратиши, ўз тақдирини ва атроф-муҳитини ҳам ўзи вужудга келтириши ҳақидаги фикрдан олижаноб ниятларга тўйинганроқ ва тинчланттирувчироқ ҳақиқат мавжуд эмас.

Инсон Қудрат, Онг ва Муҳаббат билан мукофотланган мавжудот сифатида, шахсий ниятларининг ҳужмдори сифатида ҳар қандай коллизия учун қалитга эга ва ўзидан истаган кўринишини яратиш учун барча яратувчи ва малҳам берувчи кучларни ўзида мужжасам қилади. Одам — доимо ҳўжайин, ҳатто у жуда но-зик ва яккаланган бўлганида ҳам, аммо заифлашган ва пастга қулаган вақтида ўзини бошқара олмаган онгсиз ҳолатдаги ҳўжайиндир.

У ўзининг ҳолати ҳақида фикрлаганида ва унинг борлиги яратилишининг Қонунини излай бошлаганида доно ҳўжайинга айланади, ўз кучини онгли равишда сарфлайди, ўз ҳаёлларини натижакор нарсаларга қаратади. Онгли ҳўжайин айнан шундай бўлади ва ҳар қайси инсон шунга эришиши мумкин. Бунинг учун ўзида ҳаёллари қонуниятини топа олиши даркор. Бу буюк кашфиёт эса тўлиқ ўзини ўзи таҳлил қилиш, тажриба ва амалиёт масаласи.

Олгин ва бриллиантти узок изланишлар ва меҳнат эвазига топилш мумкин. Инсон ҳам агар ўз қалби тугида узок меҳнат қиладиган бўлса, борлигига тааллуқли ҳар қандай ҳақиқатни англаши мумкин. Бундан ташқари, у ўз феъл-атворининг яратувчиси, ўз ҳаётининг устаси, ўз тақдирининг қурувчиси эканини исботлаши мумкин. Бунинг учун у ўз ҳаёлларини кузата олиши, уларни бошқариши ва ўзгартриши, улар шахсияти ва бошқаларга, ҳаёти ва

Миллионерлар ва миллионерлар сирлари
назятларга қандай таъсир қилаётганини кўздан кечириши лозим.

НИЯТЛАРНИНГ ВАЗИЯТЛАРГА ТАЪСИРИ

Инсон онгини бокка ўхшатиш мумкин. Баъзиларини яхши парварилш қилишда ва мевали дарахтлар гуллаб-яшнайдди, баъзилари эса қаровсиз қолиши ва бегона ўт-ўланлар билан қопланиши мумкин. Аммо уларнинг иккиси ҳам: ишлов берилгани ҳам, қаровсиз қолгани ҳам мева бериши керак бўлади. Агар унга фойдали экинлар экилмаса, бегона ўтлар ҳам ривожланиб кетиши эҳтимоли мавжуд.

Боғбон ўз майдонини парварилш қилгани, унда бегона ўтлар ўсишига йўл қўймагани, унга керакли бўлган гуллар ва дарахтларни ўстириши каби, инсон ҳам ўз онги боғини парварилш қилади, барча нотўғри, кераксиз ва нопок ниятларни йўқотади, тўғри, фойдали ва пок ниятларни ўстиради ва уларни баркамолликка етказади. Бу машғулотга берилиб кетиб, инсон эртами, кечми ўз қалбининг бош боғбони ва ўз ҳаётининг эгасига айланганини сезади. Бундан ташқари, у ўзида тафаккур қонуниятини очади ва қандай қилиб фикр кучи ва онг стихияси унинг феъл-атвори, атроф муҳити ва тақдирини белгилаб беришини аниқроқ тушуниб боради.

Фикрлаш ва феъл-атвор яхлитдир, агар характер ҳаётий вазиятларда намоён бўлиши ва очилиш қобилиятига эга бўлса, инсон ҳаётининг ташқи омиллари ҳам доимо унинг ички ҳолати билан уйғунликда бўлади. Бу дегани, ҳаётининг ҳар қайси фурсатида одамнинг борлиги унинг феъл-атворини акс эттиради, аммо бу вазиятлар инсоннинг баъзи ҳаётий муҳим ички ниятлари билан чамқармас беглик, бу эса қайсидир вақтларда унинг ривожланиши учун кераклидир.

Ҳар қайси инсон унинг борлиги қонунияти белгилаб беришига қараб яшайди. У тушиб қоладиган ва-

ниятлар у ўз феъл-атворига сингдириб олган ниятлар билан yaratилган ва унинг хаёти ҳеч қандай тақдирлар билан боғлиқ эмас — бу хато қилмайдиган қонуниятлар ҳаракати натижасидир. Бу тенг маънода ўз хаётини “уйғун эмас” деб ҳисобловчи ва у билан қониқмайдиган одамларга ҳам тааллуқли.

Инсон — тараққий этувчи ва ривожланувчи мавжудот ва унинг яшаш тарзи ўсишни ўрғанишга ёрдам беради ва у маънавий дарсни ўзлаштиргани заҳоти қотиб қолган вазиятдан ҳалос бўлади. Инсон ўзини ташқи вазиятлар маҳсули деб ҳисоблашни бас қилганддаги на вазиятнинг қурбони бўлишдан тўхтайдди. Аммо у ўз борлигининг сирли экин майдони ва уруғларини ўстиришга қодирлигини тушуниб етиши лозим, айнан шу уруғлардан вазиятлар ўсиб чиқади.

Вазиятлар ниятлардан келиб чиқиши қайсибир муҳдат бўлса ҳам ўзини назорат қилиш ва ўзини тозалашни машқ қилган ҳар қайси инсонга маълум. Бунда инсон хаётидаги вазиятларнинг ўзгариши бевосита унинг онги ҳолатини ўзгариши билан боғлиқлигини сезади. Бу шунчалар ҳақиқатки, инсон ўз феъл-атвориддаги камчиликларни тузатишга жиддий ҳаракат қилишни бошлаши ва бу соҳада тезкор ва сезиларли ютуқларга эришиши билан унинг хаётидаги вазиятлар шиддат билан ўзгара бошлайди.

Қалб сирли равишда ўзи сезувчи ва кўркувчи нарсаларни ўзида жам қилган вазиятларни жалб қилади. У ўз орузлари чўққисига етишади. У ўз номаъсум хоҳишлари даражасига тушади — ва айнан вазиятлар қалбга ўзи хоҳлаган нарсасини олишга имкон беришади.

Онги майдонига экилган ёки унга эхтиётсизлик орқали тушиб қолган ҳар қайси ният уруғи ўз мева-сини кўрсатади: эртами, кечми ҳагги-ҳаракатларда намоён бўлади ва имкониятлар ва ҳолатлар ҳосиллани беради. Эзгу ниятлар эзгу ҳосилларни, ноқўя ҳаёллар — ноқўя ҳосилларни беради.

Вазиятларнинг ташқи олами ниятларнинг ички олами кийфасини намоён қилади. Ёқимли ва ёқимсиз ташқи шароитлар доим фақат инсоннинг фойдасига бўлади. Инсон эжканини ўради ва ташвишлардан ҳам, хузур-ҳаловатдан ҳам ҳулоса чиқаради.

Инсон яхши ва ёмон вазиятга тақдирнинг ҳазили билан эмас, балки ўзининг тубан ёки эзгу хоҳишлари на ҳиссийетлари орқасидан тулиб қолади. Пок ниятти инсон ташқи омилларнинг босими остида ҳам жиноят содир этмайди, улар қандай бўлса ҳам — жинорий ниятлар аввалдан ўйлаб юрилади, бора-бора қувватланади ва имконият тўғилиши билан ўзини намоён қилади.

Вазиятлар инсонни шакллантирмайди, улар шунчаки унинг ўзига ўзини кўрсатиб беради. Инсонга ташвишлар олиб келишини билгиб туриб, иллатли йўлга олиб борувчи вазиятлар бўлмайди. Бунинг учун инсонда ахлоқсизликка мойиллик бўлади. Шунинг учун ҳам инсон — ниятларнинг ҳукмдори ва хўжайини — ўзини ўзи яратеди, атроф муҳитини ясади ва вужудга келтиради. Қалб ўзига керагини олади ва ер юзиддаги унинг ҳар бир қадами унинг моҳиятини очувчи, унинг пок ёки нопоқлигини, кучли ёки нозиклигини акс эттирувчи вазиятлар мажмуасини ўзига жалб қилади.

Одамлар ўзларига истаётганларини эмас, аслиятларини жалб қиладилар. Уларнинг инжикликлари ва тантиқликлари ҳар қадамда мағлубиятга учрайди, аммо яширин ниятлар ва интилишлар ўз таоми — поқлик ёки нопоқлик билан озикланади. У. Шекспирнинг ёзишича, қандай йўлни танлашимиздан катъий назар бизни мақсад сари етакловчи Илоҳийлик ўзимизда яширинган. Одамни занжирбанд қилиб турувчи кишиларни одамнинг ўзи яратган. Ниятлар ва ҳаракатлар — Тақдирнинг ситамгарлари ва улар тубан бўлса, инсонни камокда ушлаб туради. Ва уларнинг ўзи — Озодликнинг фаришталари, атар ниятлар оли-

жаноб бўлса, инсонни озод қилади. Инсонни истаганини, сўралганини эмас, балки ҳақиқатан лойиқ бўлганини олади.

Бу ҳақиқат нуқтга назаридан “вазирлар билан кураш” ибораси нимани аңглатади? Бу инсон доимо оқибатга қарши бош кўтаришини аңглатади — ва бу ҳолатда ўз юрагида сабабни ардоқлайди. Бу сабаб онгли кўсур ёки беихтиёр заифлик кўринишида бўлиши мумкин, аммо нима бўлганда ҳам у ўзи соҳиббининг барча ҳаракатларини йўққа чиқаради ва демек тузалиш ҳақида айюҳаннос солади.

Одамлар саросималаниб, ҳаётинг вазирларни яхшилашга ҳаракат қиладилар. Шўнинг учун улар занжирбанд ҳолатда қоладилар. Ўзини ўзи айблагдан тўхтамайдиغان инсон унинг юраги интилган мақсадга эришиши мумкин. Атли бойишни интилаётган одам ҳам ўз мақсадига эришиш йўлида катта йўқотишларга учрашга тайёр туриши керак; ҳаётда куч ва олижанобликка эришишни истаган одамдан-чинима талаб қилинади?

Ташвишли даражада камбағал инсонни олсак. У атроф муҳити ва уй-жойини яхшилаши ҳақида ўта қайғуради. Аммо у доим ишдан ўзини олиб қочади ва иш жойида ҳам унга кам ойлик тўлашларини баҳона қилиб яхши ишламайди ва иш берувчисини алдайди. Бундай одам ҳақиқий ривожланиш асосига қурилган оддий тамойилларни аңлаб етмайди. У нафақат танглик ҳолатидан чиқиб кетишга қодир эмас — у ўзига камбағалликни жалб қилади, балки ўзида аянчли, номуносиб, ёлгон ниятларни тарбиялайди ва уларга мос равишда ҳаракат қилади.

Баднафслик оқибатида давомий ва азоб берувчи касалликка чалинган бадавлат инсонни мисол қилиб оламиз. У касалликдан фориг бўлиш учун катта маблағ сарф қилишга тайёр, аммо нафсини тийишни афзал кўрмайди. У қиммат нотабий маҳсулот-

лардан пиширилган овқатларни танаввў қилади ва шу билан биргаликда соғлигини ҳам сақлаб қолишни истаydi. Бундай инсон соғлом бўлишга мос эмас, чунки соғлом ҳаётнинг асосий тамойилларини хали ўзлаштириб олмаган.

Кейинги мисол: ходимларига белгиланган маошни тўламаслик учун ҳар қандай усулларни қўлайдиган, иш ҳақини кесадиган ва шу билан ўзига кўпроқ олиб қолишни ўйлайдиган иш берувчи. Бундай одам тўлаб-яшнашга мослашмаган. Унинг корхонаси парокандаликка учраганида ва бор бойлиги ва обрўсидан мосуво бўлганида, у барчасида вазиртни айблайди ва бу ҳолатининг ярагувчиси ўзи эканини тушунмайди.

Ушбу уч мисолни инсон ўзи тушиб қолган ҳолатнинг сабабчиси ўзи эканини кўрсатиб бериш учун келтирдик (хатто у дярли ҳеч қачон буни тан олмас-да). Инсон ўз олдига эагу мақадни қўйган бўлса ҳам ҳеч қачон унга эришолмайди, чунки аслида эзгуликка ҳеч қандай алоқаси йўқ ниятлар ва интилишларни ўзида рағбатлантириб туради. Бундай мисолларни чексиз келтириш мумкин, лекин бунга эҳтиёж йўқ. Ўқувчи атар истаеса, тафаккур қонуниятни ҳаётда ва онгида қандай ҳаракат қилишини кузатиши мумкин, буни амалга ошираётган вақтида эса оддий ташқи омиллар унинг фикрлаши учун сабаб бўла олмайди.

Аммо вазирт шунчалар мураккабки, ниятлар онгда шунчалар чуқур томир отганки, бахт учун нима керак-лиги ҳақида турли одамларнинг тасаввурлари шунчалар хар хилки, инсон руҳий ҳолатини (унинг ўзига у маълум бўлса-да) ҳаётининг ташқи вазиртлари билангина белгиланш мумкин эмас.

Инсон маълум маънода ҳалол бўлиши ва муҳтожликка дучор бўлиши мумкин. Инсон маълум маънода нопок бўлиши ва бойиб кетиши мумкин. Аммо бундай ҳолатлардаги хулоса — биринчиси ҳалол бўлгани учун омадсизликка учрамоқда, иккинчиси эса ноҳақ

бўлгани учунгина гуллаб-яшнамоқда — юзаки мулоҳаза килишга асосланади (тўёки нопок одам даярли бўлмай иллатли, ҳалол инсон эса даярли бўлундай эзгуликка мойил). Чуқурроқ билим ва кенгрок тажриба шунга кўрсатадики, бундай фикрлаш хато. Балки нопок одамда ҳалол одамда йўқ бўлган хайратланарли эзгу фикрлар бордир, ҳалол одамда эса нопок инсонда йўқ жирканч иллатлар мавжуд бўлиши мумкин. Ҳалол одам ўзининг ҳалол харакатлари ва ниятларининг эзгу мевасини олади, аммо бунда ўзига иллатларидан келиб чикувчи ташвишни жалб қилади. Шу каби нопок одам шахсий қувонч ва қайғуларига эга бўлади.

Беҳаловат инсонга одамлар ўзларининг яхши фазилатлари учун ташвишга эга бўлишларига ишонини ёқимли. Инсон унинг ташвишлари шахсий ёмон хиллатлари эмас, яхши фазилатлари натижасида келиб чиқишини таъкидлашди, токи ўз онгидан барча носоглом, аччиқ хайлларни охиригача чиқариб ташламоқчи ва калбидати бор нуноҳларини ювиб ташламоқчи. Бу каби юксак комиллик йўлида инсон унинг онги ва ҳаётини доимо адолатли бўлгучи, эзгуликни ёмонликни эса эзгулик деб кўрсатмайдиган Буюк Қонун бошқараётганини аниглайди. Ва шунда, бу каби билимларга эга бўлиб, у ўзининг нондонлиги и кўрлигини эслайди, ҳаёти адолатли қурилгани ва доим шундай бўлиб келганини, бошидан кечирган яхши ва ёмон кунлари меҳнатига яраша бўлганини аниглайди.

Эзгу ниятлар ва хатти-харакатлар ҳеч қачон ёмон оқибатларга олиб келмайди. Ёмон ҳаёллар ва хатти-харакатлар ҳеч қачон яхши натижаларга олиб келмайди. Айтишадими, буюдой эксанг, ундан буюдойдан ўзга ҳеч нарса ўсиб чиқмайди, кичитки ўтдан эса фақат кичитки ўт ўсади. Одамлар бу қонунни табиат оламида қандай харакат қилишини яхши тушунишди ва унга асосланишди. Аммо ҳамма ҳам қонунни табиатни

онг ва ахлоқ оламида тушунишга қодир эмас (хатто у бу ерда ҳам оддий ва ўзгаришларсиз харакат қилса ҳам), шунинг учун доим ҳам унга амал қилишмайди. Азобланиш — доимо қайсидир йўналишда нотўғри фикрланишнинг оқибатидир. У инсон ўзи ва ўзининг борлиги Қонунни билан уйғунликда эмаслигини акс эттиради. Азобланишнинг яғона ва қатта фойдаси — тозаланиш, барча нопок ва фойдасиз нарсалардан ҳалос бўлиш. Пок бўлган инсоннинг азоблари тўхтайдди. Тоза ва беғубор мавжудот ташвиш чекши мумкин эмас.

Инсон азобланиш билан жавоб берувчи вазиятлар — унинг шахсий онгли ноуйғунлигининг оқибатидир. Ниятлар тўғрилигининг ҳадди — инсон материал бойлик билан эмас, бахтиёрлик билан жавоб берувчи вазиятлардир. Ниятлар нотўғрилигининг ҳадди — бойликнинг йўқлиги эмас, балки мусибатли вазият. Инсон қарғиш олган, ҳам бой бўлиши мумкин; у бахтиёр, аммо камбағал бўлиши мумкин. Бойлик ақл билан ва тўғри ишлатилганидагина бахтиёрликни олиб келиши мумкин. Ночор одам эса, агар тақдирини ўзига нисбатан адолатсиз деб билса, камбағаллик жарлигига қулайди.

Ҳалокатли ҳолат икки чегарага эга, булар фақирлик ва дабдабалик. Бу икки ҳолат тенг равишда нотабийдир, иккиси — ақлий парокандалик оқибати. Инсон бахтли, соғлом ва гуллаб-яшнаган ҳолатдагина тўғри шароитда бўлади. Бахт, соғлик ва гуллаб-яшнаш эса — ички ва ташқи, инсон ва унинг атрофи уйғунлигининг оқибати.

Инсон нолиш ва норози бўлишни бас қилганда, унинг ҳаётини ифодалайдиган яширин адолатсизликни излашга киришгандагина инсон бўлишни бошлайди. Ва шунда, ўз онгини ушбу бошқарувчи қонунни табиатга мослаштириб, у ўзини қучли ва олижаноб ниятлар билан мустаҳкамлайди. У вазиятлардан қо-

Чипшдан тўхтайдди ва уларга ўз дивожланишини тезлаштириш ва ўзидда яширин куч ва имкониётларни очишнинг воситаси сифатида асосланишни бошлайдди.

Борлиқнинг асосий тамойили — конуният, чигаллик эмас. Ҳаётнинг руҳи ва моҳияти — адолат, адолатсизлик эмас. Ва оламни маънавий бошқаришнинг шакллантирувчи ҳаракат кучи — ҳалоллик, нопоқлик эмас. Агар шундай бўлса, инсон борлик тўғри тузилганлигини кўриш учун шунчаки ўзини ўзи тўғирлаши керак. Тўғирланиш жараёнида эса турли нарсалар ва бошқа одамлар ҳақида ўз фикрларини ўзгартирганда, нарсалар ва одамлар ҳам унга бошқача муносабатда бўлишни бошлашларининг тўвоҳи бўлади.

Бу ҳақиқат ҳар кимда ўз тасдиғини топади, табиийки, ўзини ўзи режали таҳлил қилса ва ўрганса, уни тадқиқ қилиш осон бўлади. Ўзи ҳаёлларини бутунлай ўзгартриши билан инсон натижада унинг моддий шароити шиддат билан бошқача бўлиб кетишига тўвоҳ бўлади.

Одамлар ниятларини сир сақлашлари мумкин деб ўйлашади, лекин бундай эмас. Ниятлар тезликда одатларга айланади, одатлар эса ичкилик ва хиссий роҳатланиш одатларига ўтади, улар эса ўз ўрнида но-чорлик ва касаллик шароитини вужудга келтиради. Турли нопоқ ниятлар руҳий куч ва ҳаёллар тиниқлигига мос бўлмаган одатларни юзага келтиради, улар эса номарькул вазиятлар ва тўсиқларга ўтади. Кўрув, иккиланниш ва беқарорликка тўла ҳаёллар заифлик одатини келтириб чиқаради, нолойиқ хатти-ҳаракатларга олиб келади, улар эса одамни омадсизлик, таҳқирланиш ва куллик даражасидаги қарамлик шароитига йўллайди. Эринчоқлик ниятлари ноозодалик ва нопоқлик одатига олиб келади, у эса одамни ифлослик ва садақа сўраш ҳолатида яшашга мажбур қилади. Нафрат ва ҳазар қилишга тўла ҳаёллар ай-бланиш ва ҳақорат қилиш одатига кўчади, у эса орият-

сизлик ва доимий пойлаб юриш ҳолатига олиб келади. Турли шаклдаги худбинлик доимо фақат ўзини ўйлаш одатини яратади, у ҳам ёқимсиз вазиятларни юзага келтиради.

Бошқа томондан ажойиб ниятлар эзгулик ва кадр-киммат одатини юзага келтиради, у эса ёрқин ва кўнглидагидек вазиятларни яратади. Поқ ҳаёллар сабр ва ўзини кўлга олиш одатини келтириб чиқаради, у эса тинчлик ва осойишталик вазиятларини яратади. Жасурлик, қатъият ва жасорат ҳақидаги ҳаёллар мардлик одати сифатида кўринади, у эса ютуқ, фаровонлик ва эркинлик шароитини юзага келтиради. Файратли ҳаёллар озодалик ва фаоллик одатига айланади, у эса ёқимли вазиятларда намён бўлади. Нафислик ва кечиримлилик ҳақидаги ҳаёллар осойишталик одатини, у эса химоя шароитини яратади. Муҳаббат ва ўзидан кечиб ҳақидаги ҳаёллар бошқаларга ўзини баҳшида қилиш одатини вужудга келтиради, у эса барқарор гуллаб-яшнаш ва асг бойлик ва-зиятларига олиб келади.

Ҳаёлларнинг марьлум кетма-кетлиги (улар яхши ёки ёмон бўлишидан қатъий назар) одамнинг феъл-атвори ва ҳаётий вазиятларига доимий таъсир қилади. Инсон ўз ҳаётида дуч келадиган вазиятларни танлай олмайди, аммо ўз ниятларини танлаши мумкин, шундай қилиб билвосита бўлса ҳам, аммо қатъий ўз ҳаёти вазиятларини ясаши мумкин.

Табиат ҳаммага ердан беради — у айниқса ўзи рағбатлантирадиган ҳаёлларни мукофотлайди, унга эзгу ва ёвўз ниятлар тез орада юзада бўлиб қоладиган шароитни таъминлайди.

Инсон тўноҳ ҳаёллардан воз кечиши билан бутун олам унга юмшоқроқ муносабатда бўла бошлайдди, унга ердан беришга тайёр туради. Инсон продасиз ва носоғлом ниятларни улоқтириб ташлаши билан ҳар қандамда ўз кучи ва қатъиятини кўйлаб-қувватлаш им-

конияти пайдо бўлади. Одам ўзидати эзгу ниятларни қўллаб-қувватлаши билан ҳеч қандай ёвуз тақдир уни ноқорлик ва шармандаликка йўналтира олмайди. Одам — бизнинг калейдоскопимиз ва ҳар дақиқада ўзгарувчи турли ранглар уйғунлиги — бизнинг ўзгарувчан ниятларингизнинг ақли билан танланган акси.

НИЯТЛАРНИНГ СОҒЛИК ВА ОРГАНИЗМГА ТАЪСИРИ

Тана — онгнинг хизматкори. У онгнинг топшириқларини бажаради. Нопок ниятларнинг топшириғи билан тана тез орада касалликлар ва инкйроз ботқоқига ботади; қувончли ва ажойиб ҳаёллар топшириғи билан эса гўзаллик ва ёшлик кийимига ўранади.

Касаллик ва саломатлик вазиятлар каби ҳаёлларда томир отади. Носоғлом ҳаёллар носоғлом танада ифодаланади. Кўрқоқ ҳаёллар, аввалдан маълум бўлганидек, одамни ўқ каби ўлдиреди ва улар минглаб одамларни шундай ўлдиршида давом этади. Касаллик олдида кўрқув билан яшаётган одам натжижада бемор бўлади. Хавотир организмни тезда битириб, тамом қилади ва уни касаллик олдида ҳимоясиз қилиб қўяди; нопок ниятлар эса, улар моддий ҳаракатлар билан бирга юрмаса-да, тез орада асаб тизимини ишдан чиқаради.

Кучли, пок ва қувончли ҳаёллар тийраклик ва латофатга тўла танани яратади. Организм — унга таъсир қилувчи ниятларга жавоб беришга тайёр турувчи нозик ва ишловга келадиган инструмент, маълум даражада фикрлаш одати организм учун маълум (яхши ва ёмон) оқибатларга олиб келади.

Одамлар ўзларида нопок ниятларни рағбатлантиришса, уларда нопок, ярамас қон бўлади. Пок юрак пок ҳаёт ва пок организмни юзага келтиради. Нопок онг нопок ҳаёт ва ишдан чиққан организмга олиб келади. Ҳаёл хатти-ҳаракат, ҳаёт ва ташқи омиллар-

нинг манбаси; бу манбани тозаланг ва катта нарса покланади.

Одам фикрлаш тарзини ўзгартирмагунча рацонни ўзгартариши самара бермайди. Агар одам ўз ниятларини тозаласа, унинг нопок озукага эҳтиёжи қолмайди.

Агар ўз танангизни мукамаллаштирмоқчи бўлсангиз, онгингизни кузатиб боринг. Агар ўз танангизни янгилашни истасангиз, онгингизни безанг. Душманлик, ичи қоралик, файрлик, ҳафсаласизлик, умидсизликка тўла ҳаёллар танани соғлиқ ва гўзалликдан маҳрум қилади. Умидсизлик ифодаси чеҳрада ўз-ўзидан юзага келмайди, уни умидсиз ҳаёллар юзага келтиради. Юзни кўрқини бузувчи ажинлар аҳмоқлик, эҳтирос ва кибр билан чизилган бўлади.

Мен тўксон ёшли аёлни биламан, унинг тиник ва маъсум юзи ёш кизниқига ўхшайди. Ўрта ёшга етмаган эркак кишини биламан, унинг юзи ноуёғун ажинлар билан қопланган. Биринчиси — ёқимли, қуёшли руҳият натижаси, иккинчиси эса — эҳтирос ва норозлиқлар оқибати.

Хонангизга тоза хаво ва қуёш нуруни киритмас экансиз, хонадонингиз шинам ва қувончли бўлмайди, — худди шундай, кучли тана ва ёрқин, қувноқ, хотиржам юзга эга бўлиш учун онгга қувончли, осойишта ва эзгу ҳаёлларни киритиш зарур.

Қарияларнинг юзида баъзида қайғудошлик билан, баъзида чўқур тоза фикр билан, баъзида эса эҳтирослар билан чизилган ажинларни кўрамыз. Уларни қандай ажратиш мумкин? Тўғри ҳаётни бошдан кечирганларда қариллик хотиржам ва осойишта бўлади, ва улар аста-секин сўлий бошлайди, худди қуёш боғтани каби. Яқинда бир файласуфни умрининг сўниши олдидан кўришга мурассар бўлдим. У ёшга мос қария эди. Умр бўйи яшагани каби қувноқ ва хотиржан ўлим тонди.

Тана касалтигини хеч қандай шифокор қувончли хайллар каби тузата олмайди; кайғу ва хасратни хеч қандай дори-дармон эзгулик каби кетказа олмайди. Доймо ичи қоралик, шубҳа, беадаблик ва ғайриликка тўла хайллар билан яшаш — ўзи қазиган ўрага ихтиёрлий равишда ўзини ўзи тушириш билан тенг. Агар ҳамма нарса ва ҳамма тўғрисида яхшилаб ўйлаб кўрилса, ҳамма нарса ва ҳаммага шод ва тетик муносабатда бўлинса, ҳамма нарса ва ҳаммада сабр билан яхши нарсани топишга ўртанса, бу каби ўзидан кечувчи хайллар бахтиёрликка эриштирувчи дарвоза бўлиб қолади, улар ўз эгасига поёнсиз хузур-ҳаловат олиб келади.

НИЯТЛАР ВА МАҚСАДЛАР

Агар ниётлар мақсад билан боғлиқ бўлмаса, онгли равишда ҳам хеч нарсага эришиб бўлмайди. Кўпчиликнинг хайллар кемаси рулсиз ва елкансиз (аник мақсадсиз) ҳаёт океанида сузиб юради. Мақсадсизлик — бу кучур ва агар инсон ўз кемасини тўлкинли сувлардан ўтказиб олмоқчи бўлса, ҳаёт йўлига шу каби муносабат бундай давом этиши мумкин эмас.

Ҳаётда бош мақсади йўқ одамлар хавотир, кўркув, беҳаловатлик ва ўзига раҳм қилишнинг осон ўлжасига айланади. Буларнинг барчаси уларнинг заифликларида намоён бўлади, улар ҳам онгли ўйланган гуноҳлар каби (хатто бошқа йўлдан бўлса ҳам) омадсизлик, бахтсизлик ва йўқотишларга олиб келади, ахир заифлик куч-қудратга тўла борлиқда мавжуд бўлолмайди-да.

Одамнинг юрагида муносиб мақсад бўлиши керак ва унга эришишга интилиши даркор. У бу мақсадни ўз ниётларининг муҳассамлигига айланттириши керак. Бу мақсад маънавий идеал ҳам, оддий ютуқ ҳам бўлиши мумкин, бу одамнинг хозирги вақдаги табиатига боғлиқ. Инсон ўз олдига қўйган мақсад қандай бўлишидан қатъий назар, у астойдил ўз ниётларини

унга қарата олиши керак. Бу мақсадни ўзининг бирламчи бурчига айланттириши ва ўзини унинг амалга ошишига бағишлаши лозим, бунда ўз ниётларининг бир дақиқалик фантазия, инжиқлик ва уйдирмага қалғишга йўл қўймаслиги муҳим. Бу ўзини тўта билдиш, ўзини йўқотмаслик ва тўлиқ ақлий диққатни жам қилишга шохона йўлдир. Одам биринма-кетин бу мақсадга эришолмаётган бўлса ҳам (ахир бу заифликни енгматунича шундай давом этади), асл ютуқнинг чегараси эришилган характер кучи бўлиб қолади, бу эса келажакдаги ютуқ ва қудрат учун янги йўналишни яратиб бера олади.

Ўз олдига булук мақсадни кўя олишга тайёр бўлганлар шахсий ниётларини бурчнинг нуксонсиз бажарилишига қаратишлари керак (хатто уларнинг ва-зифалари оддийдек кўринса-да). Фақат шу йўл билан ўз ниётларини жамлаш, куч ва жасорат тўплаш мумкин, шундагина хар қандай мақсадга эришса бўлади. Ўз заиф томонларини англовчи ва тиришқоқлик билан машқ қилиш ёрдамидатгина кучли бўлишга қатъий ишонган энг нозик қалб ўзини дарров кучайтира бошлайди, хар бир ҳаракати билан, сабр-бардоши билан ва кучига куч қўшилиб, хеч қачон ривожланишдан тўхтамайди ва натижада илоҳий даражада кучлиликка эришади.

Тана жиҳатидан нозик бўлган одам, агар астойдил ва сабр билан, тўғри йўналишда машқ қилиб борса, заиф ниётларга эга инсон уларни кучайтириши мумкин.

Заифлик ва мақсадсизликдан ҳалос бўлиб, мақсадга мувофиқ тарзда фикрлаб, инсон кучлилар қаторига қўшилади, кучлилар эса омадсизлик — ютуққа қадамлардан бири эканини тушунишади, ўз тақдирининг хўжайини сифатида шароитларни ўзларининг фойдасига ўтира оладилар, қатъийлик билан фикрлайдилар, мақсадга кўркувсиз интиладилар ва унга эришадилар.

Ўз олдига мақсад кўйиб, инсон ақлан унга эришишининг тўғри йўлини чизиб олиши керак, бунда ўнганга ва чапга қарамаслиги лозим. Шуёҳа ва кўркувларни қатъият билан йўқ қилиб бориш керак, улар — ҳаракатларнинг тўғри чизигини синдирувчи бузувчи унлиб қолади. Кўркув ва шуёҳага тўла ниятлар ҳеч қачон ҳеч нарсага етиша олмайди ва бунга қодир ҳам эмас. Улар доим омадсизликка олиб келади. Қалбга кўркув ва шуёҳа оралаганда, мақсад, қувват, куч, барча қудратли ниятлар йўқ бўлади.

Ҳаракатга ирода биз ҳаракатга қодирлигимиз ҳақидаги билимдан келиб чиқади. Шуёҳа ва кўркув — билимнинг ашаддий душманлари ҳамда уларнинг рағбатлантирувчилари, уларнинг йўқотувчилари, ўзига ҳар қадамда тўсиқ қўювчилардир.

Шуёҳа ва кўркувнинг устидан ғалаба қозонган инсон омадсизликни ҳам ютиб чиққан бўлади. Унинг барча қиларни мардларча қарши олади ва уларни ақл билан енгади. Унинг мақсад уруғлари ўз вақтида экилган, улар гуллаб-яшнайдди ва ерга вақтидан аввал тўжилмайдиган меваларни етиштиради.

Мақсад билан мардларча бирлаштирилган ният яратувчи кучга айланади. Бунга билдиган инсон мақсадсиз ҳаёллар ва тебранувчан хиссийатларнинг оддий мажмуасидан юксақроқ ва кучлироқ бўлишга тайёр бўлади. Агар одам бу ишни қилса, демак у ўз онги қудратининг ақлли ҳукмдорига айланган.

НИЯТЛАРНИНГ ЮТУҚЛАРГА ТАЪСИРИ

Одам эриша олувчи ва у эриша олмайдиган барча нарса — унинг шахсий ҳаёлларининг тўғридан-тўғри натижаси. Мувозанатнинг йўқолиши буткул бузилишни англатувчи ҳаққоний таъкиллаштирилган борликда шахсий масъулият мутлак (қийс қилинмасдан олинган) бўлиши керак. Одамнинг заифлиги ва кучи, пок ва нопоқлиги фақат ўзига тегишли, бошқа ҳеч қимга эмас. Унинг ўзи уларни ўз ҳаётига қақирган, бошқа одам томонидан эмас ва уларни ўзгартириш фақат унинг қўлида, бошқа одамнинг эмас. Унинг ташвиш ва қувончлари ич-ичидан тарқалади. Инсон қандай ўйласа, ўзи шундай бўлади; фикрлашни давом эттираркан, у янашани давом эттиради.

Кучли одам заиф одамга ёрдам бера олмайди (агар заиф унга ёрдам беришларини истамаса), ёрдам олиш учун заиф одамнинг ўзи кучлига айланиши керак. У ўз кучи билан бошқаларга ҳавас қилган кучни ривожлантириши лозим. Ундан ўзга ҳеч қим унинг ҳолатини ўзгартира олмайди.

Одамлар шундай ўйлаш ва гапирлишга одатланиб қолишган: “Кўпчилик қулга айланиб қолган, чунки битта одам — ситамгар (золим); келинг бу золимдан нафратланамиз”. Аммо ҳозир кўпчилик бу фикрни ўзгартирган ва шундай дейди: “Битта одам — золим, чунки кўпчилик — қуллар; келинг қуллардан нафратланамиз”. Ҳақиқат шундаки, золим ҳам, қуллар ҳам — нодонлик бўйича шериклар ва улар бир-бирига ситам етказётгандек кўринса-да, аслида ўзларига ўзлари ташвиш келтирадилар. Мукамал Билим эзилганларнинг заифлигида ва золимнинг нотўғри йўналтирилган қудратида қонунийнинг хатти-ҳаракатини кўради. Мукамал Мухаббат икки тараф бир-бирига қандай азоблар олиб кела-

Наполеон Хилл

ёгтанни кўриб, у ёки бу томонни айбламайди. Мукамал Қайғудошлик золими ҳам, азобланганни ҳам камраб олади.

Заифликни енган ва барча иззатлаб ниётлардан воз кечган одам золим ҳам, азобланган ҳам эмас. У озод инсон.

Ўз ниётларини юксалтириб, одам фақатгина бош кўтариш, забот этиш ва ютукқа эришишга қодир. Агар у ўз ниётларини юксалтиришдан воз кечса, фақат заиф, аҳамиятсиз ва аянчли бўлиб қолишга қодир ҳолос.

Бир кунни Генри Форд миясига автомобил двигатели ишлаб чиқарилиши йўлга қўйиш ғояси келди (ҳозир у ҳаммага V-8 литераси остида маълум ва у Америка автомобил санати тарихидаги энг муваффақиятли кашфиётга айланди). Форд битта блокда саккиз цилиндрли двигателни ясамоқчи эди ва ўз муҳандисларига лойиҳани ишлаб чиқишни буюрди. Ғоя қозоқда келтирилган эди, аммо муҳандислар уни ўрганиб чиқиб, битта блокка саккизта цилиндрни жойлаштириш мумкин эмас, деб хулоса чиқаришди.

Форд “Бунни хар қандай йўл билан бўлса-да амалга оширинг” деди. Улар жавоб берилди: “Бу мумкин эмас!” Шунда Форд уларни танлов олдига қолдирди: ёки улар бу двигателни конструкция қилишади, ёки улар ишдан бўшатилади. Ва муҳандислар Форднинг ғоясини амалга ошириш имкониятини қидира бошлашди. Уларнинг бошқа йўли йўқ эди: акс холда улар шунчаки ишсиз қилишарди. Олти ой ўтди; лойиҳа бир нуқтадан илжимади. Яна олти ой ўтди, аммо шунда ҳам натижалар бўлмади. Муҳандислар ҳамма йўлларни синаб

кўришди, аммо уларнинг ҳеч бири қўтилган мақсадни яқинлаштира олмади: мумкин эмас! Бир йил ўтгандан сўнг Форд яна ўз муҳандислари билан учрашди ва улар унинг ғоясини амалга оширишнинг усулини топа олишмаганини айтишди. “Мумкин эмас!” дейишди яна улар. “Ишланг, — буйруқ берди Форд. — Мен бу двигателъни олмоқчиман ва оламан ҳам”. Ва улар изланишда давом этишди, кунлардан бир кун сеҳрли таёқнинг ҳаракати эвазига бўлганидек сирни топишди. Форднинг КАТЪИЯТИ яна ғалаба қозонди! Балки бу хикояни тўғри сўзламагандирман, аммо маъноси айнан шундай. Энди сиз ФИКРЛАШ ВА БОЙИШГА қодир бўлсангиз, Форд қандай қилиб ўз миллионларини ишлаб тошганини биласиз. Сир оддий ва у барча учун очик, сиз учун ҳам. Генри Форд муваффақиятга эришди, чунки муваффақият тамойилларини биларди ва уларни қўллади. Бу тамойиллардан бири — НИМАНИ ИСТАЎТТАНИНГ ИЗИНИ БИЛИШ. Ҳозиргина сизга айтиб берган воқеамни ёдингизда сақланг, чунки унда ҳар қандай ютуқнинг сирли формуласи яширинган. Фордни бадавлат қилган тамойилга амал қилсангиз, охир оқибат сизнинг шахсий ютуқларингиз Форд ва қўллаб бўлук тадбиркорлар ютуқлари билан тенглашади.

Бойлик ИСТАЎТИ моддий эквивалентга айланттирилиши мумкин бўлган усул олти амалий қадамлардан иборат. Улар оддий ва ҳамма учун очикдир.

Биринчиси. Ўзингиз учун пулнинг сиз истаган аниқ суммасини аниқлаб олинг. “Кўп пулларим бўлишни истаймман”, — дейишнинг ўзи кифой эмас. Пуллар ҳисобни яхши қўришади — ва бу оддий сўзлар эмас, ҳақиқат. Сиз аниқ рақамни билишингиз керак, центрларигача. (Бунинг учун психологик сабаб бор, у ҳақда мен сизга кейинги бобда гапириб бераман).

Иккинчиси. Ўзингиз истаган суммангиз учун қандай баҳони (вақт, меҳнат ва ҳоказо) тўлашга тайёрли-

нингизни аниқлаб олинг. (Ёдингизда тутинг: “нимадир ноаниқ нима учундир” деган нарсанинг ўзи йўқ) **Учинчиси.** Муддатни аниқлаб олинг, кунигача аниқ бўлсин. Исталган маблағни ишлаб топиш учун ўзингизга қанча вақт берасиз?

Тўртинчиси. Ўз мақсадингизга эришишнинг аниқ режасини тузиб чиқинг ва тайёр бўлишингиз билан уни қадам бақадам бажаришни бошланг.

Бешинчиси. Барча юқорида келтирилган пунктлар жумлада айтилиши ва қозоғда ёзлиши керак. Бу гапда қуйидагилар бўлиши лозим:

- 1) рақам — сиз истаган пул миқдори;
- 2) унга эришиш учун сиз ўзингизга бераётган муддат;
- 3) бунга эришиш режаси.

Олтинчиси. Бу жумлани кунига икки марта овоз чиқариб ўқинг: эрталаб уйқудан турганингизда ва кечқурун уйқуга ётаётганингизда. **ЎҚИЎТТАНИНГ ИЗИДА БУ ПУЛЛАРГА ЭГА БЎЛГАННИНГ ИЗИНИ ТАСАВВУР ҚИЛИШНИНГ ИЗИ, ХИС ҚИЛИШНИНГ ИЗИ ВА БУНГА ИШОНИШИНИНГ ИЗИ КЕРАК.**

Бу қадамларни бирма-бир амалга ошириш жуда муҳим. Айниқса олтинчи қадам ўта муҳим, чунки пулларга эга бўлганингизни тасаввур қила туриб, ўзингизни бадавлат инсон деб ўйлаб, сиз ҳаёлингиздаги тимсолни шакллантирасиз ва озиклантирасиз, у эса ўз ўрнида сизга керакли миқдордаги пулларни жалб қилади.

ЎЗИГА ИШОНЧ ФОРМУЛАСИ

Биринчиси. Мен ҳаётимдаги Асосий Мақсадга эришишга қодирлигимни биламан, шунинг учун мен ўзимдан унга эришиш учун режани доимий, узлуксиз амалга оширишни ТАЛАБ ҚИЛАМАН ва мен бунни бугунданок бошлайман.

Иккинчиси. Онгимда ривожланаётган фикрлар охир оқибат айни шу фикрлар мени бунга ундовчи хара-

кагтар оркали жисмоний ҳақиқатга айланишини тушунаман. Шунинг учун мен айланмоқчи бўлган одам ҳақида ўйлашга ҳар кун 30 дақиқа вақтимни ажратаман. Мен ИСТАК ва ИШОНЧ қуввати фикр тилсоли билан тўйинган одамни ўзимга тасаввур қиламан.

Учинчиси. Ўзига сингдириш тамойили ҳар қандай максадга эришишга имкон беради. Мен доимо онгимда ИСТАГИМни ушлаб тураман ва бу охир оқибат мени бу истакни амалга оширишнинг амалий йўли рини излашга мажбур қилади. Шунинг учун мен ҳар кун 10 дақиқа вақтимни ўзимга ишонччи ривожлан тиришга бахшида этишга киришаман.

Тўртинчиси. ХАЁТИМНИНГ АСОСИЙ МАКСАДИ-нинг таъкидловини ёзаман ва уни овоз чиқариб ўқийман, токи бу максадни амалга ошириш учун етарли бўлган ўз кучимга ишонч пайдо бўлматуңча.

Бешинчиси. Мен жуда яхши тушунаманки, ҳеч қандай бойлик ёки жамиятдаги ўрин барқарор ва бузилмас бўлмайди, агар улар тўғрилиқ ва адолатга асосланган бўлмаса, шунинг учун мен ҳаммага фойда келтирмайдиган ишда иштирок этмайман.

Агар бошқа одамларнинг кучи ва қобилиятларини жалб қиладиган бўлсам, албатта муваффақиятга эришаман. Бошқа одамлар билан ҳамкорлик қанчалар кудратли ёрдам бўла оlishини аниқлайман. Бу одамларни мен билан биргаликда уларга хизмат қилиш учун тайёр бўлишим учун кўндирарман. Мен нафрат, ҳасад, рашк, худбинлик ва сурбетликдан ҳалос бўламан ва ўзимда бутун одамзодга муҳаббатни ўстирарман, чунки мен ишонаман: бошқа одамларга салбий муносабат ҳеч қачон ментга муваффақият келтирмайди. Мен бошқаларни ўзимга ишонингга мажбур қиламан, чунки мен ўзимга ва бошқа одамларга ишонаман.

Олтинчиси. Мен бу формулага ўзимнинг шахсий таъкидловимни ўйлаб чиқараман, уни ёдлаб оламан ва кунига бир марта бутун ИШОНЧИМ билан овоз чиқа-

риб қайтараман, бу ишонч аста-секин менинг ХАЁТИМНИ ВА ХАРАКАТЛАРИМГА таъсир қилини бошлайди, охир оқибат мен ўзига ишонган ва ўта муваффақиятли инсонга айланаман.

Бу формуланинг асосида ҳеч қим тулунтириб берилганга қодир бўлмаган табиат қонуни еттибди. Бу барча даврларнинг олимларини гангитиб қўйган. Рухшунлар уни шунчаки “ўзига сингдириш қонуни” деб аташган ва бор ҳақиқатдек қабул қилишди. Асида бу қонуннинг қандай ағалиши мўҳим эмас. У ҳақиқатан одамзод фойдасига ИШЛАШИ мўҳим ва у бузғунчилик эмас, балки яратувчанлик учун қўлланган ҳолатда иш беради. Агар у йўқ қилиш максадида қўлланаётган бўлса, у яратгани каби, шунчалик тез йўқ қилади ҳам. Бу қонунда жуда оддий ва жуда фатгин ҳақиқат яширинган. Айнан: мағлубиятга кўнўвчи ва ҳаётини ноқорлик, ташвиш ва йўқотишларда тутатаётганлар ўз ачинарли ҳолатларига уларда ҳам ўзига сингдирилш қонуни амал қилиши эвазига тушиб қолади. Сариш қонунни амал қилиши эвазига тушиб қолади. Сариш қонундаки, ҳар қайси фикр ўз жисмоний эквивалентига айланишга интилади. Онг ости — бу “кимёлентига айланган”, унда бизнинг барча ҳаёлларимиз ва ий лаборатория”, унда бизнинг барча ҳаёлларимиз ва ҳиссиётларимиз импульси жисмоний ҳақиқатга айланади, яратувчи ва бузғунчи импульслар орасида ҳеч қандай фарқ қилмайди. У онг унга етказган материаллар билан ишлайди. Онг ости худди шу ентлик билан ЖАСУРЛИК ёки ИШОНЧни озиклантирувчи фикр каби хавфсираш билан тўйинтирилган фикрни ҳам ҳақиқатга айлантиради.

ВАКТИНГНИ БОЙ БЕРМА

Бир вақтлар Дейл Карнеги шундай деган экан: “Агар сиз инсонлар билан муомала қилиш, шахсий сифатларингизни ошириш ва ўз устунлигизда ишлагани ис-тасангиз, унда албатта Бенжамин Франклин ҳақида ўқиб чиқишингиз керак. Унинг ҳаёти энг қизиқ ва на-

Мунали деб топилган автобиографиядир”. Бенжамин Франклин – сиёсий арбоб, дипломат, олим, ихтирочи, журналист, ношир ва масон. АҚШ мустақиллиги учун курашганлар етакчиси. Россия фанлар академиясида хорижий аъзолар орасида биринчи америкалик. Унинг автобиографияси интэрнетда энг кўп юклаб олинган ва энг кўп ўқиладиган ахборотлар дуйхатида энг олди ўринлардан тўшмай келяпти. Унинг “Вақт-пул” автобиографик китоби илк марта нашр этилганидан бери кўшлаб тилларга таржима қилиниб, қайта-қайта чоп этиб келинмоқда.

Франклин кўп болали, камбағал оилада дунёга келган. Бироқ меҳнатқашлиги, мақсадга интилувчанлиги ва ўз ўзини идора эта олиши ортидан катта маррага эришганини ўз биографиясида ёзиб кетган. “Қайси темирчи устанинг эрта тондан болғаси тақиллашини эшитсангиз, билингки, ўша муваффақиятга эришади” деб ёзди Франклин. У меҳнатсеварлик ва тежамкорлик бадавлат бўлишининг асосий сирини деб ҳисоблаган.

“ВАҚТ - ПУЛ” КИТОБИДАН ПАРЧА

Бундан олдинроқ ўтган йилнинг кузиди истеъдодли кишилар клубини ташкил этганим борасида эслатиб ўтишим лозим эди. Хунта деб номланган бу клуб аъзоларнинг маънавий ўсишига мувофиқ шароит яратишни мақсад қилган. Биз ҳар жума кўни кечқурун йиғилардик. Мен томондан тўзилган қоидага кўра ҳар бир Хунта аъзоси ўз навбати билан муҳокама учун бирон маънавий, сиёсат ёки фалсафадан бирон мавзунини чиқариши ва уч ойда бир марта ўз танловини кўра исталган мавзуда маъруза ёзиб ўқиб бериши керак. Хунтада олиб бориладиган баҳс-мунозаралардан асосий мақсад ҳақиқатга эришидир. Баҳс учун бахслашиб, тортишувда қолиб бўлишга интилишга йўл қўйилмайдди. Кимдир шундай қилса, катта жаримата тортилади. Хунтанинг биринчи аъзолари қуйидагилар бўлган: Жозеф Брайнтнал – ногариусда хат ёзувчи бўлиб ишлайди, ўрга ёшли, кўнгли тоза, дилкаш одам. Шеррият ихлосмандди, жуда кўп китоб ўқиган, ўзи ҳам қалам тебратиб туради. У ҳазил-мутойибаларга ҳам, жиддий суҳбатларга ҳам бирдек ўтқир. Томас Годфрей – кучли математик, бу соҳани ўзи ўрганган, унинг ихтироси булғунги кунда Хендль квадранти деб аталади. Лекин бошқа математикларга хос бўлганидай ҳар бир нарсада аниқликни талаб қилгани учун ихши суҳбатдош эмас. У номуҳим ва аъзимас нарсаларга ҳам ёпишиб оладиган ва бошқаларнинг асабинини тегадиган одати бор эди. У тез орада бизнинг клубимизни тарк этди. Николай Скал – этикдўз, китобга меҳри тўфайли математика ва астрономияни мустақил ўзлаштирган. У бош ер ўлчагич бўлиб ҳам ишлаган. Яна Хью Мередит, Стефан Поттс ва Жорж Уэблар бор эди, улар ҳақида гапириб ўтганман. Ро-

берт Трейс – бадавлат еш жентльмен, кувнок, аклли ва кўнгли кенг, ҳазил қилишни ёқтиради, яхши дўст. Вильям Коулман эса савдо ходим, тахминан мен қатори ёшда, мияси ўтқир, қизиккон. У кучли аҳлоқий принциплари билан ажралиб туради. Кейин у йирик садотгар бўлган, провинцияда судьялик ҳам қилган. Бизнинг дўстлигимиз қирқ йилдан ортиқ, унинг ўлимигача давом этди.

Клубимиз ҳам қирқ йилгача ишлади. Шу йилларда провинцияда фалсафа, маънавият ва сиёсатнинг мактаби вази фасини бажариб кетди. Клубда ўқиладиган маърузалар турли мавзу ва муаммоларга ақл ва билим билан ёндашишга ёрдам берарди. Бу ерда баҳс-мунозара олиб бориш маданиятини шакллантирдиқ. Тортишувда урушиб қолмаслик, ўртага совуқчилик тушмаслик чоралари кўрилганди, шунинг учун ҳам клубимиз узоқ йиллар давомида мавжуд бўлди. Мен клуб хақида яна ёзаман. Ҳозир эса ундан кўрган фойдам хақида сўзламоқчиман. Унинг ҳар бир аъзоси астойдил бизнинг босмаҳонамиз учун буюртма изларди. Хусусан, Брайнтнал руҳонийлардан секта тарихи китобининг қирқ бетини (қолганини Кеймер чоп этган) босиб чиқаришни олиб берди. Биз паст баҳо билан ишлаганимиз учун бу буюртма кўп меҳнатни талаб қилди. Китоб формати ярим варақа эди. Асосий матн цитеро шрифтида терилган бўлса, изоҳлари кортусда ёзилган. Мен кунига бир бетдан терардим, Меридит босиб чиқарарди. Кўпинча харф териш билан ярим кечгача қолиб кетардим, гап шундаки босмаҳонага бошқа кичик буюртмалар келиб турарди ва уларни бажаришга вақт кетиб қоларди. Бироқ мен бир кунда битта бетни теришга қатъий амал қилардим. Менинг қатъийлигимга қуйидаги воқеа ҳам мисол бўла олади: Бир кун и кечки пайт босма форма тайёр бўлганда ва кунлик ишим туғлади деганимда, формаларнинг бири синиб кетиб, ундаги шрифтлар сочилиб кетди. Шунда

мен дарҳол шрифтларни териб олдим ва уларни териб чиқдим. Шундан кейингина ухлашга ётдим. Менинг меҳнатсеварлигимни кўшнилар ҳам кўришибди, улар мента хурмат ва дўстона муносабатда бўла бошлашди. Мента савдогарлар клубида босмаҳонамиз хақида гап кетганлиги хусусида сўзлаб беришди. Шахарда бундан бошқа иккита босмаҳона борлиги (Кеймер ва Бредфорд босмаҳоналари) сабабли янгииси тез орада ўз ўрнини топа олмай қасотга учрашини айтишибди. Бирок доктор Брэд (уни сен билан кўп йиллардан сўнг ватани Шотландиянинг Сент-Эндрюс шаҳрида кўрган миз) қарши чиқибди: “Бу Франклин жуда тиришқок ва меҳнатсевар. Кеч тушганда уйга клубдан қайтаётганимда, уни ишда кўраман, эрталаб эса кўшнилари уйнонгуна яна ишда бўлади”. У бизнинг босмаҳонамиз ривожланиб, ўз ўрнини топишга ишоншини айтибди. Унинг сўзлари клубдагиларда катта таасирот қолдирибди. Тез орада уларнинг биридан ёзув қоғози билан таямиллаш борасида буюртма олдик.

Бу ерда меҳнатсеварлигим хақида тортинамасдан гапиряпман, балки мактанчоқ бўлиб кўринарман. Бирок менинг китобимни ўқиган авлодим меҳнатсеварлик ҳислати қандай мўъжизаларга олиб келишини тушунишини истайман. Жорж Уэбб кариндошларидан пул олиб, Кеймердан муддатгини сотиб олибди ва бизга ишлашга келди. Бирок унга иш йўқ эди. Мен эса шошқалоқлик қилиб, яқин орада янги газета очипимни, шунда унга иш бўлишини айтиб қўйибман. Шахардаги ягона нашр Бредфорд томонидан чиқарилади, бирок унинг сифати паст, қизикарди, ўқишги эмас. Мен газетамизда обуначилар билан боғлиқ муаммо бўлмаслигини айтдим ва ундан бу гапни ҳеч қимта оғиз очмаслигини тайинладим. Бирок у Кеймерга етказибди. У эса мени ортда қолдириш мақсадида газета чиқариш борасида эълон берди ва Уэббни унда ишлашга тақлиф қилди. Бу менинг қонимни қайнат-

ди. Мен ўша заҳоти газета чиқара олмасдим. Шунинг учун Бредфорд газетасига бир канча ҳазил ҳикоялар ёзиб, "The Busy Body" умумий сарлавҳа остида чиқара бошладим. Шу тарзда омма эътибори Бредфорд нашрига қаратилди, унинг газета чиқариш борасидаги эълони эса кулги остига олindi. Бирок шунга қарамай у ўз нашини чиқарди. Бирок тўққиз ойдан сўнг бу газетани арзимас пулга сотиб олишни ментга тақлиф қилди. Ҳанда мен ўз газетамни чоп этишга тайёр бўлгандим. Уни сотиб олдим. Газетанинг обуначилари бор-йўғи тўққизта эди. Бир неча йилдан сўнг бу газета ментга қатъан даромад келтира бошлади.

Мен ўз номимдан тапиряшман, бироқ ишдаги шेरликчилик ҳали ҳам давом этмоқда эди. Сабаби ҳамма бошқарув иши менинг бўйнимда эди. Мередит биронта ишни кўнглидагидек қила олмасди, ишга ҳам кўпинча ичиб келарди. Менинг дўстларим у билан боғлиқлигим учун афсусланишарди, бироқ мен кўлимдан келганини қилардим. Газетамиз илк сонларидан бошлаб провинцияда бунгача чоп этилган нашрлардан кескин фарқ қиларди, шрифтлари аниқ, босма сифати ҳам юқори эди. Губернатор Бернет билан Массачусетс мажлиси ўртасидаги тортишув ҳақида ёзган мақолаларим юқори доираларда кенг муҳокама бўлгани сабабли улар орасида обуначилар сони ҳам кўпайди. Уларга бошқалар ҳам эргашди, шу орада нашримиз адади ошди. Бирмунча қаламимни ўтқирилаганим ментга кўл кела бошлади, мақолаларим босилиб чиқиши ҳам обуначилар сонини орттирди. Улар орасида нуфузли кишилар ҳам кўп эди. Шу вақтгача конунлар, сайлов бюллетенлари ва бошқа иш қоғозларини Бредфорд чоп этарди. Бир кунни Палатанинг губернаторга муурожаатини сифатсиз ва кўпол хатолар билан босиб чиқарибди. Биз уни қайта чоп қилиб, Палата аъзоларига тарқатиб чиқдик. Улар фарқни кўришди. Палатадаги дўстларимиз савъий харака-

ти билан кейинги йилдаги Палата материалларини чоп этиш буюртмасига эга бўлдик.

Палатадаги дўстларим ҳақида гапирар эканман, Англиядан қайтиб келиб, Палатада депутатлик ўрнини эгаллаган мистер Гамильтон ҳақида гапириб ўтмасам бўлмайди. Унинг бу ишларда илтироқи катта бўлиб, кейинчалик ҳам у кўп ментга ёрдам берган.

Тахминан шу вақтда мистер Вернон ментаги қарзини эслатди, бироқ у мени шовилтирмади. Жавоб хатимда унга миннатдорчилик билдириб, яна бироз куттишини илтимос қилдим. Бироз вақт ўтиб, унинг пулини фоизи билан қайтардим, шу тарзда бу хатоим тўғриланди, десам бўлади.

Бирок шу вақтда кутлимгандя бошқа муаммо келиб чиқди. Мередит отаси босмаҳона очишга сарф бўлган маблағнинг ярмини кўтарганди, ярминини эса бир савдогар. Савдогар пулини талаб қила бошлади, бошқа куттишни истамаслигини айтиб, бизни судга берибди. Агар ишмизни суд ҳал қиладиган бўлса, қарзини ёпиш учун босмаҳона арзон пулга сотиб юборилади ва биз ҳеч вақосиз қоламиз. Нима қилишни билмай бошим қотиб қолди. Шунда бир-биридан оғох бўлган ҳолда икки дўстим ментга ёрдамини тақлиф қилди. Улар босмаҳона қарзини тўлашлари, бутун ишни ўз кўлимга олишимни исташларини айтишди. Уларнинг иккиси ҳам доимо маст бўлиб юрадиган Мередит билан бошқа ҳамкорлик қилмаслигини талаб қилишди. Бу дўстларим Вильям Коулман ва Роберт Фрейс эди. Мен уларга Мередитларга ўз мажбуриятларини бажариб, босмаҳонани қарзини тўлиқ ёпишларини сўрашимни, агар улар бунни қилмаса, мен улар билан ҳамкорликни ўзишим ва дўстларим ёрдамини олишимга очиб бўлишимни айтдим.

Мен шеритимга "Балки отанглизга бир нима ёқмаётгандир. Балки бу иш фақат сизга тегишли бўлганида кредитни тўлиқ берган бўлармиди? Агар шундай

бўлса, очикча айтаверинг. Мен бу ишни сизга ташлаб кетаман” дедим. Мередит эса шундай жавоб қилди: “Йўқ, ундай эмас. Отам ҳақиқатдан қийин ахволда. Ундан яна пул сўраб, уни қийнамоқчи эмасман. Мен бу ишга бошимни суқиб нотўғри қилибман. Мени фермер қилиб тарбиялаган, фермер бўлишим керак эди. Бу иш менга ҳечам қизиғи йўқ. Агар дўстларингиз сизга ёрдам берса, ишни ўз қўлингизга олинг. Мен ўз хиссамни сизга соғаман, отамнинг берган кредитини қайтаринг ва йўлимга озроқ пул беринг. Мен Шимолий Каролинага бориб, ер сотиб оламан ва фермерлик фаолиятимни бошлайман”.

Мен унинг бу тақлифига рози бўлдим, бу келишувимиз қоғозга туширилди ва муҳр билан тасдиқланди. Мен у сўраганларини бердим ва у тез орада Каролинага жўнаб кетди. Орадан кўп ўтмай у менга ўша мамлакат иқлими, ери, чорваси ҳақида батафсил ёзилган иккита хат юборди. У бу масалаларда яхши тушуниши кўриниб туради. Мен унинг хатларини газетамизда эълон қилдим ва улар омма эътиборига тушди.

Мередит кетиши билан менга ёрдам беришни тақлиф қилган икки дўстимга мушоақа қилдим. Уларнинг бирини ҳафа қилишни истамай, керакли маблағнинг ярмини бунисидан, ярмини унисидан олдим. Шундан кейин компания қарзларини ёпиб, ишни ўз номимдан юритишни давом эттирдим. Бу тахминан 1729 йилда бўлган.

Шу вақтларда аҳоли қоғоз пулларга катта эҳтиёж хис қила бошлади, чунки провинцияда оборотда фақат 15 минг фунт бор эди, бу пуллар ҳам тез орада сўрилиб кетиши керак эди. Бой аҳоли пулнинг яна чоп этилишига қарши чиқишди, чунки улар пул қадри йўқолишидан кўрқишарди. Янги Англияда шундай бўлганди ва барча кредиторлар зиён кўрганди. Бу масалани Хунта клубида муҳокама қилдик. Мен яна пул чиқариш тарафдори эдим. Чунки 1723 йилда катта бўлмаган микдорда чиқарилган пул қатта фойда

берганини билардим. Бу пуллар эвазига савдо ўсди, ишчилар иш билан таъминланди ва провинция аҳолиси кўпайди. Шаҳарда бошқа соҳаларда ҳам ривожланиш бўлди. Мен шунчалик бу мавзуга қириб кетибманки, бу ҳақида аноним брошюра ёзиб, “Қоғоз пулларини чиқариш зарурати” деб номладим.

Бу брошюра олдий аҳоли томонидан яхши қутуб олинди, бироқ бой-бадавлат кишиларига ёқмади. Улар орасида менга қарши жавоб ёза оладигани топилмади, шекилли, уларнинг оппозицияси куч олмади. Натичада Палатада кўпчиликнинг овози билан пулни яна чиқариш ҳақида конун қабул қилинди. Палатадаги дўстларим бу ҳаракатимни тақдирламоқчи бўлиб, бу буюртмани менга беришди. Бу мен учун даромадди иш эди. Шу тарзда қаламим ўтқирлиги менга кўп келди.

Вақт ва тажриба қоғоз пул чиқариш фойдали эканлигини кўрсатди. Унга қарши кескин далилларни ҳеч ким келтира олмади. Тез орада қоғоз пуллар 55 минг фунт, 1739 йилда 80 минг фунтга етди. Бу вақт орасида савдо, қурилиш ривожланди ва аҳоли сонинимсиз ўсди. Ҳозир мен қоғоз пулларни кўпайтқириш чегараси борлигини ва ундан ошиши зарар келтиришини биламан.

Шундан сўнг Гамильтон дўстим ҳаракати билан Ньюкасл учун пул қоғоз чиқариш буюртмасини олдим. Ҳанда бу ишни мен учун даромадди эди. Мистер Гамильтон шарофати билан ҳукуматнинг конунлари ва сайлов бюллетенларини чоп этиш буюртмасини ҳам олдим. Бу иш билан босмаҳонада фаолиятим охиригача шуғулландим.

Ҳанда мен ёзув қоғоз дўконини очдим, унда энг сифатли турли бланкалар сотиларди. Шунингдек, қоғоз, пергамент, савдо қайдлари учун китоблар сотардим. Бу ишда дўстим Брайнтнал ёрдам қилди. Лондонда танишган Уайтмэш исмли ҳарф терувчи менинг

босмахонамда ишлаш учун кўчиб келди. У ниҳоятдан батартиб ва маҳорат билан ишhini киларди. Бундан ташқари, Аквил Роуэнинг ўзлини шогирдликка олдим.

Мен аста-секин босмахона карзларини ёна бошладим. Савдогар сифатида обрўйимни мустахкамлаш учун меҳнатсеварлигим ва тартиблигим билан номимга доғ тушириши мумкин бўлган ҳолатлардан ўзимни олиб қочдим. Доим одми кийиниб юрардим, кўнглимочар жойларида бўлмасдим, балки ва жониворлар ови билан шуғулланмасдим. Факат баъзида китоб ўқиш билан ишимдан чалғирдим. Турли гап-сўзларга сабаб бўладиган ишлардан нари юрардим. Ўзим ҳам дўконимдаги товарлардан фойдаланишимни кўрсатиб, аравамдан қоғозлардан олиб ўйимга элттардим. Мен ўзимни факат яхши томондан кўрсатдим, хисоб-китобни ўз вақтида килардим, мени ҳамма меҳнатсевар ва муваффақиятта эришувчи ёш тадбиркор деб биларди. Канцелярия моллари савдогарлари мента буртма олишни сўраб муружоат килишарди, бошқалар китоб олишимни сўрашарди, хуллас, иш яхши кетаётганди. Кеймер иши эса орқага кетарди, ниҳоят у кредитторлар карзини бериш учун босмахонасини сотишга мажбур бўлди. У Барбадоста кўчиб кетди ва у ерда бир неча йил ёмон шароитларда яшайди. Унинг шогирди Давид Гарри унинг материалларини сотиб олиб, Филделельфияда ўз ишhini очди. Бир вақтлар бу болани ўзим шу касбга ўргатган эдим. Шаҳарда мента кучли рақобатчи пайдо бўлганидан ташвишга тушдим. Чунки унинг нуфузли дўстлари бундан манфаатдор бўлиб, унга ёрдам беришлари мумкин эди. Мен унга ҳамкорлик килишни таклиф килдим. У менинг бахтимга таклифимни менсимаслик билан рад этди. У жуда манман эди, кимматбаҳо кийимларни киярди, тўкин-сочинликда яшашни маъқул кўрарди, хорижда кўнгли очиб келишга берилган эди, тез орада карзга ботди ва иши ўнгидан келмай қолди. Ниҳоят

У касодга учради. У ҳам Кеймер ортидан Барбадоста боришдан бошқа иложи қолмади. Ўзи билан босмахонасини ҳам олиб кетди. У ерда Кеймерни ишга олди. Бирок улар тез-тез уришиб туришарди. Гарри Барбадосда ҳам ишhini юргиза олмади, яна карзга кирди. Кейин босмахонасини сотди ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш учун Пенсильванияга жўнаб кетди. Кеймер эса кейинги хўжайин кўлида бир неча йил ишлади ва вафот этди.

Энди Филделельфияда менинг ягона рақобатчим қари бойвуча Бредфорд эди. У босмахона ишига кам қамийат берарди, унинг бошқа ишлари ҳам бор эди. Шунинг учун босма сифати кўнглилтига эмас эди. Бирок у почта контораси бошлиғи бўлгани учун уни қборотта бой деб билишарди. Унинг газетаси эълон жойлаштириш учун қулай ҳисобланарди, шунинг учун унга эълонлардан кўп даромад келарди, мента эса кам. Менинг газетам кенг аҳолига хали маълум эмасди. Отлик почтачилар Бредфорддан яширин таразда менинг нашрларимни тарқатишарди, агар у билиб қолса қаттиқ чора кўриши тайин эди. Кейинчалик мен Бредфорд ўрнида бўлганимда, унга ўхшамасликка ҳаракат килдим. Ўйим ярмида Годфрейлар оиласи истиколат килишда давом этишарди, мен улар билан овқатланардим. Дўконимдан унинг ишшадан тайёрлаган маҳсулотларини сотиш учун жой ажратиб бердим. Делени у кам ишларди, кўп вақтини математика билан шуғулланиш учун сарфларди. Унинг хотини қандайдир қариндоши қизи билан таништириб қўйди. Қиз ўқини тарбия кўрган, фазилатли эди. Унинг ота-онаси тез-тез мени меҳмонга чакириб, қизлари билан ўртамиздати муносабатни кўйлаб-қувватлашди. Кейин қизларига мента турмушга чиқишни таклиф килдим. Миссис Годфрей никоҳ шартномаси билан шуғуллана бошлади. У қиз учун қанча сўрашимни хабар килишим кераклигини айтди. Мен босмахона карзининг қол-

тан қисмига етарли маблагни сўрадим. Бу юз фунтдан ошмайдиган пул эди. Улар менга шунча пули йўқлигини маълум қилишди. Мен уларга уйларишни таронга қўйишлари мумкинлигини айтдим. Бир неча кундан сўнг улардан бу никоҳга рози эмасликлари ҳақида жавоб келди. Улар Бредфорддан суриштириб, босма хона иши даромади паст иш эканлиги, шрифтлар тез емирилиб ишдан чиқиши, янги эса киммат туриши, Кеймер билан Гарри бекорга касодга учрамагани, мен ҳам тез орада ҳеч нимасиз қолишим мумкинлигини билишибди. Улар қизларига кўчага чиқишни мен билан учрашишни ман этишибди.

Нима учун бундай тўсатдан уларнинг фикрлари ўзгаргани менга қоронғу. Балки қизга боғланиб қолганим учун у билан яширин никоҳдан ўттишим, шу билан улар тўловдан қутулиб қолишларига ишонинишгандир. Бироқ мен бу найрангга тушмадим. Уларнинг уйдан оёғимни уздим.

Бир қанча вақтдан сўнг миссис Годфрей кариндошларининг менинг ҳақимда фикрлари ўзгаргани, улар никоҳга рози эканликлари ҳақида хурсандчилик ҳабарини олиб келди. Мен эса буни қатъий рад этдим ва улар билан ҳеч қандай риштам бўлиши истамаслигимни айтдим. Бу Годфрейга ёқмади ва биз уришиб қолдик. Бу оила уйимдан кўчиб кетди. Шу воқеадан сўнг уйга бошқа ҳеч қимми қўймасликка қарор қилдим.

Шу воқеадан сўнг оила қуриш борасида уйланиб қолдим. Агрофимда яхши қизлар кўп эди, бироқ менда шундай муаммо тўғилдики, қизни никоҳга олишим эвазига бериладиган пул ҳақида гап кетганда, улар томонидан рад жавобини эшитардим. Чунки босма-хона иши ўша вақтда даромади паст ҳисобланарди. Менга пул беришга рози бўлганларнинг қизлари эса бошқа жиҳатдан менга маълум эмасди.

Шу орада ғўрлигим ва эхтиросга берилганим сабаб енгил табиат аёллар билан кўп ўралашиб қолар-

дим, бу қатга сарф-ҳаражат ва ноқулайликлар тўғриларди. Шунингдек, бирон ёмон касалликни юктириб олиш хавфи ҳам бор эди. Бахтимга бундай хавф менга тегмади.

Мен Ридлар оиласи билан муносабатимни ўзмадим, уларнинг уйига тез-тез бориб турардим, менадан турли масалада маслаҳат олишарди. Уларнинг қизлари бахти бўзилганидан жуда афсусда эдим. Қизлари тушқун ахволда, уйдан дечрли чиқмасди. Унинг олдида ўзимни айбдордай хис қилардим, чунки Лондонга бориб йўқ бўлиб кетмаганимда, биз никоҳ қурган бўлардик. Унинг онаси эса менадан кўра кўпроқ ўзини айбдор деб биларди. У менинг Лондонга кетишимдан олдин оила қуришимизга қаршилик қилганди ва менинг йўғимда бошқасига турмушга чиқишга қизи-ни қистаганди.

Тез орада бизнинг олдинги тўғтуларимиз тикланди, бироқ энди турмуш қуришимиз учун бир қанча тўсиклар бор эди. Унинг турмуши ноқонуний эди. Бунини исботлаш учун эрининг хотини борлиги борасида далил келтириш керак эди, лекин хотини узоқда, Англияда яшарди. Кимдир эри ўлгани ҳақида хабар етказди, бироқ бунга ҳам исбот йўқ эди. Бундан ташқари, эридан қатга қарз қолганди, бу унинг бўйнида эди. Қарзни иккинчи эри тўлашга мажбур бўлади. Бироқ ҳеч нимага қарамай, биз турмуш қурдик. Бизнинг тўғимиз 1730 йил 1 сентябрда бўлди. Биронга қўрққан нарсамиз бўлмади. Аёлим менга вафодор ва самимий дўст бўлди, ишларимда кўп қарашди, биз бирга кўп ишладик ва бир-биримизни бахтли қилишга ҳаракат қилдик. Шундай қилиб, мен бу ҳатимни ҳам тўғриладим.

Шу вақтдан бошлаб бизнинг клубимиз мажлислари мистер Грейснинг шунга мўлжалланган қичик хонасида ўтказила бошлади. Мен баҳс-мунозаралар пайтида китобга кўп мурожаат қилишимизга тўғри ке-

лиши туфайли учрашадиган жойимизда китоблари мизни сақлашимиз мақсадга мувофиқлигини айтдим. Хар ким ўзи билан китоблар олиб келса, умумий кутубхона хосил бўлади ва бир-биримизнинг китобларимизни ўқиш имкони туғилади. Таклифим ҳаммага маъқул бўлди. Ҳамма ўзи билан китоб олиб келди. Бу мен ўйлаганчалик кўп бўлмади. Бироқ кутубхонадан ҳамма фойдаланди. Бироқ орадан кўп ўтмай кутубхона йўқ бўлди, хар ким ўзи олиб келган китобларини олиб кетди. Шунда мен биринчи ижтимоий лойиҳамни илгари сурдим. У обунга бўлиш орқали кутубхона барпо қилишдир.

Мен лойиҳамни қозоғга тушириб, ҳужуқшунос Брокденга бердим. Хунтадаги дўстларим ёрдами билан элликта обуначини топдим, улар 40 шиллинг аъзолик бадалини тўлашди ва эллик йил давомида (бизнинг жамиятимиз фаолият мuddати) 10 шиллингдан йилга тўлаб боришлари керак бўлади. Биз келишув туздик, бу жамият аъзолари тез орада юзтага етди. Бу Шимоллий Америкадаги обунга бўйича ишлайдиган кутубхоналарнинг биринчиси эди. Бугунги кунда бундай кутубхоналар сон-саноксиздир. Бу катта ҳодиса эди, кун сайин бу ҳаракат аҳамияти ошиб борди. Бу кутубхоналар америкаликларнинг дунёқарашини кенгайтирди, оддий савдогар ва фермерлар ҳам тор доирадаги жентльменлар каби маънавий баркамол бўлиш имкониятига эга бўлдилар, балки барча колонияларда озодлик учун курашлар шундан бошлангандир.

Бостондан жанубга қараб кетган колонияларда биронга тузукрок китоб дўкони йўқ эди. Нью-Йорк ва Филадельфияда ноширлар бир вақтнинг ўзида канцелария моллари дўконини ҳам юритишарди. Унда қоғоз, балладалар, календарлар ва мактаб дарсликлари бор эди. Бироқ китоблар сотилмасди. Кимга китоб керак бўлса, узок юртлардан буортма қилишарди. Шунинг учун умумий обунга асосида ишлай-

диган кутубхона аини мuddао эди. Бироқ ўша вақтда Филадельфияда китобсеварлар кам эди. Шунинг учун бошида элликтадан ортиқ обуначини топа олмадим. Шу кичик фонд асосида кутубхона фаолиятини бошлади. Китоблар ҳафтада бир марта бериларди. Китоблар белгиланган мuddатда топширилиши керак, акс холда китобни ушлаб қолгани учун обуначи икки баробар тўлаши керак бўлади. Бу лойиҳа амалда яхши натижа беришини кўрсатди, биздан ўрнат олиб бошқа шахар ва провинцияларда кутубхоналар очила бошлади. Кенг аҳоли ўртасида китоб ўқиш русумга кирди. Одамлар бўш вақтини бемаъни одагларга сарф қилмасдан китоб мутолааси билан банд бўла бошлади.

Кутубхона тез орада машҳур бўлиб кетди. Лекин мен машҳурлик ортидан манмансираб қолгани ўзимга эл кўрмадим. Шунинг учун лойиҳани кўпчилик дўстларим иши деб кўрсатдим ва ўзим панада қолдим.

Кутубхона ўзимга ҳам фойда келтирди, болаликда ола олмаган бир тизимга солинган маълумотни олдим, дунёқарашим ва билимимни оширдим. Китоб ўқиш ўзимга руҳсат берадиган ягона кўнглиочар машғулотдир. Мени турли кўнглихушликларга нақтим йўқ эди. Босмахонада ишлашим, қарзларим тўлашим, болаларимни боқиб вояга етказишим керак. Шахарда икки рақобатчим бор эди, иккиси мендан олдин ишини бошлаганди. Бироқ менинг ишларим кун сайин ўнгидан келиб борарди. Отам ёшлитимдан астойдил меҳнат қилишни ўргатган. У Сулаймоннинг куйидаги сўзларини келтиради: “Ким ўз ишида тиришқок ва меҳнатсевар бўлса, унинг жойи оддий фуқаролар эмас, балки шохлар ёнидадир”. Шунинг учун мен меҳнат орқали бойлик ва мартабага эришимга ишонардим, бу хар доим мента куч бериб турарди. Дарҳақиқат, мен бешта шох олдида турганман,

улардан бири – Дания кироли билан бир дастурхондан танавул қилганман.

Инглизларда “Агар муваффақиятга эришмоқчи бўлсанг, бунга хотинингдан сўра” деган мақол бор. Турмуш ўртоғим ҳам мен каби меҳнатсевар ва тежамкор эканлиги менинг омадимдир. У менга ҳамма ишларимда ёрдалашарди, дўконда савдо қиларди, қочоз учун эски каноп матоларни сотиб оларди, китобларни тикарди. Биз жуда камҳарж, оддий яшардик. Узок йиллар давомда нонуштам бир бўлак нон ва сутдан иборат бўлган, сопол идишдан овқатланардик, ўзимиз сипо кийинардик. Лекин бир куни хотиним менинг руҳсатимсиз хитой чинниси ва кумуш қошиқлар сотиб олибди. У менга шунча меҳнат қилишимни, шундай идишда овқатланишга лойиқлигимни айтди. Шундан сўнг уйимизда бирин-кетин кимматбаҳо буюмлар пайдо бўлди. Даромадимиз ошиб борган сари уларнинг сони ортди, бутунги кунда бир неча юз фунт баҳоли буюмлар бўлса ажаб эмас.

Волалигимда пресвитерианлик диний қарашлари билан тарбияланганман. Бирок бу диндаги бир канча ақидалар менга мантуксиздай туюлди. Масалан, кимлардир кутқарилиш, кимлардир жазоланишга мажмулиги борасида қонунари менга ёқмасди. Мен бу сектанинг мажлисларида ҳали ёшлигимда бормай кўйганман ва яқшанба кунларини ўз устимда ишлаш учун сарф қилардим. Бирок баъзи диний принципларимни йўқотмадим. Масалан, мен ҳеч қачон Худонинг борлигига шубҳа қилмаганман, У оламни yaratгани ва ҳамма нарсани бошқариши, инсонларга яхшилик қилишни хуш кўриши, бизнинг руҳимиз абадийлиги, У дунёда эзгу ишларимиз муқофотланиб, гуноҳкорлар жазоланишига ишонаман.

Бу принципларни ҳар қандай диннинг асоси деб билардим. Бундай принциплар мамлакатимизда ишонилмаган барча динларда мавжудлигини кўрдим.

Бирок инсонлар ўртасига нифок солиши, бир брита нисбатан ноҳақ муносабатда бўлишни оқловчи диний воқиялар борлигига ҳам гувоҳ бўлдим. Мен одамларнинг ниҳон эркинлигини хурмат қиладиган, ҳамма динлар мавжуд бўлишга ҳақли эканлигини тан оладиган, бошқа дин вақилларига толерантлик билан қарайдиган бўлдим. Кун сайин шахримиз аҳолиси сони ошиб бормоқда, турли дин вақиллари ўз ибодатхоналарига эҳтиёж хис қиладилар. Улар ибодат учун уйлар қуришганда, бу қандай дин бўлишидан қатъий назар уларга ёрдам беришга ҳаракат қилдим. Инсонларни ибодат қилиши ва ибодатхоналарни зиёрат қилишларини ёқлайман. Бирок ўзим бундай жойлардан йироқда юраман. Онда-сонда Филдельфиядаги ягона пресвитерианлар ибодатхонасига бадал тўлаш учун бораман. Унинг руҳонийси мени хурмат қилиб, мажлисларга тақриф қилиб туради. Бирок бу мажлислардаги баҳс-мунозаралар ва маърузалар мен учун қизиқ эмас. Уларда асосан дин ақидаларига изоҳ берилади. Бирок инсон маънавий-ахлоқий масалалари ҳақида биронта сўз дейилмайди, ижтимоий-маиший муаммолар ҳал бўлишида дин аҳамияти ҳақида сўз юритилмайди. Бу мажлислардан асосий мақсад бизни пресвитериан қилиш, яхши инсон эмас.

Мен руҳонийнинг ваззларида инсонларни маънан ва ахлоқан юксалишга чақиритишни кутиб эшитиб ўтирдим. Бир маҳал у филиппийларга қаратилган номанинг тўртинчи бобидаги куйидаги шеърни ўқиди: “Нихот, менинг биродарларим, нима ҳақ бўлса, нима тўғри бўлса, нима адолат бўлса, нима тоза бўлса, нима илтифотли бўлса, хурматли бўлса, нима эзгу бўлса, нима мақтовга лойиқ бўлса, ўшани ўйланг”. Шунда руҳоний ахлоқий мавзуда гапириб ўтади деб ўйладим. Бирок у фақат беш қоида билан чекланди, худди апостол бундан бошқани назарда тутмагандай: 1. Яқшанба кунининг улўелиги; 2. Муқаддас китобни

астойдил ўқиш; 3. Ўз вақтида жамоат ибодатхоналари-га бориш; 4. Сирли ибодатни тан олиш; 5. Худода хиз-мат қилувчиларга керакли даражада хурмат қилиш. Буларнинг ҳаммаси яхши, бироқ диннинг вазифи-си шу билан чегараланмаслиги керак-ку. Мен руҳоний ваъзаларида бундан бошқа нарсани эшитишга умидимни ўзиб, мажлисларга бормаи кўйдим.

Бунгача бир неча йил олдин (1728 йилда) "Ишонч қоидалари ва дин таъсири" деб номланган ибодат ду-оларини ўзим учун туздим. Мен уларни яна фойда-лана бошладим ва ибодатхоналардаги мажлислар-га бормаи кўйдим. Балки бу ишимни тўғри деб хи-соблаб бўлмас, лекин мен бу борада афсусланиш ёки уэр сўрашни ўйламайман. Мен шунчаки бўлган нар-саларни ёзипман.

Тахминан ўша вақтда маънан юксалишим учун режа ишлаб чиқдим. Мен ҳеч қачон хато қилмасдан яшашни, табиий эҳтиёж, жамият ва нафс таъсирида қилиб кўй-ишим мумкин бўлган ишлардан ўзимни химовлашни истадим. Мен ўзим нима яхши ва нима ёмонлигини билсам, қандай йўл туттишим кераклиги аниқ деб ўйла-дим. Бироқ ўзим билмаган ҳолда олдимга қийин вази-фани кўйибман. Мен бирон хатони қилишдан ўзимни олиб қочганимда бошқа хатога йўл кўйипман, менинг онгим одаг бўлган хаголикларни қилишга мойил эди. Шунда мен бирон хатога йўл кўймастик ва фақат эзгу ишларни амалга ошириш учун ўзимизда чуқур илдиэ отган ёмон иллатларни йўқотишимиз керак эканлигини тушундим. Бу мақсадда мен куйидаги усулни ишлаб чиқдим.

Мен ўқитган китобларда турли муаллифлар бир номдаги ахлоқий фазилат ҳар хил таърифлаганлар. Масалан, ўзини тийиш деганда, кимдир овқатла-ниш ва ичишда меъёрни билишни таъкидлагаса, ким-дир бу тушунчани кенгайтриб, барча роҳат ва кўнгли-лочар машғулотларни чеклаш, исталган хоҳиш-ис-

так ва нафсни тўхатиш деб таъриф берганлар. Мен ахлоқий принциплар хусусида кўп мушоҳада юрит-ганим ва бу борада йиккан билимларим асосида куй-ида 13 номдаги инсон фазилатларини белгиладим. Бу фазилатлар ҳар бир ахлоқий ва маънан юксак инсон-да бўлиши керак бўлган сифатлардир:

1. Ўзини тийиш. Тўйиб кетгунча емаслик ва маст бўлгунча ичмаслик.
2. Суккут сақлаш. Ўзимга ва бошқаларга фойда бў-лиши мумкин бўлган нарсаларнигина гапириш; ку-рук гаплардан қочиш.
3. Тартиб. Барча бўломларни ўз жойида сақлаш; ҳар бир машғулот учун ўз вақтини белгиллаш.
4. Дадиллик. Қилиш керак бўлган ишни бажаришга қарор қилиш; қарор қилинган нарсани сўзсиз бажариш.
5. Тежамкорлик. Ўзимга ва бошқаларга фойда кел-тириши мумкин бўлган нарсаларга сарф-ҳаражат ки-лиш, исрофга йўл кўймастик.
6. Меҳнатсеварлик. Бекорга вақт сарфламастик; доимо фойдали машғулот билан банд бўлиш; керак-сиз ҳаракатлардан воз кечиш.
7. Самимийлик. Ҳеч қимга зарар келтирувчи ёлгон ишлатмаслик, соф ва ҳаққоний фикрлаш; суҳбатда қим бу қоидага амал қилиш.
8. Одиллик. Ҳеч қимга зарар етказмасстик; ноҳақ-ликка йўл кўймастик ва ўз мажбуриятимизга кирув-чи эзгу ишларни амалга ошириш.
9. Мўътадиллик. Ҳамма нарсада ўртача бўлишни танлаш; ноҳақликка нисбатан қаттиқ ранжимасстик.
10. Тозалик. Танани доимо тозаликда сақлаш; кий-им-кечак ва уйни озода сақлаш.
11. Хотиржамлик. Арзимас, аҳамиятсиз ва одадий, тўғрилаб бўлмайдиган нарсаларга кулономасстик.
12. Ахлоқий софлик
13. Камтаринлик. Исо пайғамбар ва Сукротдан ўр-нак олиш.

Мен мазкур сифатларни ўзлаштирмоқчи эдим. Бирдан уларнинг ҳаммаси ортидан қувмасдан, маълум вақт ичида уларнинг биронтасига эътибор қаратишга қарор қилдим. Унга ўзимда кўникма ҳосил қилгандан сўнг, бошқасига ўттишни, токи ҳаммасини ўзлаштирмагунимча шу тарзда давом эттишни ният қилдим. Фазилатларнинг кетма-кетлигида ҳам маъно бор, бунда олдингиси кейингисининг ўзлаштишига ёрдам бериши назарда тутилган. Ўзини тийишни биринчи ўринга қўйишим бежиз эмас. Бундай фазилат туфайли ақл тиниклигига эришилади, бу эса турли нафс ва ёмон одатларга қарши курашда ёрдам беради. Бу сифатга кўникма пайдо бўлиши сукут сақлаш одати шаклланишига йўл очади. Сукут сақлаш одати менга турли суҳбатларда кўп гапиришдан кўра кўп эшитишим кераклигини билдиради. Пичингли гапларим, ўтқир сўзларим ва ҳазилларим туфайли баъзи бекорчилар мени даврасига қўлишни исташарди. Мен куруқ гаплардан қочиб, вақтимни фойдали ишларга сарфлашни қарор қилдим. Дадиллик сифати эса кейинги фазилатларни ўзлаштиришда менга асқотишини назарда тутганман. Тежамкорлик ва меҳнатсеварлик мени қарзга ботишдан, исрофгарчиликдан сақлаб, менинг қармонимни тўлдиреди, менга эркинлик беради. Бу эса ўз навбатида самимийлик, ҳаққонийлик сифатларини ўзлаштирилишига ёрдам беради. Пифагорнинг ҳар кўни ўз ўзингни назорат қил, деган насиҳати биноян қуйидаги усулни ишлаб чиқдим. Мен бир китобча тулдим, ҳар бир фазилатга бир бетдан ажратдим. Ҳар бир бетни қизил сиёҳда еттида чизик билан ажратдим. Ҳар бир бўлакни хафта кўни билан номлаб, унинг бош ҳарфи билан белгиладим. Кейин горинзонтал ўн учта чизик ўтказдим. Ҳар бир сатрга фазилатларни ёзиб чиқдим. Шундай қилиб кўн давомида бирон фазилат бўйича амал қилмаслик ҳолати содир бўлса, уни белгилаб қўйиш имконига эга бўлдим.

ВАРАҚА НАМУНАСИ

	Якшанба	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба
Тийиш	Х	Х					
Сукут	XX	Х	Х	Х	Х	Х	
Тартиб		Х	Х	Х		Х	
Дадил				Х			
Тежам							
Меҳнат							
Самим							
Одил							
Мўълта							
Тоза							
Хотир							
Ахлоқ							
Қамтар							

Мен ҳар бир фазилатга бир хафта ажратишни, унга нисбатан хафта давомида кўникма ҳосил қилиш ва бу борада биронта хатога йўл қўймасликка ҳаракат қилдим. Агар бу фазилат тўғрисида етти устунда бўшлик бўлса, демак уни яхши ўзлаштирганганимни билдиради. Шу тарзда кетма-кет барча фазилатларни ишлаб чиқаман. Бир курс ўн уч хафтани эгаллайди, бир йилда бир неча марта бу курсни қайтариш керак. Мен бутун курсни ўтаганимдан сўнг барча устунларда бўш қитғакни кўришни истардим. Шунда барча фазилатларни ўзлаштирганганимни билдиради.

Мазкур китобчамга эпиграф келтирганман: Эдисоннинг “Катон” идан: “Мен биламанки, юкорида Олий куч бўлса, унга эзгулик хосдир. Кимки эзгу иш қилса, унга бахт ёрдири”.

Цицерондан: “Эй, фалсафа, ҳаёт раҳбари! Фазилатлар ахтарувчи, ёмонликларни йўқотувчи! Сен кўрсатганингдек, бир кун тўғри яшаш абадий гуноҳда яшайдан аьлодир”.

Тўғрисишни айтсам, тартиб борасида анча нўнок эканман. Ҳозир айниқса қарғилган чоғимда хотирам пасайиб, бу камчилигимни яққол сезяпман. Шундай бўлса-да, бу савийи-харакатларим оқибатда мен яхши томонга ўтардим ва ўзимни бахтли ҳис қилдим. Бу худди босмага туширилган харфларга ўхшатиб ёзишдай гап. Балки қанча машқ қилишингиздан қатъий назар айнан бир хил ёза олмасдирсиз, бироқ ёзувингизга хусн қиради, текисганади, олдинги хатингиздан анча фарқ қилади. Асосий мақсад шу эмасми? Мен авлодим шу кичик ихтироим туфайли доимо бахтли яшаганимни биллишларини истайман. Бунни етмиш тўққиз ёшли қария ёзаяпти. Мен билмайман, кейинги йиллар менга қандай синовларни олиб келади. Бироқ бахтли кунларим хотираси ҳар қандай қийинчиликка бардош беришимга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаб ўтишим лозимки, менинг режамда диний муаммолар бутунлай эътибордан холи бўлма-са-да, бирон бир сектанинг ақидалари акс этмаган.

Мен бир кун ўз режамни чоп этишни ўйлаб қўйдим. Мен фазилатлар рўйхатига камтаринликни қилдикдим, тарчи мактанишни хуш кўрсам-да. Бу фазилатни ўзлаштириш учун ўзимда кўп ўзгартириш қилдим. Ҳеч қачон суҳбатдошим фикрига кескин қарши чиқмайман, айнан шундай, шубҳасиз, аник, деган сўзларни ишлатмасликка қарор қилдим. Менимча, ўйлашимча, шундай бўлса керак каби сўзларни ишлатишни одат қилдим. Агар суҳбатдошим гапи тўғри эмас

бўлса уни бирдан танқид қилишдан ўзимни тияман. Унга унинг фикрлари маълум шароитда ёки ҳолатда тўғридир, бироқ айни вақтда бошқача бўлиб чиқаётганга ўхшагини айтман. Бундай усулга амал қилишим фикрим силлиққина қабул қилиниши ва унга кескин қаршилиқлар бўлмаслигига олиб келади.

Суҳбатда камтаринликка амал қилишим ҳаётимда менга кўп фойда келтирган. Нуфузли кишиларни мени эшитишни, менинг фикримни қабул қилишни, мен билан ҳисоблашиш ва хурмат қилишини таъминлади. Тарчи мен чиройли гапиришни билмасам-да, нотик бўлмасам-да, одамларни ўзимга қарата олдим.

Аслида туғма камчилиқлардан манманлик, такаббурликни синдириш қийин. Қанча уни яширма, ич-ичингдан у билан курашма, у барибир қисман ичингдан шавверар экан ва онда-сонда ўзини кўрсатиб кўяркан. Балки буни ўқиб туриб, сен уни кўраётгандирсан. Зеро, бутунлай ундан кутулдим, деганда камтаринлигим билан ғурурланиб қолишим мумкин.

Худога ибодат қилишда тартиб зарур бўлгани сабабли кун тартибимни қуйидагича режалаштирдим:

КУН ТАРТИБИ

Вақт	Соат	Қилинадиган ишлар
ЭРТАЛАБ	5	Уйқудан туриш, ювиниш ва ибодат қилиш
Савол: Бугун қандай яхши иш қиламан?	6	Бугун нима ишлар қилиниши ҳақида ўйлаб кўриш ва бутун кунга режа тузиш
	7	
	8	
	9	
	10	Кундалик ишлар

ПЕШИН	11	Кундалик ишлар
	12	Ҳисоб-китобларни текшириш
	1	Тўшлик
ПЕШИНДАН СЎНГ	2	ИШ
	3	
	4	
	5	
	6	
КЕЧҚУРУН	6	Ҳамма нарсаларни тартибга келтириш
	7	Кечки таом
	8	Мушиқа тинглаш, кўнглиочар машғулотлар, суҳбатлашиш
	9	
	10	
ТУН	11	Уйку
	12	
	1	
	2	
	3	
	4	

Ўз ўзимни назорат қилиш режасини бажаришга қиршидим ва менда ўйлаганимдан кўра камчиликлар кўплигини кўриб хайрон қолдим. Бироқ улар камайиб борганидан қувондим.

Тез орада китобчам белгилаб, ўчириб, қайта белгилаб, яна ўчириш орқасидан тешикларга тўлиб кетди. Кейин бу жадвални турли хил материалдаги қоғозларга кўчириб кўрдим. Бир йил давомида фақат битта

курсни ўта олдим. Кейин яна битта курсни бир неча йилда ўтдим. Саёхат ва хорижда ишлашим туфайли уни тўлишга вақтим бўлмади, бироқ каерга бормай китобчамни ўзим билан олиб юрардим.

Энг катта қийинчилик кун тартибига риоя қилишда бўлди. Кейин охири шундай хулосага келдимки, катъин кун тартибига иш фаолият тури тўғри келадиган ишчилар амал қилиши мумкин экан, масалан, босма-хона ишчиси. Бироқ босмахона хўжайини бундай тартибга амал қила олмайди, у турли иш юзасидан уч-рашувларга боради, одамлар билан мулоқот қилади, сафарлар уюштиради. Шунингдек, буюмларимни тартибли саклаш ҳам менга қийинчилик туғдирарди.

Бундан ташқари, ҳаддан ташқари нуқсонсиз бўлиш аримайдиғандай менга туюла бошлади, бундайларни одамлар ёқтирмаслиги, бошқаларнинг ҳасадини қачиринини ўйлаб қолдим. Балки бир-икки камчинкака йўл кўйиш керакдир, шунда дўстларинг сени тўзатишга имкони бўлади. Лекин нима бўлганда, мен ўз устимда ишладим ва олдинга нисбаган анча ўзгариш қилдим.

ЁШ ТИЖОРАТЧИГА МАСЛАҲАТ

“Ёш тижоратчига маслаҳатлар” Жорж Фишерда “Йигитнинг энг яхши дўсти” Америка журналинда чоп этилган. Ўзгартirilgan ва тўлдирилган тўжқизинчи нашри. Филадельфияда Нью-Прингтинг-Офисда нашр этилди. Маркет кўчаси, 1748-уй. Муаллиф В. Франклин ва Д. Холл. 375-377-бет.

Дўстим А.Б.

Сиз истагандай менга бир вақтлар кўл келган тавсияларимни қоғозга туширдим, улар сизга асқотгади деган умиддаман.

Шуни унутмангки, вақт – бу пул. Ким кунига ўз меҳнати билан 10 шиллинг ишлаб топа олса-ю, би-

рок вақтини бекорчилик билан сарфласа, бунда бор-йўғи куннига олти шилинг ишлатган тақдирда ҳам, у шунги эҳтиборга олиши керакки, у қолган пулни ва вақтни шамолга учириб юборган бўлади.

Унутмангки, кредит – бу пул. Агар кимдир менин пулини керагидан ортқик вақтга қолдирса, шу вақт ҳисобидан у мента пулдан фоиз қолдириши керак. Бу эса қатга пул бўлиши мумкин. Қатга пулдан эса қатга даромад қилиш мумкин.

Унутмангки, пул мева бериш, пул туғиш табиати та эга. Пул пул туғади, у пуллар яна кўпроқ пул туғади ва шу тариқа давом этади. Беш шилингни оборота қўйсанг, олти бўлиб қайтади, яна қўйсанг, ўн бўлиб қайтади. Охири ўз пулинг юз фунг бўлиб қўпаяди. Пулинг қанча кўп бўлса, шунча у оборотда қўпаяди, шунча тез ўсади. Ким зотдор чўчкани ўлдирса, минг авлодгача унинг болаларини ҳам ўлдирган бўлади. Ким ўйламасдан туриб бир қронани ишлатиб юборса, у ўзи билан олиб келиши мумкин бўлган юз ва минг фунгни ҳам йўқ қилган бўлади.

Унутмангки, агар йилга олти фунг ишласангиз, бу куннига бор-йўғи тўрт пенс бўлади. Бу камгина пулни (уни куннига бекорга совуриш мумкин) обрўли киши ақл билан иш юритиб барқарор мулкка ва юз фунг фойдаланишга эриши мумкин. Бироқ акциялар билан ишлашни биладиган меҳнатсевар киши тезда қатга бойликка эга бўлади.


Куйидаги мақолни эслаб қолинг: Яхши пулдор бировнинг қармонига ҳўжайн бўла олади. Қарзини ўз вақтида тўлайдиган ва ваъдасини аниқ бажарадиган одам дўстларининг ишончига кириб, истаган вақтида истаган мақсадда пул қарзга олиши мумкин. Бу қатга фойда келтириши мумкин. Шунини учун қарзларни вақтида ўзиб, дўстлар ишончини оқланг, акс холда улар бутунлай сиз учун қармонни ёпиб қўйишади.

Кимдандир кредит олаётганингизда, оддий нарсалар ҳам аҳамиятли бўлади. Агар устахонангизда иш эргалаб олтидан то кеч тўққизгача қизиб турганини кўрсанг, кредитор сизга берган қарзининг муддатини чўзиши мумкин. Агар сизни аксинча, иш вақтида бильярд ўйнаётган ёки кўнглихўшлик қилаётганингизни кўрсанг, у эргаси куниеқ қарзини талаб қилиб келиши мумкин. Агар сизнинг устингиздаги кийимингиз уникал нисбатан қимматроқ бўлса ёки сиз у ўзига эп кўрган қарзга кўра қимматроқ нарсани сотиб олсангиз, у сизни ўз жойингизга ўтказиб қўйиш учун ҳам қарзини сўраб келиши мумкин. Кредиторлар шундай одамларки, энг ўқир кўз ва энг яхши эшитадиган қулоқка эга бўлади.


Кредиторларга ҳам сиздан ҳадеб пул талаб қилиш осон эмас (айнан шундайлардан қарз олиш керак), уларни бу қийинчиликдан ҳолос этинг, шунда улар сизни яхши кўриб қоладилар. Агар бирон миждордан пул топсангиз, уларни пропорционал қарз олган жойларингизга бўлиб, тарқатиб чиқинг. Қатга қарзини оз-оздан тўлашдан уялманг. Ҳатто камгина қайтарилган қарз ҳам кредиторингизни хурсанд қилган. У сиздан ўн марта бориб қарзини талаб қилганда кўра, сиз унга пулни ўнгага бўлиб қайтарганингиз маъқул. Бундан ташқари, сиз қарз ҳақида унутмаганингиз, уни тўлашни ўйлаётганингизни кўрсатади.

Кўлингиздаги бор нарсани ўзимники деган ишонч билан яшаманг, кўрпангизга қараб оёқ узатинг. Кўпгина қарз олганлар мана шундай ўз ўзини алдаш қурбани бўлиб қоладилар. Фойда ва харажатни аниқ ҳисоб қилгуб қилинг. Агар сиз бу каби майда нарсаларга ҳам аҳамият беришни одат қилсангиз, куйидаги нарсаларга эришасиз: оз-оздан сарф бўлган пуллар қатга пулга айланишининг тўвоҳи бўласиз, сарф-харажатни рўйхат қилиб борсангиз, ниманда тежашингиз, келгусида қайси харажатларни қамайтиришингиз мумкинлигини тушуниб оласиз.

Кискача килиб айтганда, бойликка йўл, агар унги эришини истасангиз, бозорга йўл олгандай осондир. Бу йўл икки сўзга боғлиқ – бу “кунт” ва “тежамкорлик”. Бошқача килиб айтганда, бекорга вақтни ҳам, пулни ҳам сарф қилманг, ундан ҳам, бундан ҳам етарлича фойдаланиб қолишга ҳаракат қилинг. Ким ҳалол ишлаб пул топа олса ва уни сақлай олса (зарур сарф-ҳаражатларни ҳисобга олмаганда), Худонинг иродаси билан бойиб кетиши ажаб эмас.



МУВАФФАҚИЯТ ҚОНУНИ



Ҳаммамиз ҳам одатлар курбонимиз!

ФИКР БУ — ДАСТАК

Қандай қилиб Томас Эдисоннинг ҳамкори бўлишни “ўйлаб топган” одам

Ихтирочи ва «дайдиди»... Яширин ҳолда пайдо бўлиш имконияти... Олтиндан уч фут нарида. Мен ҳеч қачон ғийбат қилишгаётганини кўриб тўхтамайман... Нархи 50 цент бўлган катъияҳ дарси... Боланинг ғалаги ҳужмронлиги... Керак бўлган бор-йўқ нараса бу — битта асосли ғоя... Форднинг саккиз цилиндрли “Йложи йўк” мотори... Нима учун сиз “ўз тақдиринингизнинг хўжайинисиз”... Тақдирингизни ўзгартириб юбориши мумкин бўлган принциплар...

ИСТАК

Барча ютуқларнинг бошланғич нуқтаси Ортидаги кўприкларни ёқб юборган одам... Ўзингни ниқтала... Истакни олгинга айланттиришининг олтига йўли... Ўзингизни миллионер деб тан ола биласизми?.. Буюк орзу ҳокимияти... Қандай қилиб орзунини парвоз майдонидан ишта тушириш мумкин... Она табиатни қобилият билан алдай олиш истаги... Умр-ни ўзгартирган «тасодиф»... У олти центга янги дунё сотиб олди!.. Тинглай олган кичкина кар бола... Мўъжизалар яратган фикр... “Фикрлаш кимёси” мўъжизалар яратди...

ИШОНЧ

Истакни амалга оширишга ишонч ва уни яққол тасаввур қилиш маҳорати Қандай қилиб ишончини ривожлантириш мумкин... Ҳеч ким омадсизликка “махҳум” этилмаган... Ишонч

бу — ўзига уқтириш туфайли юзага келиши мумкин бўлган онг ҳолати... Ўзига уқтиришнинг сеҳри... Ўзига ишончга эга бўлиш формуласи... Салбий фикрлаш ҳалокати... Миянгизда қандай даҳо ухлапти... Ғоя қандай қилиб бойлик яратади... Бойлик фикрдан бошланади...

ЎЗИГА УҚТИРИШ

Иккиламчи онга тасвир қилиш усули

Сиз кўлингиздаги пулларни кўришингиз ва уларни хис қилишингиз зарур... Қандай қилиб ўзининг эътиборни жамлаш қобилиятини кучайтириш мумкин... Иккиламчи онгни рағбатлантиришининг олти босқичи... Фикр кучининг сирини...

МАХСУС БИЛИМЛАР

Шахсий тажриба ва кузатувчанлик

Ушбу бообни ўқиётганингизда сабрсизлиқ уручларини экиш айрим насаҳаларнинг манғулоти эканлигини унутманг. Барча урушлар, ишталашлар ва инсоният қийноқларининг бошқа турлари мана шу НУС-ХАЛДАРга фойда келтиради. Агар улар бўлмаганда эди ҳеч қандай уруш, ишталаш ёки душманликнинг бошқа кўринишлари юз бермас эди.

Ўзингизда яқинингизга муҳаббат туйғуларини тарбияланг, шунда сиз бефойда беллашувда улар билан тўкнашмайсиз. Муҳаббат хар бир кишини “ўз биродарини кўриқлашга” қодир қилади.

КЎПЧИЛИК ЕТАКЧИЛАР ЭГАЛЛАГАН 20 ТА ФАЗИЛАТ

Этилувчан елкали кишилар ҳеч қачон раҳбар бўлолмайди. Уларни тез алмаштиришади, чунки улар бутун бир давлат раҳбарининг ноқобиллиги боис қон кечиб турган бир пайтда раҳбарга хос бўлган сифатга эга эмасдир. Келажак йўлбошчилари қуйидаги фазилатларга эга бўлиши лозим:

1. Олтига асосий кўркувни батамом ишғол этиш.
2. Эргашувчиларининг манфаати учун шахсий қийинчилирини бўйсундиришга тайёр бўлиши.

3. Замон талабига мос келувчи раҳбарликнинг муайян дастури тақдим этилган собитқадамлик.
4. Олий тафаккур асосларини фахмлаш ва уни кабул қилиш қобилиятига эга бўлиши; бу принципдан фойдаланиш уйғунлик руҳида қувватни бирлаштириш билан қучга эришилади.
5. Ўзига энг юқори даражада ишониш.
6. Қарорларни зудликда қабул қилиш ва уларда қатъий тура олиш қобилияти.
7. Замон талабларини одимлашга имкон берувчи тасаввурлар ва бу эҳтиёжларни қондириш режаларини тузиш.
8. Энг юқори даражадаги ташаббускорлик.
9. Ишга энг ва шижоат ҳамда уни издошларига улашиш даёқати.
10. Юқори даражадаги ўзини назорат қилишлик хусусияти.
11. Хизматларни уларга туланадиган бадалга қараганда кўпроқ кўрсатишга тайёрлик.
12. Вазмин ва жозибали фазилатга эга бўлишлик.
13. Аниқ фикрлашга даёқатлилик.
14. Бошқалар билан ҳамоханг ҳамкорлик қилиш қобилияти.
15. Фикрларини бир ерга жамлашда тиришқоклик ва вазифаларни улар ҳал бўлмагунча бажаришда барқарорлик.
16. “Фикр чакнаши” ҳамда хато ва камчиликлардан фойда чиқаришни эплай олиш қобилияти.
17. Энг олий даражадаги сабрлилик.
18. Барча муносабатларда вазминлик ва мўътадиллик.
19. Мақсад ва хатти-ҳаракатларда англанган ҳақдорлик.
20. Тартиб бўйича охиртиси, бироқ муҳим саналган – ўзгалар билан муносабат асоси бўлган олтин қоядага қатъий риоя қилишлик.

Бу рўйхат эскирган бўлиб кўриниши мумкин, лекин муваффақиятга эришган ўша етакчилар санаб ўтилган барча хислатларга эга ва уларни қўллашни билишади. Мазкур рўйхатни обдон ўрганиш келажак етакчилари ўтмиш раҳнаомолари хатоларидан қочини лоизимлигини исботлайди; хатоларнинг энг кўпли издошларини эксплуатация қилишдир. Кўпчилик хисобига йирик қурбга эга бўлишлик келажак етакчининг амомаби бўлмайди.

Ҳар қандай киёсда келажак етакчилигида ўша изданувчи ақлли-ки, у келажакнинг ҳеч бир тижоратда, ҳеч бир касбда раҳбар ва унга бўйсунувчилар тижорат ёки касбда ШЕРИКЛАР бўлишини ва шу шериклар билан бирга бўлганлари вақтида олтинган имтиёзда тенг ҳақлари бўлишини тан олмасдан туриб муваффақиятга эриша олмасликларини англаб, унга фаҳми етади.

ОЛТИНЧИ ДАРС

ТАСАВВУР

**Сиз ишни эллагингизга ишонсангиз,
уни бажара olasиз!**

Тасаввур – инсоният онги устахонаси бўлиб, унда эскирган ғоя ва қарор тошган далиллар янги шамойилда қайта ташкил топади ва янгиликдан қўлланнилади.

Сиз бир ёки бир неча кишилар томонидан шакллантирилган ва “фикр юкиши” натижасида бошқаларга тез юкадиган, жуда кучли ва устун турадиган ғоя “омма рухияти” ҳақида тез-тез эшитиб турарсиз.

Омма рухияти шундайки, кўчадаги икки одам ҳеч бир сабабсиз жанжал бошлашлари ва унга нима учун, ким билан ўрушаётганини билмаган, дастлаб томошабин бўлиб турганлар аралашиб кетишлари мумкин.

Урушнинг туташи кўнида кўтчилитгимиз “фикр юкиши” ходисасининг исботини кўрганмизки, тўғри бундай воқеани дунё ҳеч тўвоҳи бўлмагандек. Мен у кўннинг таассуротини жуда аниқ эслайман. Бу таассуротлар шунчалар кучли эдики, ҳатто, мен уч кўн кетма-кет тонг сахарлаб, тўё кимдир мени уйғотаётгандек ховликиб уйғонганман. Ўриндикка хотиржам ўтириб олганимдан кейин, мен аллайандай ғайриоддий воқеа бўлиб ўтганлиги ва унинг таъсирини қайта туйиш шунчалар кучли эканлигини тушуниб етардим. Мен ўрнимдан туриб, кийиниб Чикаго кўчаарини чиқар, ва кўчада менга ўхшаб кучли хаяжонни бошидан кечираётганларни кўрар эдим. Ҳамма бир-бириндан “Нима бўлди ўзи?”, деб сўрар эди.

МАНА НИМА СОДИР БЎЛГАН ЭДИ.

Миллионлаб солдатлар урушни тутатиш ҳақида бўйруқ олишган ва уларнинг биргаликдаги қувончлари бутун дунё бўйлаб тарқалди ва мўътадил қабул қилиш қолиятига эга бўлган барча инсонлар бунни рўйхатдан ўтказдилар. Кўринишидан аввал ҳеч қачон миллионлар инсонлар биргаликда бундай қувонччи кўзлари билан кўриб, бу ҳақида бир хил ўйланган бўлмаслиги мумкин. Тарихда илк бор олам бундай бирлашган фикрнинг тўвоҳи бўлган ва бутун дунёни биз ҳам тўвоҳи бўлган “оламон рухияти” камраб олган эди. Бу билан боғлиқ равишда кириш дарсарида икки ёки ундан ортлик кишилар фикр-мулоҳазаси уйғунлик билан қўшилганда Олий тафаккур яратилиши методлари ҳақида айтиб ўтилганини эслаш барчамиз учун фойдадан холи эмас.

Биз у қандай қилиб тижорат ва саноатда уйғунлиқчи муносабатларни вужудга келтириши ва ёки барбод этиши мумкинлигини кўрсатганча, бу принципларга оидинлик киритамиз. Сиз айнан миллионлаб солдатлар фикрнинг уйғунлиги бутун жаҳон кишилари онгида акс этганини ва буннинг оқибатида ҳар жойда хис қилинган “оламон рухияти” ҳолати юзага келганига ҳали ҳам ишонмаётган бўлишингиз мумкин. Бироқ, Сизга ғазабланган киши саросимага тушганича муомалага киришаётган барча кишиларда ноинтилик хиссини уйғотишининг ҳам исботи кераклир. Барчага маълумки, ишхонадаги биргина ғазабланган киши бутун ташкилот самарадорлигини тушириши мумкин. У ҳолда шундай вафт яқинлашадикки, ишчилар ҳам хўжайинлар ҳам ишдаги “вайсақилик” қа бирдош беришолмайди, чунки унинг миясининг ҳолати ишончасизлик, шубҳа ва ноуйғунликни шакллантирганча бошқаларда акс этади. Тез орада ишчилар

бу вайсакиликка захарли илондан хам кўпрок кўни-киб қолишади.

Принципни бошқача кўлланг. Ишчилар орасига хамманинг қалбига уйғунлик уруғларини эқувчи ижобий, хурфидрли кишини кўйинг ва бу таъсирни хамма хис этади.

Агар хар бир тажорат “инсоннинг давоми” бўлса, Эмерсон айтганидек инсон ишонч, яхши кайфият, ижобийлик ва уйғунликнинг “манбаи” бўлиши лозим ва бу фазилатлар ўз навбатида инсон ким билан тижоратда боғланган бўлса, ўшанда ақсганган бўлар эди. Биз аллақачон билиб олдикки, тасаввур табиатига кўра бир вақтнинг ўзида тушунтирувчи ва яратувчидир. У таассурот ва ғояда кўлланилиши ва янги комбинацияларни вужудга келтириши мумкин.

Бизнинг биринчи иллюстрациямизда бакал магазинда “питгли-витгли” ўз-шизга хизмат қилиш тизимини ташкиллаштирган Кларенс Содерс саргузаштлари замонавий тижорат таклифларда тасаввур кучидир (Қачонки, ундан ўз компаниясини нимата бундай ғаройиб номларитини сўрашганда, у: “Барча бу ҳақида сўраб-суриштири учун”, дейди) Сондерс кичикрок бир магазинда сотувчи бўлиб ишлаган. Бир кини кафеда ўз улушини олиш учун у кўлида баркаш билан навбатда туради. Шу пайтгача у ҳеч қачон бир хафтада йигирма доллар ишламаган, ва ҳеч қим унда ғайриоддий кобилият борлигини билмас эди. Бирок у кутаётган билан навбатда турганида унинг онгини да нимадир ую берди ва у у тасаввурларини ишлашга мажбур қилди. Тасаввури ёрдамида у ўзига хизматни кофедан баққоллик магазинига кўчирди (У янгидан ҳеч нарса яратмади, фақат эскисини янгилади, холос). Бирданига унда “питгли-витгли” магазинлар тармоғини тузиш режаси тўғилиди. Бир хафтада 20 доллар ишлайдиган Кларенс Сондерс миллионер ва Американинг йирик мулкдорга айланди.

Сиз мазкур транзакциянинг ўзингиз эглай олмаган, бирор бир кўрсатмасини кўрдингизми?

Транзакцияни шарҳлаб кўринг, буз сиз билан ўтган курсларни ўнга қийёсий қаранг, ва сиз Кларенс Сондерс жуда аниқ мақсад тузганини кўрасиз.. Бу мақсадни у ўзига ишонч билан кўллаб-қувватлади, ишонч эса унга ўз мақсадини амалга оширишда ташаббус кўрсатишга имкон берди. Унинг тасаввурига ўзида уч олим: муайян мақсад, ишонч ва ташаббус мавжуд бўлган устахона хизмат қилган ва “питгли-қитгли” режасини амалга ошириш йўлидаги биринчи қадамга тўртки берди.

БҮЮК ҒОЯЛАР ШУ ТАРИҚА АМАЛГА ОШАДИ.

Тасаввурга эга бўлган сотувчилар ўз товарини хар доим унинг фойдаси истиқболли харидор учун тушунарли тақдим этадилар. Сотувчига яхшилик қилиш учун баъзангина харид амалга оширилади. Инсон учун унга фойда келтирадиган нарсалар муҳимрокдир. Бу совук ва тортишиб бўлмайдиган омил бўлиб идеалистлар бун тасдиқлашмаган!

МУТЛАК ШУБҲАСИЗ: ОДАМЛАР ХУДБИ.

Бу ҳақиқатни тушуниш ўз ишнингизни қандай тақдим этишингизни тушунишингиз бўлиб, Сиз кимнидир камокдан озод этишларини сўрайсизми ёки қандайдир товар хавола этасизми. Ўз тасаввурингизда ўз ишнингиз тақдимотини шундай режалаштиринг-ки, харидор учун кучлидан ёрқинрок ва бирмунча эътиборни жалб қиладиган бўлсин.

БУНИНГ ХУДДИ ЎЗИ ТАСАВВУРДИР!

Шундай нисбий тасаввур хам бўрки, мен сизни ундан огоҳ этишим лозим. Шундай тасаввур хам борки, баъзи бирлар ҳеч ишни бажармасдан туриб ёки бошқа одамларнинг ҳуқуқини поймол қилганча юқори-

дан ёриб кириш бир нарсага эришишга урунадиган. Америка Кўшма Штатлари камовхоналарида минглаб махбустлар бўлиб, амалда уларнинг барчаси Камокка ўзгаларнинг хукукларини поймол қилиб, ҳаёт ўйинида енгиб кетиш мумкин деб, тасаввур қилганлари сабаб қамалганлар.

Вақт ва тасаввур (кўпинча вақтнинг маҳсули бўлган) бирни кўп нарсага ўргатади, бироқ буни тасдиқидан муҳимроқ нарса йўк:

Одамлар кўпчилик муносабатларда ўхшашдирлар. Жаноб Савдогро агар сиз мижозингиз нима исташини билганини хоҳлашангиз ўзингизга боқинг ва шунарсани қарор тоғтиринг; мижозни ўрнига бўлганингизда нима деб ўйлаган бўлар эдингиз.

Ўзингизни ўрганиб туриб, белгилиб олинг: нима сизни баъзи нарсаларни хариб қилишга ундаётти ва нима бошқа бир нарсани харид қилишингизга тўсқинлик қилётти, ва сиз тасаввурингизни ишга солсангиз узоққа одимлаган бўласиз.

Инсон нима истаганини аниқ билган онда муваффақият учун киришилган жангда қарийб ғалабага эришади. Агар у нима истаганини билса ва қайси йўл билан бўлмасин унга эришишга қарор қилган онда муваффақият бутунлай ғалаба қозонади.

Муайян асосий максадни танлаш тасаввур ва қатъий йўлбилликни талаб этади! Қатъий йўлбиллик кучи эса уни қўллаш билан ўсиб боради. Аниқ бош максадга дадиллик билан киришиш бошқа ишларда ҳам жасоратга эришишга ёрдам беради.

ЕТТИНЧИ ДАРС

ИШТИЁК

Агар сиз бунга ишонсангиз, сиз буни эглайсиз!

Иштиёк бу ақлнинг ҳолати бўлиб, у инсонни мақсад учун ҳаракат қилишга илҳом беради ва уйғотади. Бироқ иштиёк бунданда кўра кўпроқ самарата эга, у асосий фаолиятни бажараётган кишидан у билан муносабатда бўлган кишиларга юқиб уларга ҳам таъсир этади.

Шижоат бую билан ишлайдиган локомотивга муносабатда бўлгани сингари инсонга таъсир кўрсатади: бу ҳаракатга ундовчи ҳаётирий ҳаракатчан кучдир. Ўз иштиёқини бошқаларга улашга инсон — инсониятнинг буюк етакчисидир. Иштиёк савдо ишларининг асосий, бош омилдир. Бу исталган воизлик чиқишларидаги энг асосий омилдир.

КАНДАЙ ҚИЛИБ ИШТИЁК СИЗГА ТАЪСИР УТКАЗАДИ

Ўз фаолиятингизга иштиёқни кўшинг, у сизга мушкул ва бир хил бўлиб туюлмайди. Иштиёк жисминингизни шунчалар қувватга кўлдирадики, сиз икки марта кам ухласангиз ҳам ҳеч бир чарчамасдан икки, уч ба-робар ишни улдасидан чиқасиз.

Иштиёк — бу шунчаги нутқ шакли эмас; бу сиз фойдалага бўйсурдириб, қўллашингиз мумкин бўлган қувват манбаидир. Иштиёксиз эса сиз қуввати тугалган батарейкага ўхшаб қоласиз.

Иштиёк — бу сиз жисминингизни қувватлантирадиган ва ўзингизни ҳаракатдаги шахста айланттиришининг ҳаётий қувватидир. Баъзи био одамлар табиатан иштиёқли, бошқалар эса унга эришишлари ло-

Изим. Қувватни ошириш муолажаласи жуда одди. У сизга ҳаммадан ҳам кўпроқ ёқадиган ишдан бошланади. Агар бундай иш билан шуғулланишингизга имконият бўлмаса, бунда сиз қасонларда бундай ишни бажаришга келажақда имкон берувчи/яратувчи аниқ асосий мақсадни белгилашингиз лозим.

Бир ғояни амалга ошириш борасида/ мени 20 йилдан кўп вақт давомида ишתיёқ камраб олган эди. Дастлаб бу ғоя менинг аклимада вужудга келганда, мен уни амалга ошириш йўлида ҳатто, биринчи қадамни ташлашга тайёр эмасдим. Бирок мен олдинга боққанча, уни онгимда кўтариб юрдим ва унга нига нисбатан иштиёқни туйддим, мен тасаввурларимда ўз ғоямни қачон амалга оширишга тайёр бўлишим пайтини кўрдим.

Ғоям шундай эди – мен Олтин Қоидага асосланган журнал ношири бўлишни ва шу журнал ёрдамида одамларга жасоратни сақлашлари ва бир-бирига адолат билан муносабатда бўлишларига ёрдам беришни истаган эдим.

Ва ниҳоят мениг даврим келди! Мен қарийб йилгирма йил бу вақт келишни кутиб, ўзимнинг биринчи муҳаррирлик мақоламни ёздим ва умидимни моддий тимсоллаштирдим.

Мен бу мақолага йилгирма йил юрагимда йиғилиб юрган барча хис-туйғуларимни ғайрам билан бириктирдим. Менинг орузум амалга ошди. Бутун мамлакат бўйлаб тарқалаётган журнал нашри амалга ошди.

Мен аввал айтганимдек бу мақола иштиёқ ва ўй-жоат билан ёзилган эди. Мен мақолани танишимга завққа тўлиб ўкиб бердим. Мақолам қуйидаги сўзлар билан тутаган эди: “Ниҳоят йилгирма йиллик умидим амалга ошди. Журнални нашр этиш учун жуда кўп маблағ керак, уларни қаердан оламан тасаввур қилолмайман, бироқ бу мени ташвишланттирмайди: Биланманки, уларни қайсидир йўл билан албатта оламан!”

Мен бир сатрларни ёзганимда уларга бутун иштиёқим ва ишончимни тиккан эдим.

Ҳатто, мақоламни ёзиб тугатмасимдан, мақолани эшитиб ўтирган инсон менга: - Мен билман сиз маблағни қаердан олишингизни, уларни сизга мен бераман, деди. Ва берди ҳам.

Сизнинг иштиёқингиз қай тарзда бошқаларга тавсир кўрсатади

Биз курснинг энг муҳим ҳолатларидан бири ва айнан ишонттириш ҳақида баҳс юритмоқчимиз.

Аввалги дарсларда ўз-ўзини ишонттириш ҳақида сўз борган эди. Учинчи дарсда ўз-ўзини ишонттириш қандай муҳим роль ўйнашинин кўрган эдингиз.

Ишонттириш бу ҳатти-ҳаракат бўлиб, сизнинг сўзларингизга, ҳаракатингизга ва ҳатто, аклингиз ҳолати бошқаларга тавсир қилинидир. Сиз ишонттиришининг аҳамияти ва қучига тушунишингиз учун сабр ҳақидаги биринчи дарсни ёдингизга солишга руҳшат беринг. Агар сиз ҳозир бир инсон миясидаги маълумотни (ҳеч бир белги, рамз ва товўшлар орқали) бошқа кишига узагиш асослари қандай реал мавжудлигини тушунисангиз ва уни қўлай олсангиз, сиз, албатта, ишонттириш нега бундай юқумли ва неча у етиб бўладиган чегараларда тавсир қила олишини аниқлаб етасиз.

Сизнинг миянгиз иштиёқ билан қувватлантирилганда юқори частота тебраниши тарқалади, бу тебраниш бутун теваарак-атроф ва айниқса, яқин алоқада жойлашганларда рўйхатга олинади. Опенатор аудитория унинг овозига жавоб қайтаришини “хис қилганда” унинг иштиёқни эшитувчи аклига улар унинг акли билан уйғунликда тебранишларини хис қилади.

Қачонки сотувчи савдо қилишининг “руҳий” дақиқалари келганини “хис қилганда” ўз иштиёқини истикболлий харидор миясига тавсирини хис қилади ва унинг миясини ўзиникига мувофиқ мослайди.

Ишонттириш мавзучи мазкур машғулотни, қолаверса бутун бир курсни шундай муҳим қисмини ташкил этадики, мен бу таъсирнинг уч йўлини тавсифлашиб керак бўлади ва айнан: сиз нимани тапирасиз, нимани бажарасиз ва нима ҳақида ўйлайсиз*.

Агар сиз сотаётган товара, ёки тақлиф этаётган хизматингизга ёки сўзлаётган нутқингизга шижоатни хис қилсангиз миянгизни ҳолати овозингизнинг оҳанги эвазига сизни эшиб турганларга маълум бўлади, кўриниб туради. Сиз бу ҳақида ўйлаб кўрганми-сиз ёки йўқми, лекин овозингизнинг оҳанги сўзингиздан кўра кўпроқ тингловчини ишонттиради ва ёки ишонттирмайди. Ҳеч бир сўзлар мажмуаси шижоатли ишонч билан айтилган сўзларни ўрнини босмайди. Агар сўз ҳеч бир хиссиятлар, тўғма шижоат билан тўзлаштирилмаса, ҳаётий бўлмайди.

Сиз завқ, шижоат билан айтган сўзларингиз жуда муҳимдир, бироқ сиз уни амалда баҳаришингиз унданда муҳим. Сизнинг амал-ҳаракатларингиз сўздан кўпроқ кучга эга, бироқ қимдидир сўзлар бир-бирига қовушмаса, бу жуда қийин масала.

Агар инсон Олтин Қоидани ахлоқнинг асослари сифатида тарғиб қилмас экан, ўзи тарғиб қилганлари га амал қилмас экан, у ҳолда уни ҳеч қим эшитмайди. Олтин Қоиданинг энг самарали тарғиботи тарғиботи бу қоидани атрофдагилар билан ҳамкорликда қўлаб, ишонттириш билан амалга оширилади.

Агар Форд авбомобили сотувчиси ҳақиқий хиридор олдига “бўноке” да келса, форднинг юқори сифатли авбомобил эканлиги кўрсаткичлари ҳам иш бермайди. Бир кунни мен мослагани кўриб, кузатиш учун диктофонлар компаниясига бордим. Навбатчи сотувчи ашпарат хусусиятларини мантқан шарҳлади, унинг олдидagi стенограф ашпаратнинг ишлаш вазифаларини қайд этиб кўрсатди. Очиб берди. Сотувчининг далилларини мен диктофоннинг азалий ус-

лублар билан қайдлари билан солиштирганимда менга таъсир этмади, чунки сотувчининг уни сўзлар билан инкор этди.

Сизнинг фикр-ўйларингиз ишонттиришни амалга оширилишининг бирмунча муҳим тақдим этади, албатта, чунки айнан фикрлар овозингиз оҳангини, маълум жиҳатдан сизнинг ҳаракатларингизни ҳам назорат қилиб туради. Агар сизнинг фикрларингиз, сўзларингиз, ҳаракатингиз бир-бирига муносиб бўлса, сиз қим билан алоқага қришсангиз уларни ўзингизнинг фикрларингиз киефасига бўйсундира оласиз.

Сиз бир инсонни бир нарсага ишонттиришингиз учун унинг мияси мўътадил ҳолатда бўлиши лозим; у сизнинг ишонттириш услубингизга очик ва қабул қилиши учун мосланган бўлиши керак. Кўпчилик сотувчиларнинг айнан шу вазиятда табрлари тугайди улар ҳақиқий харидорнинг мияси қабул қиладиган ёки мўътадил ҳолатга келгунча харидни амалга оширмоқчи бўлишади. Бу эса машғулотнинг шунчалар муҳим жойи/ўрники, мен унда токи сиз мен шарҳлаган ҳолат/ҳатти-ҳаракатни тушунганингизгача туриб тураман.

Мен сотувчи совда тугамалгунга қадар ҳақиқий харидорнинг миясини барқарорлаштириши лозим деганимда, истикболли харидор ишонувчан ҳолатга келишини назарда тутдим. Шубҳасиз, барқарор вазиятнинг олдиндан шакллантириш, ёки харидор миясини мўътадиллаштириш ва уни очик мулоқотга келтиришининг ҳам олдиндан аниқланган қоидаларининг ўзи умуман йўқ. Қатъий қоидалар шаклда ниши мумкин бўлмаганларни сотувчининг кашфиётчилиги билан тўлғизилади.

Мен жуда қимматбаҳо – 100 минг ва ундан орттиқ доллар бўлган сўғурта ёрликларини сотадиغان сўғурта агентини биламан. Ҳақиқий харидорга муурожаат қилишдан олдин, агент бу харидор тарихи – маълумот, молиявий аҳолини, унга хос одатларни, унинг

диний масхабини ва бошқа кўпгина унга тегишли нарсаларни ўрганиши лозимки, уларни саноғи йўқ. Мазкур маълумотлар билан қуроллангандан кейин у қурбди мижоз ижтимоий ва иш юзасидан имкониятга эга бўлган пайтда у билан учрашиб келишиб олинади.

Биринчи учрашув пайтида ҳаётини суғурга қилиш ёрлиғи ҳақида лом-лум демайди, иккинчи учрашувда ҳам сўз очмайди; бироқ бу мавзуда гап очмайди, фақатгина истиқболли мижоз билан яқиндан танишганда баъзан бу тўрисида гап очади.

Шу билан биргаликда у вақт^{жи}и бекорга сарфламайди. У дўстона муносабатларни ўзининг келажакдаги мижозининг миёсини мўътадиллаштириш учун қўллайди; у улар билан “ишончга асосланган” муносабатни йўлга қўяди ва шу тарикака қачон улар билан суғурга ҳақида гаплашганда улар уни диққат ва ишонч билан тинглашади.

Эсингизда бўлсинки, ишонттириш ва иштгйёқ-шижоат кўлдан қўлга ўтади!

Инсон миёси – таажжубли механизм!

Англаб туриб, ўзини ишонттириш асослари ёрдамида ва муайян асосий максад билан миангизни муваффакиятта интилишни шакллантиринг ва сиз ўзингизнинг яширин ва ривожланмаган лаёқатингизни кўрасиз, у лаёқат ўтаган тажрибаларингизда намоён бўлади, фаоллашади ва сизга ёрдамга келади. Мана мен сизга бор ишонч билан таъкидламоқчиманки: нафақат сизнинг айтган сўзингиз, балки унинг ОХАНТИ, ШАМОЙИЛИ ҳам катта таассуротни юзага келтиради.

Бу ердан шу келиб чиқадики, узок вақтли ва самимий таассурот қолдириш учун сўзларингизнинг самимийлигига, виждонлигингизга ва максадингизнинг жиддийлигини мустақкамлаш зарур.

Кимтадир бирор нарсани муваффакиятли пуллаш учун, аввал уни ўзингизга сотинг!

Бундан кейин агар сиз бу ноёб фазилатга эга бўлмасангиз иштгйёқни қандай ривожлантириш йўриқномаси берилади.

Йўриқнома жуда оддий, бироқ сиз бу оддийликни баҳосига етмасангиз ҳаго қиласиз.

Биринчидан, машғулотнинг бошқа барча дарсларини ўрганиб чиқинг, чунки уларда мазкур бу билан боғлиқ муҳим йўриқномалар мавжуд.

Иккинчидан, агар сиз буни ҳали қилмаган бўлсангиз, оддий тушунарли сўзлар билан ўзингизни асосий максадингизни ёзинг; кейин, улар ёрдамида сиз максадингизга етишингиз мумкин бўлган режасини ёзинг. Учинчидан, ҳар кечкурун ухлагдан олдин, асосий максадингизни формулировкасини ўқинг, тасаввурда ўзингизнинг максадингиз объектига эришини чизинг. Буни мутлақ ишонч ва ўз максадингизга амалда эришиш қобилияти билан бажаринг. Формулировкани бор иштгйёқингиз билан овоз чиқариб, ахр бир сўзни таъкидлаб ўқинг. Ўқишни сокин ички овоз сизга максадингиз амалга ошишини шивирламагунча такрор-такрор ўқинг.

Муваффақиятга эришиш учун, сиз ҳаракатдаги одам бўлиб, иштгйёқ билан ишлашингиз лозим. Буни шунчаки “билиш” етарли эмас. Буни билиш ва бажариш зарур.

Иштгйёқ – миангиз асосий пружинаси бўлиб билимларни ҳаракатга ўтишига даъват қилади.

Иштгйёқ ҳеч қачон шунчаки воқеа иши бўлмайди. Иштгйёқни юзага келтирадиган аниқ, равшан рағбатлар бўлади, улардан муҳимроқлари шулардир:

1. Ишчи севган иш ижроси.
2. Ишчи бошқа ишчилар билан тўқнашадиган шижоатли ва ижобий муҳит.
3. Молиявий муваффақият.
4. Муваффақиятнинг ўн бешта қонунини бекаму кўст эгаллаши ва уларни қундалик қўлтай билишни.

5. Яхши соғлиқ
 6. Бошқалар фойдасига келтирадиган билим.
 7. Бу машғулот учун мос келадиган кийим-бош.
- Ишתיёكنинг бу етти стимули алохида тушунтиришга мухтож эмас. Булардан охиригиси бундан мустасно. Кийим-бош руҳиятини қўлайдиганлар кўпчиликни ташкил қилмайди, шунинг учун биз қандайдир тушунча берамиз. Кийим инсон танлаши зарур бўлган безаклардан асосийси бўлиб, у инсоннинг ўзига ишончани оширади ва умидди ҳамда иштиёкки бўлишига катта ёрдам беради.

ЯХШИ САРПО ПСИХОЛОГИЯСИ

Яшнаб турган ташқи кўриниш ҳар доим, истисносиз тарзда, эътиборни жалб қилади. Бунинг устига, бундай кўриниш хайрихоҳлик уйғотади, чунки ҳар бир одам юрагининг тубида туллаб-яшнашга интилади.

Муваффақият қозонаётган одамлар уларнинг эҳтиёжларига тўла мос келадиган усуллар ва воситаларни кашф этишган ва бу одамларга ўртамие-налик даражасидан кўтарилишига имкон берувчи рағбатларни ишлаб чиқишади.

Агар одам кундалик ишлар билан бир зайлда, сушт, иштиёқсиз шугулланса, у омадсизликка маҳкум.

Яна бир марта эслатаман: ҳаётдаги ишингиз — муваффақиятга эришиш!

Бу фалсафани ўрганишда эгаллайдиган рағбатлар ёрдамида, унда мавжуд бўлган ғоялар кўмагида, муаллиф сизнинг ёрқин қобилиятларингизни очишга кўмаклашадиган ёрдами кўшилган ҳолда, сиз ўзингизни катта ютуқларга бошлайдиган МАЪЛУМ РЕЖА ишлаб чиқишингиз мумкин. Лекин ҳеч бир режа одадда ўзингизнинг кундалик ишларингизга сарфлайдиган куч ғайратлардан кўра кўпроғини жалб қилишингизга ундайдиган таъсир ёрдамсиз исталган натижа бермайди.

Энди сиз ўз ўзини назорат қилиш дарсига тайёрсиз.

ХАЛОКАТ КЕЛТИРУВЧИ ЕТТИ ЧАВАНДОЗ

Муаллиф билан дарсдан кейинги сўхбат

Кетма кет таништириш тартибида етти олтиқ шундай номланди: Сабрсизлик, Очкўзлик, Қасоскорлик, Манманлик, Сергумонлик, Рапш ва «?»

Одамнинг энг ёмон душмани унинг бошидир. Агар ўзингизни бошқалар кўрганидек кўра олганингизда дингиз ва уларни ўзингиздан хайдаб юбора олардингиз. Бу эсседа айтулган етти душман энг одатдаги, миллионлаб эркак ва аёлларни сездирмай мағлубиятга итараётган душманлардир. Ўзингизни яхшилаб ўрганиб чиқинг ва бу душманлардан айнан қайси бирини ўзингизда яшириб юрганингизни аниқлаб олинг. Сабрсизлик — энг кенг тарқалган ва хавфли душман. Токи САБРСИЗЛИКНИ ентмағунингизча, аниқ фикрлашга эриша олмайсиз. Одамзотнинг бу душмани миёни ётиб қўяди ва тафаккур, мангилқ ва ФАКТларни иккинчи планга суриб қўяди.

Ундан сўнг сизга ҚАСОСКОРЛИК ва ОЧКЎЗЛИК таҳдид солади!

ОЧКЎЗЛИК инсон ақлини шунчалик бузадики, у бутун ер юзини девор билан ўраб олишни ва қолган ҳаммани бу девордан нарига қувиб юборишни хоҳлаб қолади. Бу душман одамларни ўзларига керак бўлмаган ва ўзлари ҳеч қачон ишлата олмайдиган миллионлаб долларлар тўллашга мажбур қилади. Айнан шу душман бошқа одамдан то охириги томчи қон чиқиб кетмағунича талабни қучайтириб боришга ундайди.

Бузувчиликнинг яна икки эгизагига эътибор қилинг, булар — МАНМАНЛИК ва СЕРГУМОНЛИК. Улар ёнма ён юришади. Ўзини ҳалдан орттиқ яхши кўрадиган ёки атрофдагиларга жуда ҳам шубҳа билан қарайдиган одам муваффақиятга умид қилмаса ҳам бўлади.

Агар сизда бошқаларга ишонч бўлмаса, сизда муваффақият уруғи ҳам йўқ. СЕРГУМОНЛИК — жуда сермева микроб. Агар унга кўпайишта имкон берилса, у шунчалик тез кўпаядики, ИШОНЧ учун жой қолдирмайди.

Халокатли турухни икки душман яқунлайди. Улардан бирининг номи РАШҚ, иккинчисининг номи атайлаб тушириб қолдирилди.

Бу эссенинг хар бир ўқувчиси ўзини ўрганиб чиқиши ва еттинчи отликка ўзида топган нарсасининг номини бериши зарур.

Бавзилар бу отликни ТАРТИВСИЗЛИК, бошқалар — ПАЙСАЛТА СОЛИШ деб аташади. Қандай хоҳласангиз шундай атанг, лекин албатта ном беринг.

Тасаввурингиз сизни РАШҚнинг йўлдоши учун муносиб ном билан таъминлаши керак.

Чуқур тахлил қилишингизга вақт бўлиши учун бу эссега бир ойдан сўнг қайтинг. Уни яна бир марта ўқиб чиқинг, балки шунда хозир сизнинг онлингизда от учириб бораётган шафқатсиз душманлардан қутула оларсиз.

САККИЗИНЧИ ДАРС

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Агар уйдаламан десангиз, буни қила оласиз

Дунё буюклар деб атаётган одамларнинг ҳаётини ўрганинг, шунда уларнинг хар бири юқори даражада ўз-ўзини назорат қила олганини пайқайсиз 1.

Агар сиз ўз-ўзингизни етарли даражада назорат қила олмасангиз, фақат атрофдагиларга эмас, ўзингизга ҳам аник зарар етказасиз.

Чикагодаги катта магазинлардан бирида ўз-ўзини назорат қилишнинг муҳимлигини кўрсатадиган низога гувоҳ бўлдим. Шикоятлар қабул қилгандаги пештахта олдида аёлларнинг узун навба-ти пайдо бўлди. Улар пештахта ортида турган кизга ўзларининг кўнглисизликлари ва магазиндаги кам-чилликлар хақида айтишарди. Бавзи аёллар жуда ғазабланган эди ва фақат ёмон гапларни гапирешарди. Пештахта ортидаги ёш аёл уларни ҳеч бир норозилик аломатларини билдирмай эшитарди. У шикоят қилаётганларни магазиннинг керакли бўлимга табассум билан йўналтирар ва буни шунчалик ва-зимлик ва чиройли хушмуомалалик билан амалга оширардики, мен унинг ўз-ўзини назорат қилиши-га қойил қолдим.

Ундан кейин шундоқ орқа томонда бошқа аёл турарди. У ҳам шикоятларни эшитар, варақчаларга нималарнидир ёзар ва уларни биринчи аёлга кўрсатарди. Қоғозчаларда шикоятнинг моҳияти, албатта, захарли сўзлар ва ғазабларсиз, баён қилинганди.

Шикоятларни эшитаётган пештахта ортидаги ёш аёл мутлақо қар эди. Ёрдамчиси зарур фактларни қоғозга ёзиб унга билдирарди.

Бундай ихтирочилик мени хайратга солди; бошқарувчини излаб топдим ва ундан сўрай бошладим. У кар аёлни энг кийин ва магазин учун жуда муҳим ишга танлаб олганини тушунтирди. Бу иш учун у меъёрида эшитгадиган ва ўз-ўзи назорат қилгадиган одамни топмаган экан.

Ҳазабланган аёлларнинг узун навбатлини кузатар эканман, мен уларга пештахта ортидаги қизнинг мулоим табассуми қандай таъсир қилаётганини кўрдим. Аёллар унинг олдига бўридек тишларини тижирлатиб келар, худди кўйдек ювош бўлиб қайтишарди. Қизнинг ўз-ўзини назорат қилиши уларни уялтириб қўярди.

Шундан буён ҳар гал суҳбатдошимнинг мента ёқмаган иборасидан ҳазабланганимда, мен бу ёш аёлнинг вазминлиги ва ўз-ўзини назорат қилишини эслардим; кўпинча ҳаёлимга ҳамманинг вақти вақти билан ишлатиб туриладиган ўзига хос “тиқин”лари бўлиши зарур деган фикр келарди. Шахсан мен илгари мени ҳазаблантирган лакиллашларни эшитмаслик учун кулоқларимга “тиқин” тикиб олиш одатини эгалладим. Ҳаёт жуда қисқа ва унда яратувчилик ишлари жуда кўп. Шу боис, ўзингиз эшитишни истамаган нарсаларни гапирган одамга қарши “жавоб зарбаси бериш” ярамайди.

Келинг, энди “ўз-ўзини назорат қилиш” терминининг маъносини кўриб чиқамиз. Бунинг учун ўз-ўзини назорат қила оладиган одамнинг хулқ-атворини тасвирлаймиз. Юқори даражада ривожланган ўз-ўзини назорат қилишга эга бўлган одам нафрат, ҳасад, рашк, кўрқув, қасоскорлик ёки бошқа бузғунчи ҳиссиётларга берилмайди.

Очкўзлик, худбинлик, ўзини севish ва ҳаққий сифатларга қарамай ўзига ортиқча баҳо бериш — бу энг хавли шаклдаги ўз-ўзини назорат қилиш йўқлигидир. **ЎЗИГА ИШОНЧ** — муваффақиятга эришишнинг муҳим

оимларидан бири, лекин у ҳаддан ортиқ ривожланган бўлса, жуда катта хавфга айланади.

Ўзини қурбон қилиш — мактовга дойик сифат, лекин у ҳаддан ортиқ шаклларда намоён бўлса, бу ҳам ўз-ўзини назорат қилиш йўқлигининг хавфли шаклига айланади.

Сиз ҳиссиётларингиз бошқа одамлар сизнинг устингиздан ҳукмронлик қилишларига имкон бермаслигингиз керак. Севги бахт учун зарур, лекин ўз бахти бутунлигича бошқа одамнинг қўлида бўладиган даражада севган одам “яхши, оккўнгли бўри”нинг уясига кириб олиб, шу ерда ухлаб олишга руҳсат сўраётган қўйга ёки мушукнинг мўйлови билан ўйнашн ётирадиган қанарейкага ўхшайди.

Ўз-ўзини назорат қилиши юқори ривожланган одам ёвуз ёки пессимист кишининг таъсирига тушиб қолишга имкон қолдирмайди; бошқа одам унинг ўрнига ўйлашга йўл қўймайди.

Ўз-ўзини назорат қилиши юқори ривожланган одам тасаввури ва ишгаёки уни ҳаракатга ундамагунича уларни рағбатлантириб боради, лекин бунда ўз ҳаракатларини назорат қилиб боради ва улар ўзини бошқаришга йўл қўймайди.

Ўз-ўзини назорат қилиши юқори ривожланган одам ҳеч қачон, ҳар қандай шароитда, ёқтирмастлигининг сабаби нима бўлишидан қатъи назар, бошқа одамга туҳмат қилмайди ёки ундан қасос олмайди.

Ўз-ўзини назорат қилиши юқори ривожланган одам ўзининг фикрини маъқулламаганлрни ёмон кўрмайди, аксинча, норозилик сабабини аниқлашга ва бундан фойда чиқаришга интилади.

Ҳозир биз ўз-ўзини назорат қилиш йўқлигининг бошқа қолган ҳамма шаклларидан кўра кўпроқ зарар келтирадиган шаклига яқин келдик. Бу — фактларни ўрганмай туриб, фикрга келиш одатидир. Ҳеч қим ўзи фактлар ёки онгли типотезалар деб ҳисоблайдиган

нарсаларга асосланмаган фикрни шакллантиришга ҳақли эмас; ҳа, алар сиз ўзингизни диққат билан кузатсангиз, бирор нарса рўёбга чиқиши ёки чиқмаслиги учун, фақат истакларга асосланган фикрни шакллантираётганингизни ҳам сезиб қоласиз.

Ўз-Ўзини назорат қилиш йўқлигининг бошқа зарарли шакли, бу — харажатларга одалтанишдир. Мен, албатта, эхтиёжлардан ортқича харажатларни назарда тулаётман.

Ҳар бир центни пайпоғига яшириб қўядиган бахтсиз одам билан ишлаб топа оладиган ёки а оладиган ёки қарзга олган пуlining ҳар бир центини сарфлаб юборадиган одам ўртасида “олтин ўрталик” бор бўлиб, у ҳаётда ишонч, эркинлик ва қониқишдан завқ олиш учун хизмат қилади. Сиз шу ўрта нуқтани топишингиз ва уни ўз-ўзини назорат қилиш дастурига қирйтишингиз зарур.

Ўз-Ўзини тартибга солиш — сички кучни ривожлантиришдаги энг муҳим омил, чунки у сизга ўз иштаҳангизни ва ишлаганингиздан кўра кўп пул сарфлаш таъмоиллингизни назорат қилишингизга ёрдам беради; сизни хафа қилганларга “жавоб зарбаси йўллаш”га қўймайди, ўз қувватингизни самарасиз сўзларга сарфлашингизга тўсқинлик қилади.

Сенга зарар етказаяётган одам олдида сенинг қалтма устунлигинг бор: сен уни кечиршига қодирсан, у эса йўқ. Энг юқори ва кенг маънода муваффақиятга эришиш учун, сиз ўз-ўзини назорат қила оладиган одамга айланшингиз шарт.

Сиз фикрлаш қобилиятига эга бўлибгина қолмай, минг марталаб муҳимроқ бўлган нарсага эгасиз, яъни сиз ўз фикрларингизни назорат қила оласиз ва уларни ўз истагингизга кўра йўналтира оласиз!

Биз шу дасринг энг муҳим қисмига етиб келдик. Шошилмай диққат билан ўқинг! Мен дарсинг шу қисмига даярли кўрқув ва титраш билан қирпишап-

Мен, чунки у бизни камдан кам одам онгли равишда муҳокама қила оладиган мавзу билан юзлаштиради. Такрорлайман: сиз ўз фикрларингизни назорат қила оласиз ва уларни ўз истагингизга кўра йўналтира оласиз!

Миянгизни харакатга келтирадиган рағбатлар икки турли бўлади: биринчи тури — ўзига уқтириш, иккинчиси — уқтириш. Сиз ўзингизнинг фикрларингиз келиб чиқадиган материални танлаб олишингиз мумкин, бундай ҳолатда бу ўзига уқтиришдир. Сиз атрофдагиларга ўзингизнинг фикрлаш жараёнингиз учун материал танлаб олишга имкон беришингиз мумкин; бундай ҳолатда бу уқтиришдир. Фикрларнинг кўпчилиги четдан уқтириш орқали келиб чиқини тан олиш аламли, кўпчилигимиз бу уқтиришни шу бҳадарсиз ва текширмасдан қабул қилишимиз. Миш мишлар ва гап сотишлар, тўёки улардаги ҳар бир сўз ҳақиқатдек, бизни харакатга ундашга қодир.

Ўз-Ўзини назорат қилиш фақат фикрнинг устидан назорат қилиш масаласидир

Сиз куч манбаига эшик очадиган сеҳрли қалтми қидирайсиз; аммо бу қалит аллақачон кўлингизда ва ўз фикрларингизни назорат қила бошлашингиз биланок сиз ундан фойдаланишингиз мумкин.

ЎЗИГА УҚТИРИШ принципи ёрдамда ўз онгингизга ижобий, самара берадиган ва ҳаётдаги белгиланган бош мақсадингизга уйғун бўлган фикрларни жойлаштиради ва мия бу фикрларни физик воқеликка айлантиради ҳамда сизга яққуний маҳсулот кўришида қайтаради.

Мана шу фикрларни назорат қилишдир!
Ўз-Ўзини назорат қилиш фикрларни назорат қилиш натижасидир!

Олдиндан билиб туриб, ўз онгингизга ўзингиз бўлишни истатган фикрларни киритинг, сизга бошқалар уқтираётган фикрларни кўйманг ва сиз ўз-ўзини назорат қилувчи одамга айланасиз.

Ўз-ўзини назорат қилишни ривожлантирар экансиз, ўз шахсингизни кучайтирадиган бошқа сифатларни ҳам ривожлантириб борасиз. Ўз-ўзини назорат қила оладиган одамга хос бўлган бошқа қонунлар билан бирга, ажр қонунни ҳам бор.

Ажра нима эканлигини биласиз!

Бу ҳолатда у, одатда бу сўз остида тушунинишадиган қасос олиш маъносиде эмас, балки “айни ўша нарса билан қайтариш” маъносиде ишлатилади.

Агар мен сизни хафа қилган бўлсам, сиз имкони бўлиши биланок, менга ажр билан жавоб қайтарасиз. Агар мен сиз ҳақингизда ёмон гап гаприсам, сиз менга шунинг ўзи билан жавоб қайтарасиз ва ҳатто кўпроқ қилиб жавоб қайтарасиз!

Бошқа томондан, агар мен сизга илтифот кўрсатсам, сиз аини шу билан жавоб қайтарасиз ва иложи бўлса. кўпроқ қилиб қайтарасиз.

Бу қонунни тўғри қўллаш орқали мен сизни ўзим истаётган нарсани қилишга ундашим мумкин.

Гапига кўшилишингизни биламан. Менинг айтганларимни ўз тажрибангиз билан солиштиринг ва улар мутлақо мос тулишини кўрасиз.

Ажр қонунни ёрдамиде биз душманларимизни дўстга айлантира оламиз. Агар бўйинингизда осиялик турган ФУРУР (қайсарлик) деган тошни унутсангиз, бу таъкиднинг ҳақиқат эканлигини тасдиқлай оласиз. Душманнингиз билан одатдан ташқари самимий гаплашишга одатланинг. Ҳақ ҳар хил хизматлар кўрсатинг ва илтифот кўрсатинг. Аввалига у таъсирга берилмайдигандек бўлиб туюлиши мумкин, лекин аста-секин у сизнинг таъсирингизга тушади ва “” аини ўша нарса билан” жавоб қайтара бошлайди!

Бошқалардан нима хоҳлашингизни ҳал қилиш ва ажр қонунини қўллаб уларни шунни қилишга ундаш сизнинг ишингиз.

РЕЗЮМЕ

Биз ажр қонунни нима эканлигини билмаймиз, лекин у қандай амал қилиши ва нимагага олиб келишини биламиз; фақат бу бую принципни онгли қўллаш қолди, ҳолос.

ҲАММА ЁҚДА ЭВОЛЮЦИЯ

Муаллиф билан дарсдан кейинги сўхбат

Ўзгаришлардан ташқари ҳеч қандай доимий нарса йўқ. Ўзингизн англанг ва сиз бутун инсониятти биллиб оласиз. Фақат битта реал ютук бор, бу — АНИҚ ФИКРЛАШ лаёқати.

Бу эссеннинг мақсади — ФИКРга озукка бериш!

Эволюция қонунни ҳамма ёқда ва доимо амал қилади. У ҳамма нарсани ўзгарттиради, Ерда ва қоинотдаги ҳамма нарсани бузиб ташлайди ва қайтадан қуради. Агар шундай бўлмаганида эди, биз ҳеч қачон гўдақликдан ўсиб чиқа олмасдик. Одамнинг мияси доимий ўзгаришларга берилганлиги унинг омади келганлигидир

Миянгизни ўйлашга мажбур қилинг! Эски ғояларни янги режаларга алмаштиринг.

Олти ой ёки бир йилдан сўнг, бу эссени қайта ўқиб чиқинг. Шунда сиз бу ўқидан биринчи галдагисига қараганда кўпроқ нарса олаётганингни сезиб қола-сингиз. Сиз кўпроқ нарсани кўра билишингиз ва тушунингиз учун, ВАҚТ эволюция қонунига сизнинг онгингиз кенгайишига имкон берган.

ТЎҚКИЗИНЧИ ДАРС

ҲАҚ ТЎЛАШГАНИДАН КЎПРОҚ ИШ
БАЖАРИШГА ОДАТЛАНИШАгар урдадашнингизга ишонсангиз,
сиз бунни бажара olasиз!

Севги хақида тапириш сизнингча мавзудан чекинмиш бўлар, бироқ ўз фикрини охригача ифодаладан ўзингизни тийсангиз, сизни розилингиз билан севги мавзусига тегмасдан илож йўқ, бироқ бундан дарсни қисман бўлсада кадрсизламасдан, албатта. “Севги” қатламлари бу ерда энг кенг маънода қўлланлади.

Севгини уйғотадигина объектлар, мавзулар ва одамлар кўпчиликни ташкил этади. Бизга ёкмаган ишлар, баъзи шарт-шароитга кўрагина шўғулланиб турган ишлар, ва ниҳоят, ўзимиз СЕВАДИГАН ишлар мавжуд!

Шунчаки пул ишлаш учун бажариладиган ишларни камдан-кам кишилар севишади. Кўпинча уни яхши кўришмайди, хатто, нафратланишади.

Севимли иши билан шўғулланиб туриб, инсон узок вақт чарчов хиссини туймайди. Севмаган ши эса жуда тез чарчатади.

Шунга кўра инсоннинг бир ишга бардошлилиги унинг ўша ишни севишга ҳам жуда боғлиқ.

Сиз, албатта, фахмлаганингиздек фалсафанинг муҳим қонунларидан бирини муомалата киритмоқчимиз ва айнан:

Инсон бирмунча самарали у ўзи севган ёки у қилаётган ишнинг буюртмачиси севган иш билан шўғулланар экан бирмунча тезроқ муваффақиятга эришади. Бажарилётган ишга севги билан ёндошилса, ишнинг

сифати зудлик билан ошади, микдори эса кўпаяда ва бу чарчашнинг кучайиши билан кузатилади.

Бир неча йил илгари социалистлар гуруҳи, тўғрироғи “кооператорлар” кишлоқ хўжалик мулкчининг бир неча юзлаб акр (Англия ва Шимолий Америкада 0,4047 гектарга тенг ер ўлчови) ларни сотиб олиб, Луизианада колониялар ташкил этдилар. Колонистлар, агар хар бир киши ўзига ёккан ишни бажарса одамзод бахтли ва ташвишлардан халос бўлади деб хисоблаганлар.

Мулжалга кўра улар ҳеч кимга иш хақи тўламадилар. Хар бирлари ўзларига нима иш ёкса, ёки ўша ишга тайёрланган бўлса шу иш билан машғул бўдилар. Уларнинг меҳнатлари эвазига умумий мулк пайдо бўлди. Колонистларнинг ўзларининг сўт заводлари, гипс заводлари, ўз уй хайвонлари ва паррандалари ва ҳоказолари бўлган. Болалари ўқийдиган мактаблари ва газета чоп этадиган наشريётлари бўлган.

Колонистларга Миннесоталик бир швед келиб қўшилди, ва унинг хоҳишига биноат колонистлар уни наشريётга ишга олишди. Кўп ўтмай швед унга бажарилган иши ёкмаганлигини шикоят қилди, уни тезлик билан фермага ишга ўтказишди, у ерда швед тракторчи бўлиб ишлади. Фермада у икки кун ишлашга чидай олди ва яна уни бошқа жойга ишга олишларини сўради, ва уни сўт заводига ишга жўнатишди. Сигирлар билан у чиқишмади ва яна шикоят қилди. Бу гап уни кир ювиш қорхонасига ишга олишди. У ерда у атига бир кун ишлади. Шундай қилиб у бирин кетин колониядаги қарийб барча ишларда ишлаб кўрди, ҳеч бири ёкмади. Мэлым бўлдики, швед кооператорнинг хаёт хақидаги тушунчасини қабул қилмади ва кетилганга тайёрланди. Шу пайт унга гипс заводдан ўзи хали ишлаб кўрмаган бир ишни таклиф қилишди. Заводда унга аравача беришиб, гиптларни печдан олиб завод ховлисига ташишни буюришди. У

ғишгларни ховлига элтиб терарди. Бир hafta ўтдиям-ки, швед ишидан шикоят килмади. Ундан иши хакида сўрашганда, у: “Айнан шу иш менга ёқади”, деди. Аравачада ғишт ташийдиган кишини кўз олдигизга келтиринг! Айни шу иш швед табиғига мувофиқ келди: у бир ўзи ишлар, иш ҳеч бир мулоҳазани талаб этмасди, унинг зиммасида ҳеч қандай масъулик юклатилмаганди ва айнан шуни истаган эди.

У барча ғишларни ташиб тулгатмагунча заводда ишлади ва кейин колониядан кетди, чунки у ташиши керак бўлган ғиштнинг ўзи қолмаган эди. “Яхши иш тутади, энди Меннесотага қайтсам ҳам бўлади!”, деди у ва жўнаб кетди.

Агар инсон ўзи севган иш билан машғул бўлса, у узок вақт у ерда ишласа ҳам қийинмас ва унинг иши учун ҳақ тўлашса яхши. Айнан шу боис ҳар бир инсон ўзи ёқтирган ишни топиши керак. Мен сизга бундай маслаҳатни беришга ҳақлиман, чунки мен ўзим шундай йўл тутганман, ишимдан нолишимга ҳеч бир сабаб йўқ.

Йигирма беш йил бўлди-ки, мен мазкур фалсафа вужудга келган сеvimли ишим билан шугулланаман, ва мен батамом самимият билан айтаманки, бу ишимга тўланадиган ҳақиқий ҳақ бу мени ундан қоникшимдир. Мен бундан ортганини олмасамда мамнун бўлиб қоламан. Севимли ишида ишлайдиган кишиларни ҳар доим ҳам ёқинлари ва қариндошлари қўллайвермайди.

Хурмат билан афтишим мумкин-ки, менга ўзининг оқибатлари билан ёқимсиз қайфият ва ҳалокат олиб келувчи қаршиликлар ортда қолиб кетди. Балки мен бунни мазкур курснинг турли машғулотларида эркакнинг рафикаси уни танлаган ишида ёқлайдимми ёки ҳалакит беришига қараб, эркакни “синдириши” мумкин, деган фикрларим билан тез-тез эслатиб ўтгандирман.

Менинг аёлим мен доимий иш хақи тўлайдиган мумкин бир ишда ишлашим керак деб ҳисоблаган, чунки мен шундай ишда ишлаб туриб, ортиқча уруншларсиз олти минг доллардан ўн минг долларгача иш хақи олиб бунни ўзим ишбот қилганманда.

Мен аёлимни фикрларини тушунаман, чунки бизнинг болаларимиз ўсиб келаётган эди. Улар қийим-кечак ва таълимга муҳтож бўлаётган эдилар, доимий иш хақи эса, ҳатто, у камроқ бўлса-да, доимий-да.

Бирок мен бундан ишбот қилиш керак бўлмаган ҳақиқатга қарши ўзимча ишни ҳал қилишга қиришдим. У пайтга келиб менинг рафиками “ёрдами” менинг бутун оиламдагилар билан бирмашди ва улар биргаликда мендан доимий ҳақ тўлайдиган ишга жойлашимни талаб қилиб, менга қарши ҳужум қилишди. Қариндошларимнинг барчаси инсон бундай “бефойда” ишлар билан шугулланишга ҳақли, бирок энди ўйланган ва ёш болали эркакнинг бундай қилиши ноҳужоиз дейишди. Бирок мен бўйсунмадим! Мен йўлимни танлаган ва уни ҳимоя қилишга тайёр эдим. Қариндошларим менга анча қаршилик кўрсаттишди, албатта, лекин вақти келиб “қўл кўтаришга” мажбур бўлишди. Менинг ақлимда эса аллақандай тушқунликлар кечди, менинг қарорим вақтинчалик бўлса-да оиламдагиларга қийинчилик туғдирди, энг яқин дўстларим ва қариндошларим ишимга руйхушлик беришмади.

Вақтимга, ҳамма дўстларим ҳам менинг танловимни ақлсизлик белгиси, деб билишмади! Менга дадиллик бериб турган камчилик бўлишса-да, менга уларнинг далдалари жуда зарур эди. Булар қаторида биринчи бўлиб, Эдвин Барнс ва ҳамкорим Томас Эдисонни эслаган бўлар эдим.

Менинг ишим билан жаноб Варне қизиқиб қолган эди, ва мен астойдил тан оламанки, агар у муваффақият қонунни фалсафасини мантвийийлигига ишонмага-

нида эди, мен дўстларимнинг шиддатли сикувларига дош беролмас, ва доимий иш хаки тўлайдиган ишни топшига ҳаракат қилар эдим.

Сиз ўзингизда иш хаки тўлайдиганларидан кўпроқ ва яхшироқ иш қилишингизга одатланишни шакллантиришингиз лозимлигининг кўпгина сабаблари мавжуд. Бирок кўпчилик бундай йўл тутмайди.

Бирок икки вақт борки, улар бошқаларидан афзалдир. Биринчиси. Унга иш хаки тўлаганларидан кўпроқ ва яхшироқ иш бажарадиган одамнинг этиборини қозонганча, сиз бунни қилмайдиганларга солиштириганда фолиб чиқасиз ва бунда кескин фарқ шу қадар сезиларли бўладики, нима иш билан шуғулланишингиздан қатъи назар, одамлар бир-бири билан рақобатлашганча, сизнинг хизматингизни орқасидан қуввишадди.

Иккинчиси. Бу энг муҳим сабаб бўлиб, сиз ҳақ тўлайдиганлардан кўпроқ хизмат кўрсатишингиз мумкин; мазкур вақт ўз табиатига кўра асосийдир. Уни қўйидагича изоҳлаш мумкин. Фараз қиламизки, сиз ўнг кўлингиз кучли бўлишни истадингиз ва бунга ўнг кўлингизни мустаҳкам аркон билан боғлаб, унга узок вақт дам бериш билан эришмоқчисиз. Бундай номақбуллик кўлингизга қч бағишлайдими ва ёки аксинча уни кучсизлантирадими, охир-оқибат сиз кўлингизни очишга мажбур бўласиз.

Биласизми, агар кўлингиз кучли бўлишни истаганиз, сиз уни кўпроқ ишлатиш билангина бунга эришишингиз мумкин. Агар кучли кўлни кўришни истагангиз темирчининг кўлларига боқинг. Куч қаршилиқ кўрсатиш билангина ошади. Ўрмондаги энг қудратли эман бўрон ва жазирамалардан тўсилгани эмас, очик жойда ўсган ва кучли шамол, бўрон ва кўшнинг жазирама тафтига қарши бардош бераётганидир.

Энди биз, барча машғулотлар ва айнан ОРТТИРИЛГАН КАЙТИМ КОНУНИНИ тахлил қиламиз.

Бунни биз табиат бу конунни ерга қайта ишлов бервчини тақдирлаш учун қандай ишлатишидан бошлаймиз. Фермер тўпрокка астойдил ишлов бергандан кейин ерга дон сепади ва кўпайтирилган кайтим конунни экканини бир неча баробар кўпайтириб бермаганича сабр қилиб кутади.

Орттирилган кайтим конунни бўлмаганда эди, инсоният қирилиб кетар эди, нимагаки, еб-ичишга керакли бўлган озуқани ишлаб чиқара олмасди. Агар ҳосил экилгандан мўл бўлмаганида эди, ерга уруғ сеппининг ҳеч фойдаси бўлмасди.

Авааламбор, тавқидлашимиз керакки, бу конуният билан ҳеч бир қаллобликни амалга ошириб бўлмайди. Шунга қарамай, баъзи бировлар нарсаларни хақиқий қийматидан кўпроғини ёки аксинча, уни пайтириб олишга ҳаракат қилишадди.

Биз орттирилган кайтим конунини бунинг учун ҳавога этаётганимиз йўқ: муваффақият сўзи такаббурлик, қаллоблик мавжуд бўлган ҳақларда ижобий аҳамият касб этмайди.

Бу конуннинг бошқа бир муҳим аҳамияти шундаки, у хизматнинг харидорларига бўлгани сингари уни пуллаётганларга ҳам тарқалади; бунинг исботи сифатида ўз даврида Генри Форд муомалага киритган ва ўша пайтларда АҚШда энг юқори ҳисобланган бир қуналиқ иш ҳақининг энг ками бўлган машҳур беш долларли тизимни эслашимиз мумкин.

Далиллар билан таниш бўлганлар тасдиқлашадики, жаноб Форд юқори минимал иш ҳақини жорий этганда ҳеч қачон хайр-эхсон билан шуғулланмаган; аксинча, принципларни фойдасига қўллаб, улардан доллар кўринишида бўлгани сингари ишчиларининг ўз хоҳиши билан ишга самарали ёндашуви эвазига қатта даромад олган. Бу эса Форд заводларидаги энг самарали фойда манбаи бўлиб келган. Форд ишчиларига ўртача иш ҳақидан баландроқ ҳақ тўлаб, ўртача-

дан юкори бўлган сифатга эришган. Форд юкори миниманг ойликни жорий қилишдек ягона зарба билан сара ишчиларга эга бўлди ва ўз заводларида ишчиларнинг ўз истаги билан ишларига виждонан ёндашилларига эришди. Сиз ўзингизни ҳеч бир нарсага алмаштирмайдиган ва фойдали қилиш билан барча имкониятларга эга бўлишингиз мумкин, сизнинг хизматингиздан самара кўраётган бюртмачилар, уларсиз ҳеч бир ишни уддасидан чиқа олмайдилар. Орттирилган қайтим қонунни бу менинг кашфиётим эмас, ва мен бу қонунни кўлланишини оқмаганман, ва айнан – сенга тўлаганларидан кўпроқ ва яхшироқ ишлашни. Кўп йиллик кузатувларимдан кейин мен муваффақиятга эришишга имкон яратувчи кучни ишлатишни ўргандим, агар сиз имкониятларингизни аҳамияттини тушунсангиз уларни сарфлашни ўрганасиз. Ва сиз буни кўзингизни очадиган ва сиз унинг мавжудлигига шубҳа қилмаган кўлингиздаги кучни ишлатиш билан синаб кўришингиз мумкин.

Мен сиздан экспрементни ишонч билан бошлашишни сўрайман, чунки у ҳаётингиздаги бурилиш дақиқаларини аниқлатади. Экспремент объектти сизнинг муваффақиятингиз ибодатхонаси турган тоғ бўлиши керак; ва сиз тоғни қимирлатмас экансиз, ибодатхонани кўролмайсиз.

“Бу қандай тоғ?” – дейсизми
 Бу сиз кўрсатган хизматингизга пул билан тақдирланмаганиз вақтида, сизнинг алданганингиз туйғусидир. Бу туйғунни ғайриихтиёрий равишда ва сиз эътибор қилмаган ўнлаб усулларда ифода этишингиз мумкин: сизнинг муваффақият ибодатхонанингизни таг-туби билан вайрон этишлари мумкин.

Аҳолининг энг паст қатлами вакилларида бу туйғу тахминан кўйидагича кечади:

- Менга бу учун тўлашмайди ва уни бажарсан менга лаънатлар бўлсин!

Сиз мен гапирётган одамлар ҳақида биласиз, уларни кўп учратгансиз, бироқ бундай инсон муваффақият қозонганини ҳеч қачон кўрмагансиз, кўрмайсиз ҳам. Муваффақиятга бутун олам тортишиш қонунни ситари ўзгармас қонунларни жорий этиш ва қўллаш орқали эришилади. Муваффақиятти бурчакка камаб ёки ёввойи ҳайвонни ушлаб олгандек қувиб ушлаб ололмайсиз. Айнан шунинг учун сизга қонунлар ичида муҳими бўлган орттирилган қайтим қонунни билан яқиндан танишиш устида экспремент ўтказиш билан олиб боришни тақлиф этамиз.

Кейинги ойлар давомида сиз ҳеч бўлмаса бир кишига фойдали хизмат кўрсатасиз ва бу хизмат учун ҳақ тўлашларини кутмайсиз ва уни олмайсиз ҳам. Сиз шундай ишонч билан экспрементни бошлангки, у сизга муваффақиятга эришишинг энг муҳим қонуниятларидан бирини очиб беради ва сиз бундан хайратга тушмайсиз. Ушбу машғулот назариясини ўқиб чиқиб сиз уни улоқтиришингиз ва ундан қандайдир фойда олишга урунмаслигингиз мумкин: бунга тўла ҳақлисиз; бироқ сиз шундай йўл тутсангиз, сизга ҳеч қачон АНГЛАГАН ҲОЛДА, ЎЗИНГИЗНИ БЕБАХРА ҚИЛГАНИНГИЗНИ тошойнага қараб туриб хис қилиш насиб этмайди.

Ушбу машғулотни охиригача тутатганингиздан кейин орқага қайтинг ва ташаббус ва сардорлик/раҳбарлик ҳамда шижоат тўғрисидаги дарс машғулотларини қайта ўқиб чиқинг, уларни яхшироқ тушиниб етасиз.

Бу дарсларнинг барчаси ташаббусни кўлингизга олишни, уни шиддатли ҳаракатлар билан уйғунлаштиришингизни ва сизга ҳақ тўланадиган ишни кўпроқ қилиш зарурлигини кўрсатади.

Биз муваффақиятсизлигимизни оқлаш ва тушунтиришни энгил йўлларини топамиз. Биз ҳақиқатга интилмаймиз, асидида унинг ўзи қандай эканини ва биз уни қандай кўришни хоҳлайсиз билмаймиз, би-

лишга урунмаймиз ҳам. Биз ширин сўзларни, совуқ хушоматларни афзал биламиз, ва инсониятнинг асосий заифлиги ҳам шунда.

Биз кўпроқ ёқимсиз бўлган хақиқатни бизга очиб берганларни таъкиб қиламиз. Хар доим сизга тўлаганларидан кўра кўпроқ беришга ҳаракат қилинг ва шунда сиз ОЛАМ СИЗ ТЎЛАГАНДАН КЎРА КЎПРОК ТЎЛАШНИНГ англаб етасиз.

Сизга хизматингиз учун мураккаб фоизлари билан тўлашади. Ва сиз фақатгина бу тақдирлаш минораси кандай пайдо бўлганини аниқлайсиз.

Ви сиз бу дарсларнинг барчасидан олганларингизни нима қилишга қиримокчисиз? Ва қачон? Ва қандай? Ва нима учун? Мазкур машғулотлардан олган билимларингизни сарфлашга ундамаган бўлса бу дарслар сиз учун фойдасиздир.

Билим ташқиллаштириш ва ҚЎЛЛАШ билангина КУЧ/КУВВАТга айланади. Буни ҳеч унутманг.

ОЛИЙ ТАФАККУР

Машғулотдан кейин муаллиф билан суҳбат

Ер юзидда нимаики бўлса шунга бизга келтиришга кодир бўлган куч

Биз тпш асрида, темир асрида, мис асрида, муттаассиб диний хурофотлар даврида, ишмий талқикотлар даврида, саноат даврида яшаганмиз ва энди биз ФИКРЛАР даврида яшамокдамиз.

